


Қ  
О  
Д  
И  
Р  
Ж  
О  
Н  
  
Н  
О  
С  
И  
Р  
О  
В



МУҲАММАД  
ЮСУФ  
НАМАНГАНЛИКЛАР  
НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қодиржон НОСИРОВ

# МУҲАММАД ЮСУФ НАМАНГАНЛИКЛАР НИГОҲИДА

Муртазая Абдураман  
Раҳимовичга ушбу китоб  
қўйиб беришга буюрди  
Хайриятда ёлғизлик  
қилишга ва бунга  
шайхларимизнинг  
китобларини  
«Наманган» нашриёти

2016

Муртазая Абдураман  
9.09.16

**УУК: 821.512.133-9**  
**КБК: 84 (5 Ўзб) 7**  
**Н - 12**

Монографияда Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф талабалик пайтида Наманганда ўтказган ҳаёти ҳужжат ва хотиралар асосида еритилган. Шу билан бирга унинг шеърлятида етакчи бўлган муҳаббат мавзуси, ҳассос шоирнинг Наманган адабий муҳити билан бўлган ришталари, унинг вилоят адиблари ижодига таъсири таҳлил қилинади; поэтик маҳорат масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Масъул муҳаррир:**

**М.СУЛАЙМОНОВ, ф.ф.н., доцент.**

**Тақризчилар:**

**Ф.ГАБДУЛҲАКОВ, п.ф.н. доцент, Халқаро Пушкин танлови лауреати;**

**Ф. ҚАРИМОВА, ф.ф.н., доцент.**

**\*\*\***


Монография яратилишида қимматли фикр-мулоҳазалари, амалий ердами билан қўллаган НамДУ ректори, профессор А.В. Умаров, проректор, доцент Муродхон Қодирхонов, ўзбек тили ва адабиети кафедраси доценти Мўминжон Сулаймонов, шоирнинг олмаси Гулчеҳра Турдиқулова, турмуш ўртоғи Назира ас-Салом, укалари Миродил, Матлуба ва Мухаббат Юсуповлар ҳамда бошқа қариндошлари, Косонсойдаги "Қоратоғ шаббодаси" фермер хўжалиги бошлиғи Аъзамжон Ҳожи Мамажонов, таржимон Роза Казакбаева, шоир Иброҳим Маҳкамов, расом Алижон Турдалиевага, Мухаммад Юсуф тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашган барча дўстлар ҳамда китобга илова қилинган асарлар муаллифларига чукур миннатдорчилик изҳор этамиз.

**\*\*\***

НамДУ илмий-техникавий кенгашининг қарори билан (баённома №16, 10 июнь, 2015 йил) нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-977-93-8**

НГ 1465-5690.0 – 1823400  
1466- (12.25) – (02) 2016



© «Наманган» нашриёти  
© Қодиржон НОСИРОВ, 2016

## КЎЗГУ

(Масъул муҳаррирдан)

Наманган давлат университети доценти, педагогика Фанлари номзоди, Халқаро Пушкин танлови лауреати Қодиржон Носировнинг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳақидаги янги китобини Сизга ҳавола этаяпмиз.

Маълумки, машҳур адиблар ҳаёти мухлисларда қизиқиш уйғотиши табиий ҳол. Зеро, буюк ижод, айниқса лирика, ҳар доим ҳам ижодкор шахсий кечинмаларининг ифодаси сифатида юзага чиқиши ҳеч кимга сир эмас. Бунга жаҳон мумтоз адабиётида мисоллар кўп. Шуну нуқтаи назардан, кенг омма фикри-ёдида Муҳаммад Юсуф шахси ва ижодига бўлган кучли эътибор ҳам бежиз эмас, албатта.

Китобда муаллиф, ҳужжат ва хотираларга асосланиб, Муҳаммад Юсуф Наманганда ўтказган сал кам бир йиллик ҳаётига оид маълумотлар келтиради, бунда бўлажак Халқ шоирининг портретига янги чизгилар намоён бўлади. Айни пайтда, айтиш лозимки, монография муаллифи муҳаббатдек муҳим тушунчанинг Муҳаммад Юсуф ижодидаги фалсафий-бадиий талқинини кўрсатиб беришга, шоир маҳоратини, унинг бадиий тафаккурини очиб беришга ҳаракат қилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Қ. Носиров аниқ мисолларда шоирнинг ўз оиласига, фарзандларига, жигарбандларига нисбатан меҳр-муҳаббати ва бурч ҳисси шеърятда қандай намоён бўлганлигини ҳам кўрсатиб берган.

Қ. Носиров шоир адабий меросининг бевосита Наманган адабий муҳити билан боғлиқ жиҳатларини ҳам қизиқарли, ҳам ишонарли тарзда ёрита олган. Чунончи, адабий жараёнда учраб турадиган, аниқроғи адабий жараённи силжитиб турувчи омиллардан бири — турли ёзувчилар ижодида кўзга ташланадиган ғоявий-мазмуний муштараклик, яна ҳам аниқроқ қилиб айтсак, бир мавзуга, сюжетга бир неча ёзувчилар



мурожаат қилиш ҳодисаси ва унинг натижаси қандай бўлиши мумкинлиги Муҳаммад Юсуф ва наманганлик адиблар мисолида ёритган.

Монографияда Муҳаммад Юсуфнинг Наманган билан боғлиқ бўлган ришталари, шоир тўғрисидаги хотиралар, адиблар ўртасидаги ижодий муштараклик масаласи билан чекланмаслиги акс этган. Хусусан, китобнинг учинчи бобида келтирилган кўплаб мисоллар Наманган адабий жараёнининг бугунги ривожига, айниқса, ёшлар ижодида Муҳаммад Юсуфнинг роли беқиёслигини кўрсатиб турибди.

Айтиш лозимки, "Муҳаммад Юсуф наманганликлар нигоҳида" монографияси билан танишар эканмиз, бунда самимий инсон ва ҳассос шоир тимсоли кўз ўнгимизда яна ҳам яққолроқ намоён бўлиши билан бирга наманганлик ижодкорларининг шоир образини яратишдаги маҳоратига берилган баҳо билан танишамиз. Монография шоирнинг барча мухлисларига манзур бўлади, айниқса ўқув юртларида унинг ижодини ўрганиш жараёнида қўл келади, дейишга асос бор.

**Масъул муҳаррир**  
Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,  
ф.ф.н., доцент.

## КИРИШ

XX аср ўзбек адабиётининг эрта сўнган юлдузларидан бири Муҳаммад Юсуф навқиронлигидаёқ эл-юрт эътиборини ўзига жалб этди, олий эътирофга сазовор бўлди, айниқса, ёшлар орасида шухрат қозонди. Шу билан бирга, бизда "Муҳаммад Юсуф шеърляти ёш танламайди" деган ибора ҳам пайдо бўлди. Унинг Ватан, ёшлик, муҳаббат мавзуларидаги бетакрор, қалбни куйлатиб, дилни яшнатиб юборадиган мисралари билан бирга халқимиз, элимиз шукҳини-ю андуҳини тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган оҳанрабо кўшиқлар барча санъат мухлисларини ўзига ром этган. Халқ орасида, айниқса, ўқув юртларида, талаба ёшлар ўртасида бу ҳақда кўплаб самимий фикрларни эшитиш мумкин.

Ростини айтсам, Муҳаммад Юсуф Тошкентдаги Республика рус тили ва адабиёти институтини тамомлаганлигини билганимдан кейин, менда унинг ижодига алоҳида ихлос пайдо бўлган эди. Ўзим шу соҳа кишиси бўлганлигим учун, шоир ижодига ўзгача бир ғурур билан қарай бошладим. Бўлажак шоир маълум муддат бизнинг олийгоҳда, яъни Наманган давлат педагогика институтида ўқиганлигига доир бир-бирига зид маълумотлардан (Намангандан кетиб қолиш сабабларига оид) хабар топгач эса, менда бу ҳақда, албатта бирор мақола ёзиб, масалага ойдинлик киритиш истаги туғилди. Шу мақсадда унинг ёшлик, талабалик даврига оид маълумотларни тўплаш ҳамда шоирнинг шеърларини қайта-қайта мутолаа қилиш жараёнида унинг шахсига, ижодига қизиқишим кун сайин ортиб борди. Шоирнинг мамлакатимиз бўйлаб таралаётган шухрати ҳам мени батафсилроқ тадқиқотга ундади.

Кузатишлар натижасида шоирнинг Наманган билан алоқалари қисқа (бир йилга етмаган) ўқув даври билан чегараланмаслигига эътибор бердим ва бу ҳодиса адабий жараён учун мен аввал ўйлагандан ҳам аҳамиятлироқ эканлигига амин бўлдим. Вилоятимиз аҳолиси, айниқса зиёлилар, қалам аҳли, ҳаваскор ижодкорлар орасида Муҳаммад

Юсуфнинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш ниҳоятда кучли (Ҳатто, айтиш мумкин, бошқа вилоятларга нисбатан ҳам) эканлиги намён бўлди. Чунончи, "Шоирни хотирлаб..." номли мақолада ўқиймиз: "Даврани бошқараётган йигит: "Бу йилги хотира тадбирида ҳам Жамолиддин Муслим раҳбарлигидаги наманганлик ва косонсойлик мухлислар ғолиб деб топилдилар. Уларнинг ижросига, одобига, ҳақиқий мухлис эканлигига тан бердик",<sup>1</sup> - дея эълон қилди." Эслатамиз, гап шоирнинг таваллуд куни унинг туғилган уйидаги тадбир ҳақида кетяпти. Бунда турли вилоятлардан келган шоирнинг ёр-биродарлари, адиблар, санъаткорлар чиқишлари ижодий беллашувга айланиб кетиши кўпчилик мухлисларга маълум.

Шу ўринда ҳар йили апрель ойида республикамизнинг деярли барча ўқув юртларида, жамоатчилик масканларида Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган қизиқарли кечалар, учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу маънода 2014 йил айниқса сермазмун бўлди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Қарори мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда ўтказилган эзгу ишларнинг дебочаси эди. Қарорда шоирнинг "миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган"лиги таъкидланадики, бу ҳассос шоирнинг адабий меъросига берилган юксак баҳо, айти пайтда халқимизнинг севимли шоирига бўлган муҳаббати, чуқур эҳтиромининг ифодасидир.

Республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Наманган вилоятида ҳам 2014 январь-апрель ойлари мобайнида

<sup>1</sup>Эргашева Ҳамда. Шоирни хотирлаб. // Наманган садоси, 09.05.13.

олиб борилган маънавий-маърифий ишлар дастурининг марказида Мухаммад Юсуфга бағишланган тадбирлар бўлди десак, муболаға эмас. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги адабий-муסיқий кечалар, илмий конференциялар, семинарлар, қизиқарли учрашувлар, ижодий танловлар ҳақидаги ахборотларни барча газеталарда кунма-кун ўқиш, радио ва телевидение орқали тинглаш ва томоша қилиш мумкин эди.

Бу борада Наманган давлат университетига амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Олий ўқув юрти таркибида фаолият кўрсатувчи "Лирик лаҳзалар" ижодкор ёшлар клуби ташаббуси билан Наманган вилоят телерадиокомпанияси, "Наманган ҳақиқати", "Наманганская правда", "Маҳорат мактаби", "Ertakchi-repetitor", "Акс садо" газеталари тахририятлари ҳамкорлигида бадиий адабиёт, тасвирий санъат ва муסיқа йўналишлари бўйича январь ойи бошида *очиқ танлов* эълон қилинди. Изчиллик билан олиб борилган ташкилий ишлар, танловнинг бориши оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб турилганлиги яхши самара берди.

Университет талабалари билан бир қаторда вилоятимизнинг турли мактаб, лицей ва коллежларидан иқтидорли ёшлар иштирок этган бу танловга 25 апрелда яқун ясалди. Бу ҳақдаги таҳлилий материаллар вилоятнинг етакчи газеталарида чоп этилди, ғолиблар асарларидан альманах тузилди.

Танловда, табиийки, Мухаммад Юсуфга бағишланган номинациялар кўзда тутилган эди. Бунинг натижаси кўн жиҳатдан қувонарли бўлганини ҳисобга олиб, қўлингиздаг "Мухаммад Юсуф наманганликлар нигоҳида" номл монографиянинг тегишли қисмларида ёш ижодкорларнинг асарлари тўғрисида ҳам фикр юритишга жазм қилдим. Зер ушбу тадқиқотимни ўзим раҳбарлик қилаётган "Лирик лаҳзалар" клуби томонидан шоирга бағишланган юбил тадбирларининг давоми деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга айтиш лозимки, кейинги йилларда наманганлик таниқли қаламкашлар (педагоглар, журналистлар, шоирлар) томонидан битилиб, вилоят матбуотида эълон қилинган ёдномалар, бағишловлар, марсиялар, назиралар ҳам жуда-жуда эътиборли. Бунда Муҳаммад Юсуфнинг ижодий портретига янгидан янги чизгилар, қутилмаган талқинлар кўзга ташланмоқда. Уларни ўрганиб, умумлаштириш зарурати кишини тинч қўймайди. Зеро, халқимизнинг буюк шоирига бўлган муҳаббати маълум даражада, уммондан олинган бир томчида ҳам қуёш акс этганидек, Наманганнинг катта-кичик қалам аҳли ижодида ҳам ўз ифодасини топган, ва буни ўрганиш зарур.

Шундай қилиб, эл аро машҳур Муҳаммад Юсуф сал кам бир йил бизнинг шаҳримизда яшаб, таҳсил олганлиги, шоирнинг Наманган қалам аҳли билан ижодий ришталарини таҳлил қилиш зарурати, қолаверса, бизнинг ижодкорлар ўртасида унинг шахсига, адабий меросига қизиқиш жуда катта эканлиги, айниқса ёш авлод ижодкорлар, ҳеч бир муболағасиз, Муҳаммад Юсуф шеърояти таъсири остида шаклланаётганлиги мазкур мавзунини монографик тарзда ўрганиш заруратини тақозо этишини англадим.

### **Монографиядан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар:**

1. Тегишли ҳужжат ва хотираларга асосланиб, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф талабалик пайтида Наманганда кечирган ҳаётини ёритиш.

2. Монография мавзуси билан боғлиқ ҳолда Муҳаммад Юсуф шеъроятида етакчи бўлган муҳаббат мавзусини баҳоли қудрат таҳлил қилиш ва шу аснода шоирнинг ўз оиласига бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари ифодасига эътибор бериш.

3. Муҳаммад Юсуф ижоди ва Наманган адабий муҳити ўртасидаги бадиий-ғоявий муштарақликни ўрганиш.

4. Наманганлик адиблар ижодида мавжуд бўлган Муҳаммад Юсуф образига чизгиларни таҳлил қилиб, умумлаштириш.

5. Мухаммад Юсуфнинг поэтик санъатини ўрганиш билан бирга шоир образига мурожаат қилаётган наманганлик ижодкорларнинг маҳоратини очиб бериш.

6. Наманган адабий муҳитидан олинган мисоллар асносида Мухаммад Юсуф феноменининг бугунги адабий жараёнга, айниқса, ҳаваскор ёшларнинг ижодий шаклланишига таъсирини ўрганиш.

7. Мухаммад Юсуф шеърятини рус тилига таржима қилиш борасида Наманган тажрибасини ҳамда ёш рассомларимиз ижодида акс этган шоир тимсолини таҳлил қилиш.

Эътибор берилса, монографияда Наманган адабий муҳити таҳлили етакчи вазифалардан бирига айланган, тадқиқотимизнинг қарийб учдан икки қисми вилоятимиз қаламкашларининг Мухаммад Юсуф билан боғлиқ ижодларига бағишланган. Бу нарса миллий адабиётимиз юксалишида, маданиятимиз, маънавиятимиз ривожда салмоқли роль ўйнаган машҳур шоир босган изларни топиш (улар қаерда бўлишидан қатъий назар), ижодкор камолот йўлининг кам ўрганилган саҳифаларини ёритиш унинг адабий меросини тўлароқ англашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб туради.

Тадқиқотимизга наманганлик шоирларнинг Мухаммад Юсуф ҳақидаги шеърлари, шу жумладан, назиралари ва таржималари ҳамда ёш рассомларнинг ижод намуналаридан илова қилдик.

Умид қиламизки, ушбу китоб ниҳоясида келиб чиқадиган сабоқлар ёш авлод ахлоқий-эстетик тарбиясида бадиий адабиёт ролини яна ҳам фаоллаштиришга хизмат қилади.

## I БОБ. МУҲАММАД ЮСУФ НАМАНГАНЛИКЛАР ЁДИДА

### § 1. Наманган давлат педагогика институтида

Атоқли адиблар ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган нашрларда Муҳаммад Юсуфнинг Наманган педагогика институтида ўқишига оид маълумотлар йўқ. Жумладан, 1993 йилда чоп этилган С. Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” номли китобининг Муҳаммад Юсуфга бағишланган қисмида ўқиймиз: “Ўрта мактабни тугатгандан сўнг республика Рус тили ва адабиёти институтини (1978) тамомлади”.<sup>2</sup> Умумумтаълим мактабларнинг 8-синфи учун 2014 йилда чоп этилган “Адабиёт” дарслик-мажмуасида: “Ўрта мактаб таълимини олгач, Муҳаммад Юсуф Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга киради ва уни 1978 йилда битиради”,<sup>3</sup> - деб таъкидланади.

Кўриб турганимиздек, шоирнинг ёшлиги ҳақида қисқа, лўнда айтилган. Ортиқча гапга ўрин йўқ. Бундай нашрларда ўзгача бўлишини тасаввур қилиб ҳам қийин, албатта.

Аммо мухлислар машҳур ижодкорлар ҳаёти ҳақида батафсил билишни истайдилар. Қизиқиш ортган сайин эса тахминлар, миш-мишлар ҳам, табиий равишда кўпаяверади. Чунончи, бўлажак машҳур шоир Муҳаммад Юсуф – Андижон вилояти Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғида 1954 йилда туғилган Юсупов Муҳаммаджон – ўрта мактабни тугатгач, бирмунча вақт таҳсил олиш мақсадида Наманганда яшаганлиги билан боғлиқ ҳам баъзи миш-мишлар йўқ эмас: кимдир пединститутнинг ўзбек тили факультетида ўқиган деса, бошқаси – “физ-мат”, учинчиси – “русяз” дейди. Ҳатто “политехника институтида” деганни ҳам эшитдим. Яна кимдир: “Ҳарбий хизматга чақирилиши сабаб Намангандан кетган, сўнг Тошкентда ўқишни давом эттирган”, - деса, бошқа биров: “Пахтага бормагани учун

<sup>2</sup> Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. –Тошкент: Фап, 1993, 234-б.

<sup>3</sup> Адабиёт. Умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. –Тошкент: Гафур Гулом номлидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014, 128-б..

Ўқишдан ҳайдалган”, - дейди. Кимдир: “Пахтада муштлашгани учун ҳайдалган”, - дейдими-ей.

Айтиш лозим-ки, баъзи “миш”ларни тарқалишига маълум маънода шоир ўзининг бир гапи сабаб бўлган. “Маърифат” газетасининг 2000 йил 19 февраль сонида “Шеър – орзуларимнинг чўққиси эмас” номи остида Шерали Нишонунинг Муҳаммад Юсуф билан суҳбати эълон қилинган бўлиб, унда Тошкентга кетиши-ю, қишлоққа муносабати ҳақида мухбир берган саволга жавобан М. Юсуф шундай деган экан:

“ - Аввал Наманган пединститутида ўқиганман. Пахтага бормаганим учун ҳайдашган...

Анчадан кейин Наманган университетиде талабалар билан учрашув бўлди... Бир қиз савол берди:

- Айтингчи, шоир бўлиш осонми?

- Осон, ким Наманган пединститутига кирса, пахтага бормаса, ҳайдалиб кетиб, Тошкентга борса, шоир бўлади, дедим. Албатта, бу ҳазил.”

Менимча, “шоир бежиз бунақа демаса керак” деб ўйлаб, кимлардир ҳазилни чинга йўйган бўлса керак-да. Нега бўлмаса жиддий одамлар, обрўли олимлардан ҳам шу фикрни эшитдим? Мен бир пайтлар шундай катта шоир албатта ўзбек филологияси ёки журналистикани битирган бўлса керак, деб тахмин қилардим. Шу боис таниқли шоир, адабиётшунос олим профессор Одилжон Носировдан: “Муҳаммад Юсуф Наманганда ўқиган, дейишади, ўзбек филологиясида бўлса керак-а?” – деб сўрасам, у киши: “Мат-физда ўқиган, пахтага бормагани учун ҳайдалиб кетган,” – деб жавоб бергандилар. Яқинда яна бир кишидан, Муҳаммад Юсуф Наманган пединститутининг математика факультетида озгина ўқиган, удалай олмагач: “Мендан математик чиқмас экан”, - деб ташлаб кетган, деган гапни эшитдим. Яна математика.

Мен Муҳаммад Юсуф математика факультетида ўқимаганлигини аниқ билганим ҳолда, нега бундай асоссиз гап пайдо бўлганлиги ҳақида бош қотирдим. Ва изоҳни топгандайман,.. шоирнинг ўз шеърларидан.



Унинг "Сайланма"сини қайта-қайта варақлар эканман, "Математикани ёмон кўраман", "Математика дарси", "Қирувчи самолётлар" номли шеърлари эътиборимни тортди. Балки шу шеърлар маълум даражада сабаб бўлгандир? Намангандан кетиб қолишига эмас, албатта, - бу ҳақдаги асоссиз тахмин пайдо бўлишига. Эҳтимолдан холи эмас. Албатта, бу уч шеърнинг вужудга келиш сабаби, бутунлай бошқа ва бу асарлар шоир ижодида, муболағасиз, чуқур фалсафий, ижтимоий аҳамиятга эга. Математика шоир тасаввурида қирғин қуроллари рамзи:

*Атомлар – математика.*

*Водород – математика.*

*Қирувчи самолётлар – математика!*

*("Математикани ёмон кўраман")*

Шеърларда математикага гўзал табиат ва уни тараннум этувчи адабиёт қарама-қарши қўйилади:

*Математика – ой бўлади, йил бўлади,*

*Танкни танкка кўпайтирса – кул бўлади...*

*Дунё қачон бўстон бўлур, гул бўлади?*

*Адабиёт ўйлайвериб сил бўлади!*

.....

*Математика – лов-лов ёниб турган чўғсан,*

*Сендан нима яшашларин билган йўқсан.*

*("Математика дарси")*

Аслини олганда, фанда нима гуноҳ? Гап математикани ёвуз ниятга бураётган инсон тўғрисида кетяпти. Хуллас, шоир кўзига ёмон кўринган математика замин бўстонида доимо таҳдид солиб турувчи уруш рамзи, у шоирнинг Намангандан кетиб қолишига дахлдор эмас.

Мен қарийб саккиз йил давомида олиб борган изланишларим натижасида бўлажак Муҳаммад Юсуф Наманган давлат педагогика институтининг қайси факультетида, қачон, қандай ва, ниҳоят, қанча муддат ўқиган, деган саволларга жавоб қидириб топгандай бўлдим.



*Наманган вилоят, Чортоқ туман, 25-мактабда ташкил этилган Наврӯз байрамида.*

Мавзуга оид ёзма маълумотлар кўп эмас. Улардан биринчиси – Носиржон Дехқоновнинг “Муҳаммад Юсуфнинг опаси” номли мақоласи (“Мураббий”, 1998, № 25). Унда, сарлавҳага мос равишда, гап асосан Гулчехра Турдиқулова ҳақида боради.

Н. Дехқонов айнан ўша, “Муҳаммад Юсуфнинг опаси” сарлавҳаси билан “Халқ иродаси” газетасининг 2004 йил 19 апрель сонидан яна бир мақола эълон қилади. Бу мақолада Гулчехра Турдиқулованинг ҳам ғурур, ҳам жудолик туйғуларини ифодаловчи сўзлари келтирилади. “Мени деб Пешқўрғонда ойлаб қолиб кетар (ёшлигида бўлса керак – Қ.Н.), поччаси билан шеър-машқларини ўқиб, соатлаб баҳс қиларди. Ҳамқишлоқларим, қўни-қўшниларим билан ғоят қадрдон бўлиб кетган экан. Ғашли кунларимда дардқашим бўлишганида билинди.” Мана шуларга асосланиб, мақола муаллифи: “Халқимизнинг суюкли шоири андижонлик бўлса-да, таржимаи ҳолида қайд этилмаган жиҳатлари билан наманганликлар учун ҳамюртдай,” - деб хулоса қилади.

“Олтин қалам” газетасининг 2007 йил 13-17 сонининг “Муҳаммад Юсуф бир куни...” рукнида эълон қилинган материалда (муаллиф – шоирнинг қариндоши Масъуд Али) шоир ва тоғавачча икковлари 1971 йили институтга ўқишга киришгани ва ўша йили улар ҳамда янгиқўрғонлик Умрзоқ исмли йигит бир хонадонда яшашганлиги ҳақида гап боради. Хотирлаш мазмунига қараганда, Масъуд Али ва Умрзоқ жисмоний тарбия факультетида ўқишган.

Ушбу мақоланинг яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, ундан биз мактаб йилларидан шеър машқ қила бошлаган Муҳаммаджон, айти пайтда, балки биринчи навбатдадир, мусиқага кўпроқ ишқи бўлганлигини англаймиз. Йигирманчи аср ўзбек мусиқа санъатининг йирик намояндаларидан бўлган бастакор Муҳаммаджон Мирзаевдек машҳур бўлишни орзу қилган ва гоҳ рубоб, гоҳ аккордеон чалишни машқ қиларди. Демак, талабалик йиллари Муҳаммаджонда мусиқа ва шеърятга ошиқлик уйғунлаша борди. Кун бўйи спорт машғулотларидан чарчаб келган

шериклари қотиб ухлар, Муҳаммаджон эса куй ва шеър машқ қиларди: “Кечаси соат иккими-учми, бирдан аккордеон ғийқиллаб, ашула бошланиб қоларди”, – ҳикоя қилади Масъуд Али. Табиийки: “Ухлатасанми-йўқми бизни, кундузи ёзса бўлади-ку шу шеърни”, – деб танбеҳ беришарди унга. Муҳаммаджон эса:

- Ака, илҳом келиб қолди, ҳозир ёзмаса бўлмайди. Кундуз куни ўзимни мажбур қилиб ёзсам, яхши шеър чиқмайди, - дер, шеърни мусиқага солиб, ашула қилгунча ухлამас, биз эса бошимизни ўраб олар, “ўргилдим”, деб ғудурлаб ухлаб қолар эдик. У баъзан ойлаб шеър ёзмас, баъзан уч-тўрт кунлаб кечалари уйку бермай ёзар эди.”

Шоирнинг ёшлигига оид ушбу хотира кейинчалик Муҳаммад Юсуф халқ орасида бениҳоя севимли тимсолга айланиб кетиши бежиз бўлмаганлигини кўрсатиб турибди. Келтирилган иқтибосда, биринчидан, ижодкор учун илҳом қандай аҳамиятли эканлигига ишора бўлса, иккинчидан, бўлажак шоир ёшлик чоғларидаёқ икки санъат: адабиёт ва мусиқа эгизлигини яхши тушунган, бадиий сўз учун мусиқийликнинг аҳамиятини билган. Кейинчалик унинг шеърлари бастакорлар, композиторларда тасодифан қўлма-қўл бўлгани йўқ. Унинг асарлари замонавий қўшиқчилик санъат ривожига сезиларли ҳисса бўлди. Абдулла Орипов таъкидлаганидек, санъаткорлар “унинг ҳар бир мисрасини созга солишга тайёр эдилар”.<sup>4</sup>

Масъуд Алининг ёдномасида яна бир қизиқ эпизод бор, у хотира муаллифининг институтга кириш имтиҳонини топшириш билан боғлиқ: “Мен кросс (югуриш) бўйича имтиҳон топшираётган куним Муҳаммаджон: “Ака, кросс масофаси 5 км. Уни босиб ўтиш мушкул. Сизга ёрдам бераман. Бир кун аввал стадионга бориб кўриб келдим, бир жой бор экан. Ўша ерда мен беркиниб ўтираман. Чарчаганингизда сиз ўтириб оласиз, мен югуриб кетаман. Чарчасам, мен ўтириб оламан, сиз югуриб кетасиз, - деди”. Келишдик, дедим. Бир биримизга

<sup>4</sup> Орипов Абдулла. Бетакорр шонр. / Муҳаммад Юсуф. Улутимсан, Ватаним. – Тошкент: Шарқ, 2005, 275-бет.

Ўшашлигимиздан ҳеч ким ҳеч нарса сезмади. Навбат билан югуриб, ҳаммадан аввал маррага етиб келдим.” Ушбу маълумот Муҳаммад Юсуф ёшлигида бирмунча қув, шўх бўлганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Аmmo мақоладан қариндошлар қаерда, қайси институтда ўқиганликлари, хусусан, Муҳаммад Юсуф қайси факультетда таҳсил олганлиги маълум бўлмайди. Фақатгина “1972 йил Муҳаммаджон ўқишини Тошкентдаги рус тили ва адабиёти институтига кўчириб кетди”, - дейилган.

Муҳаммаджоннинг Наманганда кечган ҳаётига оид аниқроқ ҳам батафсилроқ маълумот Тўрақўрғон туманида чиқадиган “Давр” газетасининг 2008 йил 16 май сониди пайдо бўлди. Унинг “Хотира – абадий, қадрлаш - муқаддас” деб номланган махсус саҳифасида берилган мақолалардан бири “Булбулини унутмас чаман” деб аталиб, унда Тўрақўрғондаги 4-сонли мактаб-интернатда Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб ўтказилган кеча тўғрисида ҳикоя қилинади. Бунда мазкур даргоҳ директори Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Замирахон Асқарованинг сўзлари эътиборли:

“Биз Муҳаммад билан бир вақтда, яъни 1971 йили Наманган давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга киргандик. Чинакам интилувчан ва изланувчан, юксак иқтидорли йигит эди. Бир йилгина ёнма-ён ўқидик. Кейин эса у таҳсилни Тошкентдаги республика рус тили ва адабиёти институтида давом эттирди... Афсуски, ҳаёти қисқа экан. Лекин Ўзбекистондек истиқлолдан гуллаб яшнаётган гўшанинг булбулига айлана олди. Бундай оташнафас ижодкорини злу юрти ҳеч қачон унутмайди”.

Демак, бўлажак шоир Муҳаммад Юсуф 1971 йили Наманган давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради ва бир йил бу ерда таҳсил олади. Тошкентга келгуси йили кўчириб кетдимиз ё кейинроқ давом эттирдими ўқишни – бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган.

Газетада бир гуруҳ йигит-қизларнинг бўлажак машҳур шоир билан бирга тушган фотосурат ҳам берилган. Айтиш лозимки,

курсдошлардан З. Турсунов билан мен аввалроқ бир-икки мартаба учрашгандим. Муҳаммад Юсуфнинг Намангандаги ҳаётига оид маълумотлар тўплаётганимни эшитиб, ўша суратни менга келтириб берганди. Зоҳиджоннинг айтишича, Муҳаммад Юсуф 1972-1973 ўқув йили ўрталарида наманганлик дўстларини йўқлаб келган ва эсдалик учун суратга тушишган. Мана ўша сурат:



*Қизлар (чапдан ўнга): С. Тожибоева, З. Асқарова, М. Содиқова; йигитлар (ўнгдан чапга): З. Турсунов, М. Юсупов, Т. Жўрабоев; охири икки йигит Муҳаммад Юсуфга Тошкентдан ҳамроҳ бўлиб келган ўртоқлари; 1972-1973 йилининг қиш ойлари*

Изланишлар давомида биз шоирнинг Наманган вилоятида истиқомат қилувчи яна бир қатор курсдошлари билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлдик. Бу ишда Муҳаммаджоннинг яқин дўстларидан бўлган Шарифжон Турдиев фаол ёрдам берди:



бир-иккита фотосурат совға қилди, курсдошларни излаб топишга ва улар билан учрашув уюштиришга кўмаклашди. Фотосуратлардан биттаси айниқса, мени қувонтириб юборди – бу Мухаммаджоннинг ўша, 1971-1972 ўқув йилига оид сурати эди, якка тушган; қорачадан келган истараси иссиқ, сочлари пешонасидан сал чапга буриб таралган, мўйлаби энди сабза урган йигитча, бошини бир томонга эгиброк, маъюс боқиб турибди. Маъюслик билан бир пайтда қора кўзларда шўхлик аломати ҳам билиниб тургандай. Бошини бир томонга эгиброк юриши бошқа суратлардан ҳам таниш. Дарвоқе, бу ҳолатга шоир ўзи кейинчалик ҳазил аралаш қуйидагича изоҳ беради: “Мен хиёл сўлга энгашиб, бўйнимни қисиб юраман. Бир пайтлар газеталарда шеърларимни қайтариб беришавериб, мулзам юрган кунларимда орттирган одатим бу...”<sup>5</sup> (Бу сурат ҳақида кейинрок яна бир оғиз фикр билдирамиз).



*Мухаммад Юсуфнинг бир гуруҳ наманганлик курсдошлари билан учрашув (чапдан ўнгга): М. Содиқова, З. Асқарова, С. Турдалиева, камина, Ш. Турдиев, З. Турсунов. 2008, 30 август.*

<sup>5</sup> Мухаммад Юсуф. Шоирлар... галатирок одамларми?! Олтин калам. Нишона соли, 6-бет.

Курсдошларни тўплаш осон бўлмади, чунки бизни қизиқтирган одамларнинг кўпчилиги аёллар эди-да.

Ниҳоят, 2008 йил 30 август куни учрашувга Замира Асқарова, Санобар Турдалиева, Марҳабо Содиқова, Зоҳиджон Турсунов, Шарифжон Турдиевлар келишди. (Кейинроқ яна бир нечта курсдошлари билан яқка тартибда учрашдик, телефон орқали гаплашдик). Сўхбатимиз жуда илиқ бўлди. Мен ҳам улар билан ўзимни худди курсдошдай ҳис этардим. Ўша пайтлар мен ёш муаллим бўлганим учун, орамизда катта фарқ йўқ эди.

Сўхбат чоғида Муҳаммад Юсуфнинг ўртоқлари битта фикрни қайта-қайта такрорлашди:

“У жуда очиқ кўнгил, шўх йигит эди. У бор жойда қаҳқаҳа, ҳазил-мутойиба авжига чиқар эди. Пахта пайтида маҳаллий аҳоли билан ҳам тез киришиб кетарди. Ҳар қандай одам билан тил топа олиш қобилиятига эга эди. Шу хислатлари билан ўқитувчиларимиз эътиборини ҳам қозониб улгурган эди. Баъзан тўғилган кунлар нишонланарди. Бунақа пайтларда давранинг жони-дили Муҳаммаджон бўларди. У, албатта, “именинник”ка тўрт қатор бўлса ҳам шеърини табрик битарди. Муҳаммад баъзан ярми ҳазил ярми чин қилиб: “Мана, кўрасизлар, мен катта шоир бўлиб кетаман! Буюк одам бўламан!” – деб қўярди. Биз ҳазилга йўйиб, кулиб қўярдик Афсуски, унинг ўша шеърлари ёдимиздан чиқиб кетган. Бунақа катта шоир бўлиб кетишини, у ҳақдаги хотиралар керак бўлиб қолишини, ким билибди дейсиз..”

Курсдошлардан бири, Санобархон Турдалиева баъзи мисраларни ёдида сақлаб қолган экан. У эслаб кетди:

“Муҳаммад нафақат ўтиришларда, давраларда шеър айтиб берарди. Пахтазорда, эгатлар оралаб юрган йўлида ҳам шеър тўқирди. Масалан, бир куни менга юзланиб:

- Санобар, хоҳлайсанми, ҳозир шу ерда шеър тўқиб бераман? – деб қолди.

- Қўйсангчи, шу ернинг ўзида, бирданига қўлингдан келмайди. Ҳақиқий шоир бўлсанг экан, - деб кулгига айлангирдим. У бўлса:

- Ишонмайсанми? Мана, эшит:



*Самонинг қаърида чақнаб бир яшин,  
Англаб олмасданоқ ўчдию қолди.*

*Наҳотки бирпаслик, бир чақнаш ила  
Олам гўзали кўздан йўқолди?*

*Барибир, мен уни излаб топаман,  
Асло толиқмайман бу йўлда, асло!*

*“Раҳм қил,” - дея, мен кутаман вафо.*

- Бу оддий шеър эмас. Буни сенга бағишлаб, сатрлар бошига исминг ҳарфларини киритдим, - қўшиб қўйди у ўқиб бўлгач.

Мен ич-ичимдан севиниб, мағрурланиб кетдим. Яна бир такрорлашни сўрадим. У ялинтириб ўтирмади.

Ўша оқшом даладан қайтгач, бағишловни қоғозга тушириб қўйдим, ҳамон ёдимда ўша мисралар. Хонамда турадиган портретим орқасига ҳам ёзиб қўйганман. Билмадим, ўша жой ўзида тўқидими, йўқми. Ҳар қалай, олдиндан тайёргарликсиз бўлмаса керак. Аммо нима қилганда ҳам, қаранг, менинг исмим ҳарфларига мослаб тўқиганини...”

- Бунақа шеърлар мувашшаҳ дейилади, - изоҳ бериб қўйдим мен.

Ҳа, Муҳаммад ўн етти ёшида битган мувашшаҳни курсдош тумордек асраб келяпти.

Курсдошлар учрашувидан аввалроқ З. Асқаровага йўллаган хатимда мен бир неча саволларни қўйган эдим, чунончи, Муҳаммад Юсуфнинг қанча вақт Наманганда ўқиганлиги, кетиб қолиш сабаблари, қандай ўқиганлиги, ўртоқлари ва ўқитувчилар билан муносабати, шеър машқларига доир, муҳаббати ва ҳоказо саволлар.

З. Асқарова ўзининг жавоб хатида 1971 йили, улар биринчи босқичдалигида, сентябрнинг бошидаёқ талабаларни пахта йиғим-теримига, Учқўрғон туманининг Қўғай қишлоғига олиб кетишганлиги ҳақида ёзади. Чунончи, “Студентларни бир-бири билан яқиндан танишадиган ва дўстлашадиган давр – бу пахта терими, - таъкидлайди хат муаллифи. – Муҳаммаджон биз билан пахта терарди. У жуда қувноқ, хушмуомала, ҳаммани ўзига қарата оладиган ажойиб инсон, дўст эди. Биз Содиқова

Ҷарҳабо, Тожибоева Садияхон, Шарифжон, Ғофиржон ҳамда Муҳаммаджонлар билан доимо бирга пахта терардик. У ҳамма билан иноқ, самимий, доимо кулиб турадиган, ҳазилкаш бола эди. У қаерда бўлса, ўша ерда кулги овози эшитилиб турарди. Домлаларнинг ҳам "эркатойи" эди. "Пахтага бормаганлиги учун ҳайдалган" деган тахмин нотўғри. Бизлар бирга бориб, декабр ойида пахтадан бирга қайтганмиз.

Муҳаммаджон "резерв"да<sup>6</sup> ўқиган. Аммо асосий таркибдагилар ҳаммаси яхши ўқиганлиги боис, ўқув йили охирида, "резервчилар" кетсин, дейилган. Улар 10 нафар бўлиб, иккитаси ўша вазиятда, ўша гап айтилиши биланок, кетишган, шуларнинг бири Муҳаммаджон эди. Лекин у яхши ўқиган, доимо ўзини ижобий томондан кўрсатган. Имтиҳонларга ҳам кўпинча бирга кирардик".

Зоҳиджон Турсунов ҳам биз билан суҳбатда Муҳаммад талабалар орасида дилкашлиги, қувноқлиги билан ажралиб турарди, пахта теришда ҳам бошқалардан қолмасди, ўқишлари "аъло" эди, - деб баҳо берди марҳум дўстига. "Резервчилар" тақдири хусусида эса, З. Турсунов айтишича, улар иккита бўлган: Муҳаммаджон ва яна бир қиз. Биринчи курс ниҳоясида ректор уларни чақиртириб, фақат бир кишини ўқишга қўшимча олишга имкон борлигини айтган ва ўша ягона ўринга қиз болани олиш мақсадга мувофиқлигини билдирган. Шунда Муҳаммад: "Мен қиз бола билан талашиб ўтирмайман. Майли, у ўқийверсин", - деган ва шу билан Намангандан кетган.

"Резервчи"лар нечта бўлганлигининг катта аҳамияти йўқ биз учун, албатта. Соддадил, айна пайтда, шоирнамо Зоҳиджон Турсунов уларнинг курсида ҳақиқатда нечта резервчи бўлганлигидан беҳабар бўлган бўлиши мумкин. Аммо Муҳаммадга ўзини яқин олиб юрган қизлардан биттаси ш мақомда эканлигини билган. (Ўша қиз институтни

<sup>6</sup>Ўша пайтларда конкурсдан ўтмай қолган абитуриентлардан 5-6 нафар яхши баҳо тўплаганларига реж кўшимча равишда ўқишга катнаб туришга руҳсат берилар, ва улар "резерв", яъни захира, ҳисоблана. Кўсингчлик, асосий таркибдан кимдир ўқинганини урдалай олмас, кетиб қолса, ўринга "резервчи" қабул қили эди. 1971-1972 ўқув йили ўртасида янги келган ректор бундайларни поқопушчи ҳисоблаб, ўқиндан четлати киришган.


муваффақиятли тугаллаган.) Ректор ҳузуридаги суҳбат эса Зоҳиджон ҳаёлида, олижаноб дўсти ҳақидаги хотиротда пайдо бўлган образ бўлса, ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, юқорида келтирилган далиллар, ҳаёлотдаги образ ҳам М. Юсуф ёшлигиданоқ анча виждонли, ориятли бўлганидан дарак бериб турибди. Ва шу нарса уни Намангандан кетишга ундаган.

Курсдошлардан яна бир нечтаси (Нажмиддин Салоҳиддинов, Зухра Юсупова, Дилором Исамова, Муҳиддин Турсунов) билан телефонда, мактуб орқали алоқа ўрнатишга муваффақ бўлдим. Уларнинг айтганлари, асосан, юқоридаги фикрларни такрорлайди, тасдиқлайди, десак бўлади. Зухра Юсупова бир-иккита фотосурат жўнатди.



*Муҳаммад Юсуф ва унинг наманганлик курсдошларидан бири Тоҳиржон Жўрабоев (Зухра Юсупованинг марҳум турмуш ўртоғи).*

Нажмиддин Салоҳиддинов ҳам фотосурат келтириб берди — бу аввалроқ Шарифжон Турдиев менга совға қилган суратнинг ўзгинаси эди, тўғрироғи, иккинчи нусхаси, Муҳаммаджон 1971-1972 ўқув йили ўрталарида яқка тушган сурат.



*Наманган шаҳри, 1971-1972 ўқув йили ўрталари.*

Расмнинг орқа томониغا Муҳаммаджоннинг қўли билан ёзиб қўйилган:

НА ПАМЯТЬ ДРУГУ  
ОУЖКУРСНИКУ  
НАЖМИДИН

Нажмиддин Салоҳиддинов хикоя қилади: "Муҳаммад, хусусий хонадонда ижарага яшаса-да, талабалар ётоқхонасига тез-тез келиб турарди ва, асосан, бизнинг хонада бўларди.

(Нажмиддин хонада Муҳиддин Турсунов билан турган – Қ.Н.)  
 Бизнинг учрашувларимиз шеърят машғулотларига айланиб кетар эди. У бизни шеър ёзишга ундар, беш-олти ўртоқлар ўртасида танлов-мушоира уюштириб юборарди. Рағбатлантириш учун совғалар ҳам ташкил қилворарди. У шўх, ҳазилкаш бўлгани учун, четдан қараганда ўйинқора, енгилтак деб ўйлаш мумкин эди. Лекин баъзи доноларча айтган гаплари бизни ҳайратга соларди. Масалан, у айтган антиқа гаплардан биттаси: *"Ҳар қандай хунук қизнинг бир чиройи бор, ҳар қандай чиройлининг бир хунук жойи бор. Буни кўра билиш керак."*

Курсдошлардан бири Х А Л И М А Х О Н Т Ў Й Ч И Е В А куйидагича ҳикоя қилади: "Пахта йиғим-теримининг дастлабки кунлариданоқ етти-саккиз нафар талаба бир-биримизга анча яқинлашиб, дўстлашиб қолдик. Ёнма-ён пахта терардик, бирга овқатланардик, оқшомлари бўладиган мажлислар-у кўнгилочар тадбирларда ҳам бирга бўлардик. Наманганлик Шарифжон Турдиев, Марҳабо Содиқова, Жомашуйдан мен ва Санобар Турдалиева, Тўрақўрғондан Замира Шарипова, Садияхон Тожибоева, Косонсойдан Зоҳиджон Турсунов ва Андижоннинг Марҳамат туманидан Муҳаммаджон Юсупов – ҳаммамиз оддий меҳнаткаш оилалардан бўлиб, астойдил пахта терардик. Муҳаммаджон "компания" мизнинг жони-дили эди. У биздан ҳам содда кийинар, усти-бошига эътибор бермасди. Лекин жуда ақлли, киши кўнглини топиб гапиришга ҳаракат қиладиган йигит эди. У шоирман деб, кўпинча шеър тўқиб юрарди. Адашмасам, ҳаммамизга бағишлаб, шеър тўқиб чиққан эди. У атрофидаги барча қизлар билан деярли бир хил дўстона муносабатда бўларди, гўё ҳаммани яхши кўрарди. Айтдим-ку, кези келганда ҳаммамизга бағишлаб шеър тўқиб, айтиб юрарди, жумладан, менга ҳам. Мана шу шеъри сақланиб қолган менда", - Ҳалимаҳон сумкачасидан чиқариб, сербар "идора китоби"дан йиртиб олинган яримта сарғайган варақ узатди. Менга варақнинг ярми яқинда йиртиб олингандай кўринди, текис ҳам йиртилмаган. Дастхат Муҳаммадники эканлигига шубҳа йўқ.

ХАЛИМАХОНГА.

Халима ордунимиз наҳобат бўлсин!  
 Ўзгун муқарраб бўлсин дуоюна  
 Аллалар кўчилибдан вақога қўлини бахт  
 Ўзбон бўлишимиз парласин халқула  
 Муворак айлишимиз муворак бўлсин  
 Ўзларини тилдан бўлсин уйришимиз  
 Халима Ҳалимаимиз роҳатини сўрайин  
 Ўзун исмию халқу етсини қўлимиз  
 Ўзларини айлимин юрған қўлимиз  
 Ўзларини ўзларини шайлан қўлимиз  
 Ўзларини ўзларини қўлимиз  
 Ўзларини ўзларини қўлимиз

Мисрабоши ҳарфлар атайлаб йўғонлаштириб бўяб, ажратиб қўйилган-ки, бундан "Ҳалимаҳонга" сўзи келиб чиқаётгани кўзга ташланиб турибди

"Бу шеър март ойининг ўртасида ёзилган, мен 15 мартда туғилганман, - хикоясини давом эттирди Ҳалимаҳон. - Ётоқхонада, бизнинг хонамизда, яқин дўстларимиз йиғилган. Муҳаммаджон биринчи бўлиб:

- Ҳалимаҳон, туғилган кунингизга битта зўр шеър тўқидим, ўқиб бераман, - деб қолди. Мен эса:

- Йўқ, қўйсанг-чи, яна Аъзам акангнинг рашки келиб қолмасин, - дедим кулимсираб.

- Аъзам ака ўзимизнинг дўстимиз-ку, тушунади. Лекин хотиржам бўлинг, гап тегадиган жойи йўқ, – кулишиб, мана шу шеърни ўқиб берганди.

Намангандан аниқ қачон кетганини эслай олмайман. Аммо бир йилчадан кейин бизнинг Задарё (ҳозирги Мингбулоқ) тумани маркази Жомашуйда тасодифан учрашиб қолдик. У менга нотаниш бир нечта йигитлар билан бирга эди. Биз томонда ўшанда нима қилиб юрганини билмайман. Анча гаплашиб турдик. “Мана, Ҳалимахон, мени Наманганга сиғдиришмади, Наманган ўқитмади, Тошкент ўқитяпти. Ҳали катта бўлиб кетсак...” – деб, анча гина билан гапирди Наманган тўғрисида. Резервдан асосий таркибга ўтказишмагани учун қаттиқ хафа эди. Алам билан кетди у Намангандан. У шундай деса-да, менинг назаримда, Намангандан кетишига институт сабабчи бўлмаган. Билсангиз, битта қиз ҳатто иккинчи курсда ҳам резервда юрарди. Ўша ҳам ўқишни эсон-омон битирган. Муҳаммаднинг Тошкентга кетиб қолишига бошқа сабаб бўлган. Бунга ишончим комил,” – ҳикоясини тугатди Ҳ. Тўйчиева.

Ёқимтой шоир бола ўқув йилини охирига етказмай, кўздан ғойиб бўлди. Курсдошлар аниқ қачон кетганлигини эшлаша олмаса-да, битта масалада яқдил чиқишди – ўқишни ташлаб кетиш сабаби унинг ўта ориятлилиги. У яхши ўқир эди. Ўқитувчилар ҳам уни яхши кўришар эди. Маҳкам ёпишиб олганда, ўрнашиб қолиши мумкин эди. Гап бу ерда фақат унинг ориятлилигида. Саккиз киши ректорнинг кўрсатмасига зид равишда ўқиб қолишди-ку институтда. Муҳаммадга эса битта гап етарли бўлди.

Тўғри, фақатгина тахминларга сўяниб, шоир ўзи ҳақида айтган маълумотларни нотўғрига чиқариб бўлмайди. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, бизнинг ихтиёримизда аниқ далиллар ҳам бор-ку: М. Юсуфнинг тоғаваччаси Масъуд Алининг хотираларидан ташқари мен Наманган давлат университети архивидан излаб топган маълумотлар ҳамда курсдошлар хотиралари.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Масъуд Али ўз хотираларида Муҳаммаджон билан бир йилда (1971) Наманган педагогика институтига ўқишга кирганлигини кўрсатибгина қолмай: "1972 йил Муҳаммаджон ўқишини Тошкентдаги рус тили ва адабиёти институтига кўчириб кетди," – деб қўшимча қилади. Лекин, кўчириб эмас, ташлаб кетгани аниқроқ. (Тўғри, муҳими – кетгани.)

Курсдошлар хотирлашича, Муҳаммаджон биринчи курс киши имтиҳон сессиясида (февраль оyi) аниқ иштирок этган. Аmmo ёзги сессияда тўла қатнашганми, йўқми – эшлаш олмайди. Тахминан, май ойларида кетган.

Хотираларнинг эътиборли жойи шундаки – улар ўқишдан кўра кўпроқ пахта йиғим-терими мавсуми билан боғлиқ. Уларга асосланиб, қорамайиздан келган ёқимтойгина, хаёлпараст, айна пайтда ҳозиржавоб, кези келса гапни букмай гапирадиган, шўхликлари ҳам ўзига ярашган, ҳазилкаш, эгатлар оралаб пахта тераркан, шеър айтиб юрган шоир йигит образи кўз олдимда гавдаланади.

Қисқаси, пахтага бормаганлиги учун ҳайдалган деган гап – тўқима.


Буйруқдан кўчирма № 90А/с

Наманган Давлат Университети  
Наманган шаҳар 08.10.71 йилда

*Кўчирма қилинган айтишуни, соғлиқ бе,  
масъулнинг, даъватига, документ ва сарф вақт  
питиллик вақтига на сўрашнинг айтишуни:  
Ва қарорнинг русскасга ўзига 6 илтисотини.  
(нақиллашма қилима)  
РМ 71 йилда Маҳаммаджон  
Основида: рўқийи қилинган қилима.*

Муҳр

Архивда



Кўчирма бўлини бошлиғи:

Қўлдан келтирилган: *Байрақов Ш.*

Н. с. 390. в 1500—07 в.

Муҳаммаджон ўқишда ҳақиқатан ҳам резервчи бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун, университет архивида бир неча



кун эски ҳужжатларни варақладим ва ниҳоят 1971 йили рус тили ва адабиёти факультетига кириш учун имтиҳонга қўйиш ҳақидаги 90 А/С 31.07.71. рақамли юқоридаги буйруқни топдим. Унда Юсупов Муҳаммаджон 78-рақам билан қайд этилган.

Аммо институтга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда Юсупов Муҳаммаджоннинг фамилияси учрамади.

Архивдан маълумот қидираётиб, Муҳаммаднинг тоғаваччаси Маъсуд Али (у пайтда – Шарипов Махсудали)нинг ҳам талабалик даврига оид ҳужжатларни кўриб чиққанимда, у ҳам резервчи бўлганлигига эътибор бердим. У ҳам худди Муҳаммаджон каби имтиҳонга қўйиш буйруғида бор, биринчи курсга қабул қилиш буйруғида эса йўқ. Келгуси йили Жисмоний тарбия факультети бўйича биринчи курсдан иккинчи курсга кўчириш тўғрисидаги буйруққа алоҳида қўшимча банд билан киритилган. Демак, ҳар иккала бир хонадонда яшовчи қариндошлар бир хил мақомда бўлишган – резервчи. Аммо Махсудали “маҳкам ёпишганлиги” учун ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритган. Муҳаммаджон эса, буни хоҳламаганлиги учун, ташлаб кетган.

Курсдошлар Муҳаммаджоннинг Наманган педагогика институтида ишлайдиган тоғаси бўлганлигини ва бир неча вақт ўша тоғасининг хонадонида ҳам яшаганлигини хотирлашади. Аниқлашимча, тоға – ўша пайтлар физика кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаган Қурбонжон ака Ғаппаров экан. Мен у одамни яхши эслайман, анча обрўли киши эди, ўн йилча физика кафедрасини бошқарган. Бинобарин, айтишимиз мумкинки, агарда Муҳаммаджон Наманганда ўқишни давом эттиришни истаганда, тоғаси, албатта, ёрдам берган бўларди.

## § 2. АДИБЛАРИМИЗ МУҲАММАД ЮСУФ ҲАҚИДА

Муҳаммад Юсуфнинг Наманган вилояти адабий муҳити, унинг айрим вакиллари билан ижодий ҳамкорликлари мавжуд эди, асарларда бадиий-ғоявий муштаракликлар кўзга ташланади. Бундай ришталарни ўрганиш Муҳаммад Юсуфнинг ижодий портретига қўшимча чизгилар бўлиши, шубҳасиз. Шу мақсадда бир нечта ҳамшаҳар адиблар билан суҳбат қилдим, уларнинг эсдаликларини олишга муваффақ бўлдим.

**Таниқли адибимиз Ёқубжон Аҳмаджонов** Муҳаммад Юсуф билан яқиндан таниш бўлган. У кишининг таъбирича, "Муҳаммад Юсуф нафақат Марҳамат ва Тошкент ҳавосидан, Уста Латиф экиб кетган Наманган чинорлари соясидан ҳам баҳраманд бўлган эди". Ё. Аҳмаджонов менинг илтимосимга кўра ёзиб берган ёднома ўзига хос шоирона услубда битилганлиги боис, ушбу монографияда тўғридан тўғри фойдаланишга бирмунча ўнғайсизроқ. Авваламбор, айтиш лозимки, муаллиф шоирдан кўра унинг онаси, сингиси-ю поччаси ҳақида кўпроқ гапиради. Бевосита шоир тўғрисидаги унча кўп бўлмаган фикрлар, унинг битта-иккита айтганлари матн бўйлаб сочилган. Шундай бўлса-да, мен ўзим ҳам монография жанри талабларидан озгина чекинган ҳолда, Аҳмаджонов матнидан териб олинган Муҳаммад Юсуфнинг бешта-олтита сўзларига таяниб, қисқача бўлса ҳам, шоир Наманганга қилган ташрифларидан бирида қаерда ва қандай сайр қилиб юрганлигини, дўстлари билан қилган суҳбат мавзусини тасаввуримга келтиришга уриниб кўраман:

*"Беш-олтита ўрта ёшдаги кишилар қизгин суҳбат билан азим чинорлар сояси бўйлаб боряпти. Улар қаторида чапаначасига қадам ташлаб Муҳаммад Юсуф..."*

*Ҳаммалари кўтаринки кайфиятда, димоғ чоғ. Ҳазил-мутойиба гаплар орасида ижодга оид жиддий лўқмалар ҳам эшитилиб қолади. Кимдир истъдод тўғрисида гап очди:*

- Истеъдодсиз ижодкорни тасаввур қилиб бўлмайти, албатта, лекин баъзи истеъдоддилар ортиқча калондимоф бўлмаганда эди...

- Ҳақиқий истеъдод эгаси тортинчок, камтар бўлади. Истеъдодсиз эса сурбет, бетта чопар ва аферист бўлади! - кесди-қўйди Муҳаммад Юсуф.

- Ижодкорлар орасида ҳар икки тоифа ҳам учраб туради, - қўшимча қилди Ёқубжон Аҳмаджонов.

- Лекин истеъдод рўебга чиқиши учун маълум шароит ҳам керак, ака, - дейди меҳмон. - Мана, масалан, сиз пойтахтда яшаганингизда эди, бу истеъдодингиз билан кўп нарсага эришган бўлардингиз, - бошқа суҳбатдошларга қараб яна қўшиб қўяди, - Ёқубжон акамнинг бор-йўқ айби пойтахтда яшамаётгани!

- Сиз кейинги пайтларда қўшиқчи шоир бўлиб кетдингиз?.. - Муҳаммад Юсуфга юзланиб гап қотди ҳамроҳлардан бири.

- Мен қўшиқчи шоир эмасман. Қолаверса, қўшиқ атай ёзиладиган нарса эмас. Аввал яхши шоир бўлиш керак...

- Яхши шоир бўлиш дегани эса халқ тарихидан ўрин олиш демакдир, - яна қўшимча қилади Ёқубжон Аҳмаджонов.

Наманганнинг анвойи атир гуллари хуш бўйига тўлган истироҳат боғида ўтказилган оқшомдан сўнг меҳмонни Ёқубжон Аҳмаджонов ўз хонадонига таклиф этади. Узоқ бўлмаганлиги учун пиёда кетишди. Қинғир қийшиқ кўча бўйлаб боришар экан, меҳмоннинг ҳазилкашлиги тутади:

- Ёқубжон ака, бу кўчангизда тут кўринмаса ҳам, номи ўзи билан Бурама тут экан!.."

Яна таъкидлайман, ушбу микроматнни мен Ёқубжон Аҳмаджоновнинг ёдномасидан териб олган фикрлар асосида туздим. Айтиш мумкинки, бунда бошқаларнинг ҳам хотиротларида учрайдига шоирнинг портретига хос чизгилар бор: ижодкорлар тўғрисидаги фикрлар, гапни букмай гапириши, ҳазилкашлиги...

Ёқубжон Аҳмаджонов Муҳаммад Юсуфнинг онаси ҳақида ёзади: "Ҳамма нарса ибтидодан бошланади. Шоирликнинг

ибтидоси она меҳридир... Шоир Муҳаммад Юсуф оналари ҳақида кўплаб ҳиссиётга бой, самимий шеърлар ёзди, уларнинг илҳомчиси ўша, ўздан фарзандини афзал кўрган, Андижоннинг Марҳамат номли гўшасида бир умр истиқомат қилган, фарзандига "Ўғлим, шеър ёзсанг, "Самарқандга борсам мен агар" сингари ёзгин, "Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр" деб ёзмагин", - деб, маслаҳат берган, содда, айти пайтда, улур ўзбек аёли..."

Ёдномада учратганимиз, кўйидаги фикр эса барча шоирларнинг оқ сут бериб вояга етказган оналари ҳақида: "Шоирларнинг оналари Исо алайҳиссаломнинг волидаи муҳтарамалари Биби Марям сингари фарзандларига бениҳоя меҳрибон бўладилар".

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ё. Аҳмаджонов шоирнинг опаси ва поччаси ҳақида нисбатан батафсилроқ ёзади. Чунки бу инсонлар бўлажак халқ шоирининг шаклланишида роль ўйнаганлигига шубҳа қилмайди. Айти пайтда, дониш файласуфларча дейди:

"Биз шоирнинг опаси Гулчехраҳон билан бир факультетда таълим олганмиз. Қаноат исми дўстимиз унга кўнгил кўйди, уларнинг муҳаббати бизни Оврўпо футбол юлдузларига тақлид билан оввора бедард ёшларни ҳайратга солган эди. Барча замонларнинг ўз Ромео ва Жульетталари бўлар экан. Қаноат ва Гулчехра дорилфунунни тугатиб турмуш қурдилар. "Бетакроп фасл" шеъри севгидан бахт топган дўстимизга бағишланган эди: (Мен ҳам шу ерда Ё.Аҳмаджоновга монёлик қилмай, шеърни тўлалигича сақлаб қолдим. Чунки бу асар ўтган асрнинг 60-70 йиллар руҳини, чунончи, талабалик олтин давр руҳини маълум даражада етказиб берадики, бугунги ёш авлодга Муҳаммад Юсуф ўқиган йиллар тўғрисида тасаввур ҳосил бўлишига оз бўлса-да хизмат қилади. Талабалик даврига нисбатан шеърятимиз жуда-жуда камсўз эканлигини ҳисобга олсак, ушбу шеър бугунги ёшларимизга манзур бўлади деб ўйлайман).

*Студентлик – бетакрор фасл,*

*Орзуларнинг рангин жаҳони.*

*Омухтадир қўшиф-у, ҳазил,*

*Бу – ёшликнинг олтин замони.*

*Давраларда яшнар студент,*

*Бойчечакка ўхшар студент.*

*Турли туман савдолар ичра*

*Осон эмас асрамоқлик жон.*

*Оламдаги "бало"лар ичра*

*Энг мушқули, дўстлар, имтиҳон...*

*Гоҳ ёлғондан касал студент,*

*Тўқир зарбулмасал студент.*

*Гар синовдан тинч ўтиб олсак,*

*Осмон бўйи сакраш ҳам мумкин.*

*Аммо "бехос" йиқилиб қолсак,*

*Ҳолимизга йиғлайди маймун.*

*Пар ёстикни қучар студент,*

*Саҳар қатиқ ичар студент.*

*Киши ўқиб, бироз терласа,*

*Тан-у жони учун бир фойда.*

*Сўраб, баҳо қўйиб бермаса,*

*Домлаларга тинчлик ҳам қайда?*

*Оёқлари тинмас студент,*

*Эгилар-у синмас студент.*

*Дорилфунун аталган дунё,*

*Юксалтирар бизни кифт бўлиб.*

*Ўқишга тоқ келамиз, аммо*

*Тугатамиз некбин жуфт бўлиб.*

*Битиргунча чопар студент,*

*Ўзига ёр топар студент.*

Ёдномадан жудоликдан қовурилган қалб нидосини ифодаловчи шеър ҳам ўрин олган. Ё. Аҳмаджонов Муҳаммад Юсуф вафотидан қандай қайғурса, Қаноат Меҳмонов вафотига ҳам шундай куяди. Муаллифга икковиси ҳам қадрдон эди:

*Бехос адл қоматим букилиб кетар,  
Қўлдаги шаробим тўкилиб кетар,  
Бағрим чок-чокидан сўкилиб кетар,  
Сизни ўйлаганда, кетган дўстларим.*


*Боғингизни эрта босди хазонлар,  
Сизни олиб кетди қайтмас карвонлар.  
Кўзимни ёшлатар соғинч, армонлар,  
Бу дунёдан эрта кетган дўстларим.*

*Олам таровати дўст билан экан,  
Умр саодати дўст билан экан.  
Юрсам, оёғимга ботгандай тикан,  
Сизни ўйлаганда, кетган дўстларим.*

*Биламан, сиз ортга қайтмайсиз энди,  
Даврада ёддан шеър айтмайсиз энди.  
Дунё кўзларимга ярим кўринди,  
Сизни ўйлаганда, кетган дўстларим.*

28.10.08.

Қаноат Меҳмонов вилоятда таниқли педагог, адабиётчи бўлган ва маълум даражада қайнисига, яъни бўлажак Муҳаммад Юсуфга устозлик қилган, дейишади. Таниқли адиб Ёқубжон Аҳмаджонов хотирлашича, шоир Муҳаммад Юсуф поччаси тўғрисида: "Мен битта адабиёт ўқитувчисини биламан. У – Қаноат Меҳмонов", - деган экан. Муҳаммаджон опасиникига тез-тез бориб турар эди. Тажрибали адабиёт ўқитувчиси бўлган поччаси ёқимтой қайнисининг шеърий машқларига жиддий қарар, келажақда катта шоир бўлиб кетишига ишонч билдирарди. Худди шундай, опаси Гулчеҳра ая ҳам, укасига умид билан қарар, у билан эринмай шуғулланарди.



*Мухаммад Юсуф опаси Г. Турдиқулова ва поччаси  
К. Меҳмоновлар билан.*

Ёқубжон Аҳмаджонов, хотираларга “илова” сифатида деймизми, Мухаммад Юсуфга бағишлаб кейинроқ битилган “Ёшлиқда шўх бўлган болалар” шеърини ҳам тақдим этди бизга.

### Ё Ш Л И Қ Д А Ш Ў Х Б Ё Л Г А Н Б О Л А Л А Р

*Шоир Мухаммад Юсуфга*

*Майли, шўх деса бировлар,  
Писмиқларни севса бировлар.  
Улғайганда йўлбарсни овлар  
Ёшлиқда шўх бўлган болалар.*

*Муштлашганда қонаса бурни,  
Онасига билдирмас буни.  
Минг синовдан ўтар ҳар куни  
Ёшлиқда шўх бўлган болалар.*

Жилови йўқ дарёдек оқар,  
Юрагида чақмоқлар чақар.  
Нимагадир қизларга ёқар  
Ёшлиқда шўх бўлган болалар.

Қилсалар ҳам минг турли ўйин,  
Номардларга эгмайди бўйин.  
Тегирмондан чиқади бутун  
Ёшлиқда шўх бўлган болалар.

Дилдагини гапирар тикка,  
Ерга урсанг сакрайди кўкка.  
Тунда юрар кўрқмасдан якка  
Ёшлиқда шўх бўлган болалар.

Улар учун тўрт фасл баҳор,  
На исссиқ, на совуқ қилмас кор.  
Даштда юрган бир уюр тулпор  
Ёшлиқда шўх бўлган болалар.

Бир кун келиб, энг зўр бўлади,  
Ё ҳофиз, ё шоир бўлади.  
Эл-у- юртга фахр бўлади  
Иродаси бутун болалар.

Ушбу шеър буюк шоир Муҳаммад Юсуф портретига шунчаки поэтик чизгилар эмас. У, менинг назаримда, – биринчи бобда келтирилган курсдошлар хотира-тавсифларига назмий параллел. Фарқи – курсдошлар шоирни фақат талабалик давридан бир йилинигина билишади, ва барчаси, худди бир овоз билан гапиргандек, Муҳаммаднинг шўхлигига урғу беради. Шоир Ё. Аҳмаджонов эса М. Юсуфни фақат “катталигини” кўрган, лекин қаламкаш дўсти ёшлигида шўх бўлганига имони комил.



\*\*\*

Шоир Муҳаммад Юсуфни яқиндан билган наманганлик адиблардан яна бири – **Умархон Малҳамий**.

Мен у кишини шеърят тадбирларида кўриб юрган, чиқишларини тинглаган бўлсам-да, шахсан таниш эмас эдим. Шу боис, дабдурустдан кўнғироқ қилиб, учрашишни таклиф этиш менга бир оз ноқулай туюлди. Аммо кўнғироқ пайтида мақсадга кўчишим биланоқ, у киши бажонидил ёрдан беришга тайёр эканликларини билдирдилар ва “Бизникига келиб қўя қолинг”, - деб ўйларига таклиф этдилар: 18 октябрь кундуз соат 10.00 га. (Орадан анча ўтиб қолганлиги боис, йилни ҳам кўрсатиб қўйиш заруратини сездим шу ерда – 2008 йилда эди).

Умархон ҳожи Аҳмаджонов билан телефонда гаплашганимизда, учрашувгача хотираларни ёзиб қўйсангиз, деб илтимос қилмоқчи бўлдим, аммо хижолат қилиб айтмаган эдим. Уни қарангки, суҳбатимиз бошидаёқ ён дафтарчаларини қўлга олиб: “Мана бу ерда бир нарсаларни қоралаб ҳам қўйдим”, - деганларида мен хурсанд бўлдим. “Кейинроқ сиз учун оққа кўчириб берарман, хатим жуда ҳам хунук, қолаверса, мен буни кеча ҳовлида айланиб юриб, эслаганларимни тикка турган ҳолда ёзиб улгурдим. Тузукроқ кўчириб бермасам, ўқий олмайсиз,” – қўшимча қилдилар шоир.

Лекин мен у кишини овора қилгим келмай: “Шундайлигича бераверинг, мен хунук почерклар бўйича мутахассисман, чунки ўзимники ҳам жуда зўр эмас, домлалардан кўп танбех эшитардим”, - дедим. Кулишдик. Мезбон майда хат билан тўлдирилган варақларни жилддан чиқариб, менга узатди. Суҳбатимиз анча давом этди,.. аввал меҳмонхонада, кейин китоб жавонига яқинроқ бўлиши учун, у кишининг алоҳида хоналарига ўтдик.

Умархон Аҳмад Малҳамий ҳақиқатдан ҳам Муҳаммад Юсуф билан яхши таниш бўлишган экан. (Уйга қайтгач ёзувларини ўқиб кўрсам, Умархон ака М. Юсуфдан ёшлари анча улўф бўлишига қарамай, марҳумни худди буюк аллома ҳақида гап кетаётгандай, ўта иззат билан тилга олибдилар).

- Жуда ҳам ажойиб инсон эдилар. Ўта содда, камсуқум, айни пайтда куюнчак ҳам. Атрофида содир бўлаётганларга, эшитганларига ҳеч бефарқ қараб туролмасдилар. Бирор кишининг дардини эшитса, хунук хабар топса, ўзларини худди бунга шахсан гуноҳкордай ҳис қилиб, дардини олишга ҳаракат қилардилар. Сухбатлашаётганда кишига оғир ботмайдиган қилиб, андиша, истиҳола билан, бўйинларини ўнг томонга сал эгиб, жилмайиб туриб сўзлардилар, - деб таърифлайди Умархон ака Муҳаммад Юсуфни.

Улар кўп бора учрашишган. Умархон ака Тошкентда шоир хонадонига меҳмон бўлган. М. Юсуф ҳам Наманганга келганида Малҳамийни сўраб-суриштирар, у кишининг уйларига бир неча бор ташриф буюрган.

Кунлардан бир кун М. Юсуф Умархон акага кўнғироқ қилиб: "Оқибат" ғазалингиз билан қўтлайман, яхши чиқибди, - деб мақтаган экан. Дарҳақиқат, Малҳамийнинг ўша ғазалида М.Юсуф шеърлятида кўп учрайдиган виждон, диёнат тўғрисидаги чўғдай кўйдирадиган, эҳтиросли фикрга яқинлик бор. Лирик қаҳрамонларда руҳий муштараклик сезилади. М. Юсуфнинг ўзида ҳам "Оқибат" деган шеър бор. Мана ўша асардан парча:

*Меҳр юракларда кетса ичикиб,  
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.  
Элнинг кичигини ғажир кичиги,  
Улуғини эса улуғи...  
Полвони полвонни чалмоққа маҳтал,  
Дорбози дорбозин кўролмай яшар.  
Ҳофизлари кўшиқ айтишдан аввал,  
Бир-бирларин қарғаб овоз созлашар.*

*Зиёлиларига керакмас майдон:  
Тинчитар бир-бирин сал ғойибона,  
Олими олимин олимлик билан,  
Шоири шоирин ҳам шоирона!*

Шоирнинг “Осмоннинг охири”, “Кўхна қудуқ” дostonларида ҳам оқибат тушунчасига аҳамият берилган. Бинобарин, Муҳаммад Юсуф Малҳамийнинг қуйидаги шеърини бежиз мақтамаган:

*Орамиздан қаерга кетиб қолдинг, оқибат,  
Оқибатли эл юзидан парданг олдинг, оқибат.*

*Сўзласа ким ҳаёсиздан, виждон азоб чекарди,  
Андишали кишиларга кулфат солдинг, оқибат.*

*Минг ажабки, отасига этар фарзанди насихат,  
Кўнгил мулки номус қани, ё раб, чолдинг, оқибат.*

*Муҳаббатсиз, диёнатсиз киши инсон бўлолмас,  
Гўё шайтон томон ўтдинг, биздан тондинг, оқибат.*

*Менинг юртим Намангонда иймони бут киши кўп,  
Алломалар юрти ҳай-ҳай, нечун толдинг оқибат?*

*Эй, Малҳамий, ҳар бандага кўрсат меҳру вафони,  
Шунда ҳар бир ёшу қари айтар: топдинг оқибат.<sup>7</sup>*

Умархон Малҳамий Муҳаммад Юсуф билан Ғафур Ғулом номли нашриётда бўлган учрашувни алоҳида илиқлик билан хотирлайди.

У пайтлар Муҳаммад Юсуф ўша нашриёт ходими эди. Умархон ака у ерга навбатдаги тўпламини чоп этиш учун топширган бўлиб, унинг тақдирини суриштириб боради. М. Юсуфнинг хонасига, эшикни оҳиста чертиб, кирганида кабинет соҳиби ким биландир телефонда куйиниб гаплашаётган эди: “Ахир, тушунсангиз-чи, ғазал дегани бунақа бўлмайти-да...”.

- Ий-е, Малҳамий домла келибдилар-ку! Келинг, келинг! – деб ўрнидан туриб, қучоғини очиб қарши олди меҳмонни Муҳаммад Юсуф, – анжончасига қучоқлайми,

<sup>7</sup> Аҳмаджонов Умархон. Зебосан. – Наманган: 1992, 25-б.

наманганчасигами? Келинг, водийчасига кучоқлашайлик, - деб қаттиқ, эркакчасига кучоқлади у. Сўнг жойига ўтираркан, гўё телефондаги мавзуни давом эттирди, яна куйиниб:

- Қаранг, шоирман, дейди, аммо ғазал нималигини яхши тасаввур қилмайди, нега жуфт сатрлар билан ёзилишини тушунмайди. Фикрингни айтсанг, хафа бўлади, бўлар-бўлмас гапларни гапиради. "Нега чиқармаяпсизлар, у-бу қилайликми?" – дейдими-ей. Шеър, ғазал деганнинг жозибаси бўлади-да, образ бўлиши керак эсда қоларли...

Сал ҳовуридан тушгач:

- Дарвоқе, Умархон ака, тўпламингиз билан танишиб чиқдим. Бу бошқа гап-да, энди. Тўғри, бунда ҳам менга шахсан ёқмаган нарсалар учрайди, лекин баъзи байтлар борки, ялт этиб кўзга ташланади, юракни "жиз" этиб куйдиргандек бўлади ёки ярангга малҳамдек ёқади, шуниси билан хотирангга михланади. Мен баъзи мисраларингизни ёдлаб ҳам олдим:

*Агар рашк қилсангиз – ғунчалар сўлур,  
Олам, ойсиз тундай, зим-зиё бўлур.  
Кулсангиз-ёришар кеча чарақлаб,  
Юлдузлар ҳам сизга маҳлиё бўлур.<sup>8</sup>*

Мана буни, энди, шеър деса бўлади. Тилининг соддалиги-ю равонлиги билан, бетакрор ўхшатишлар билан эътиборга лойиқ. Шоир севгилисини "сиз"лаши антиқа.

Шу ерда айтиш жоизки, севгилисини "сиз"лаш шеърятда камёб ҳодиса. Аммо Муҳаммад Юсуф шеърларида бошқаларга нисбатан кўпроқ учрайди. Мана бир мисол:

*Жоним оғрийверар сизни ўйласам,  
Гулдай юзингизни силар энди ким?*

(“Мактуб”)

“Сиз”лаш ҳам лирик қаҳрамон тавсифининг бир қирраси, севгилисига, муҳаббатига муносабатининг ифодасидир. Дафъатан Муҳаммад Юсуф Малҳамийда учратиб қолган “сиз”га ижобий қараши ҳам тасодифий ҳол эмас.

<sup>8</sup> Ахмадҷонов Умархон. Зебосан. –Наманган: 1992, 7-6.

Ўша кунни Муҳаммад Юсуф наманганлик ҳамкасбини қўярда-қўймай хонадонига олиб кетади. Уй бекаси Назира ас-Салом хушрўйлик билан уларни қарши олди. Муҳаммад Юсуф рафиқасига меҳмонни таништирар экан, яна Малҳамийнинг унга ёқиб қолган тўртлигини, гўё у Назирахонга бағишлангандек, такрор ўқиб берди.

Дастурхон ёзилиб нозу неъматлар қўйилгач, хонадон соҳиби ҳазиломуз деди:

- Умархон ака, энди, айбга буюрмайсиз. Бу ерда Наманганнинг ёғли нонлари, гиждалари йўқ, бизда бўлка...

Меҳмон, нон азизлиги, яхши-ёмони бўлмаслиги ҳақида гапира кетди...

Икки шоир бир бўлганда, албатта, яна шеърятдан гап очилади: бу борадаги муаммолар хусусида кўп бўлмаса-да, баҳс юритишди.

Бир ярим соатларча ўтгач, ошхонадан уй бекаси лаганда буғи чиқиб турган палов кўтариб кирди:

- Водийча пиширишга ҳаракат қилдим, лекин, билмайман яна...

Юқорида баён этилганлардан замонавий ўзбек шеърятининг машҳур намояндаси наманганлик ижодкорга берган баҳосигина эмас, балки Муҳаммад Юсуфнинг адабий жараёндаги баъзи ҳодисаларга муносабати ҳам сезилиб турибди. Айти пайтда бунда унинг инсоний қиёфасига оид чизгилар мавжуд.

Шоир Малҳамий Муҳаммад Юсуф таҳрир қилиб, қисқача бўлса-да сўзбоши ҳам ёзиб берган "Зебосан" номли тўпламини унинг маслаҳати билан "Наманган" нашриётида чоп эттирди.

- Кўряпсиз биздаги аҳволни, бу ерда кўп туриб қолади, диққат бўласиз, боз устига, қимматга ҳам тушади. Аслида, Тошкентми, Наманганми, фарқи йўқ китоб учун, бари нашриётлар бир, республикага тарқалади, – деган экан ўшанда.

Яхшилар ёди мана шу тариқа дилларга муҳрланиб қоларкан!

\*\*\*

Наманган давлат университетининг бир неча ўқитувчилари шайх шоир Муҳаммад Юсуф билан ўзгачароқ ҳолатларда, шароитда танишишган. Чунки улар — шоирнинг қайнотаси, атоқли таржимашунос олим, профессор Файбулла ас-Саломнинг шогирдлари. Улар ўз хотираларида, биринчидан, қайнота билан куёв ўртасида доимо самимийлик ҳукм сурганини таъкидлашади. **Доцент Зоҳиджон Содиқов** "фақатгина қайнота-куёвлик эмас, балки ота-ўғиллик, устоз-шогирдлик, қолаверса, олим ва шоирликнинг ҳам энг юқори даражадаги самимий муносабатларини кўрганман", — деб ёзади. Баъзан шоирнинг янги шеърлари домланинг оила аъзолари, бутун шогирдлари ўртасида қувонч билан муҳокама қилинар экан.

"Кунлардан бир кун Муҳаммад ака ўзлари ўқиган мактабдаги адабиёт ўқитувчиларини домланикига бошлаб келдилар, ҳикоясини давом эттиради З.Содиқов. — Файбулла ака ҳам киши билан ҳамсуҳбатликдан жуда хурсанд бўлганларини эслайман. Ана шу даврада қаҳқаҳлашиб ўтирганлардан бири сифатида камина ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилардим. Чунки бу кишилар ўзлари ўтирган дастурхон атрофидагиларга ҳамisha ҳурмат, тенглик аломати билан қарардилар. Уларнинг кишини ўзига тортадиган ўзига хос оҳанрабоси бор эди гўё.

Бир сўз билан айтганда, Муҳаммад ака камина учун ҳам энг яқин ҳамсуҳбатга, дардкаш ва самимий дўстга айланиб қолганди. Биз Муҳаммад ака билан Наманган ҳақида тез-тез суҳбатлашиб турардик. Шоир мени кўришлари билан: "Наманганликлар қалай? Ҳабиб ака юрибдиларми? Университетлар яхшими?" — деб сўраб қоларди. Муҳаммад акадан бир сўраганим бор: Ака, мен Сизда наманганликларга хос бир соддаликни кўраман, мабодо!?" Муҳаммад ака шунда ўзининг салкам наманганлик эканлигини, бу ерга унинг синглиси тушганлиги, бир йил Наманган давлат педагогика институтида талабалик гаштларини сурганлигини, Намангандан унинг жуда кўп дўстлари борлигини ширин хотиралар билан эслар эди...

Мен Мухаммад ака билан неча мартаба учрашган бўлсам, у кишини ҳеч қачон хотиржам кўрган эмасман. Мухаммад ака доимо ўзига хос шоирона кайфият, бирор бир муаммо тўғрисида мушоҳада қилаётган, ижод дарди тўлдирилган уммонда сузаётгандек туюлар эди. Шоир оддий халқ ташвишлари билан ёниб яшарди. Чунки у ўз халқини бутун вужуди билан севарди. У ўзбекнинг дўпписини ерга тушишини хоҳламас, унинг гўзал қизларини узун куйлакли туркман қизига ўхшашларини орзу қиларди...

Мухаммад Юсуф ҳақида ўйлаганда киши қалбида ажойиб бир энгиллик, покиза ҳислар уйғонади. Айни пайтда у киши босиб ўтган ҳаёт йўлини эслаб, чуқур ўйга ҳам толиб қоласан."

Файбулла ас-Саломнинг яна бир шогирди **доцент Мухаммадисмоил Собиров** ҳам Мухаммад Юсуф билан устозининг хонадонида танишган. Унинг "Олтин даврим" газетасида (15.04.14) "Бодомзордаги суҳбатлар" номи билан эълон қилинган мақоласи, авваламбор, шоир портретига оид, лекин мен бошқа манбаларда учратмаган чизгилар билан аҳамиятли, диққатга сазовор: "Бирга юрган кезларим ундаги ички руҳий кечинмаларни қанчалик бепоёнлигини англай бошладим,.. табиат ва жамиятдаги борлиқ ҳодиса ва нарсалар унинг эътиборидан четда қолмасди"; яна: "Ғазалкент шаҳарчасида тушлик қилмоқчи бўлдик-да, ошхоналардан бирига кирдик. Шу лаҳзаёқ стол атрофига шоирни таниганлар, мухлислари йиғила бошладилар. Улар орасида оддий деҳқондан тортиб талабалар, зиёлилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳам ҳозир эдилар. Ҳаммалари савол-муддаолари билан пайдар-пай мурожаат қилишар, кимдир дастхат ёзиб беринг деса, бошқаси бир пиёла чойимиз бор деб, уйига таклиф қилади... Тушлик ҳам чала-чулпа бўлди. Аммо Мухаммаджон барча мухлисларни кўнглини ола билди. Нақ тўрт соатча давом этган ошхонадаги кутилмаган адабий учрашувдан сўнг бир пиёла чой таклиф қилган хонадонга кирдик".

Мақола муаллифи ўша ошхонадаги суҳбат давомида шоир ҳаётга доимо куюнчаклик билан қараганлиги, бефарқлик,

лоқайдлик унга хос эмаслиги, халқнинг кундалик ҳаёти, дарди билан, унга ҳамнафас бўлиб яшаётганлиги, рўпарасида содир бўлаётган нарсаларга бефарқ эмаслигига эътиборни қаратади. Халқ учун шоирнинг қалбида қўр топилади. Шу боис халқ уни яхши тушунади, яхши кўради, у билан ғурурланади.

М. Собировнинг мақоласида нафақат шоир ҳақида хотира, бир шингил бўлса-да илмий изланиш меваси учрайди – бунда шоирнинг бир иккита шеъри таҳлил қилинган. “Эрка кийик”, “Қалдирғоч”, “Бекатларда мен қоларман-да...” каби шеърларнинг мисралари бўйлаб олиб борган кузатишлари натижасида бу асарларда шоирнинг ҳаётига бевосита дахлдор муайян фактлар акс этганлигига ишора қилади.

\*\*\*

Таниқли публицист ва шоир Равшанбек Мирзаолимовнинг Муҳаммад Юсуф тўғрисидаги чоғроқ эсдаликларини “Наманган ҳақиқати”нинг 2013 йил 27 апрель сонисида учратдик. Бунда муаллиф шоир Наманган вилоятининг гўзал гўшаларидар бири Норин тумани аҳолиси билан учрашганликлари ҳақидаги ҳикоя қилади. Бундан ташқари, мақолада Муҳаммад Юсуфнинг норинлик биродарлари Сотиболди ва Зухриддин Жўраевлар тўғрисида маълумот ҳамда шоирнинг “Фарғонанинг паривашлари”, “Айтилмаган кўшиқларим, сендан узр” кўшиқлари Норин туманида битилиб, куй басталангани ҳақида ҳикоя қизиқарли. Мақола “Ёдимга тушди” номли элегия билан якунланади. *(Бу шеърни мазкур китобнинг иловасида ўқинг).*

\*\*\*

“Адибларимиз Муҳаммад Юсуф ҳақида” деб номланувчи ушбу бўлимда биз шоирнинг бир ажойиб мухлиси ҳақида ҳам қисқача тўхталамиз...

Шинаванда, мухлис, ихлосманд, ишқибоз... Бирор нарсага ҳавас билан қарайдиган ва уни жон-дили билан суядиган, шу



ҳавас билан тирик кишига нисбатан шу ибораларни ишлатамиз: шахмат ишқибози, мусиқа шинавандаси, шеърят ихлосманди, футбол мухлиси ва ҳ.к. Баъзи футбол ишқибозларига нисбатан фанат сўзини ҳам ишлатишади. Фанат – бу ўта ишқибозлик, бирор машғулотга бутун вужуди билан берилиш, унинг учун ҳамма нарсага тайёр, муккасидан кетиш; футбол фанатлари сеvimли командасининг ўйинини кўриш, уни қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга тайёр.

Шеърят шинавандасига нисбатан фанат дейилганини эшитмаганман. Балки унга ўша даражада берилувчилар йўқлигидандир? Албатта, ҳозирги замонда бадиий адабиёт шинавандаси камёб, айниқса, шеърятни англаб ўқиб, ундан завқланадиган киши ҳар қадамда учрайвермайди.

Аммо мен назарда тутаётган кишини Муҳаммад Юсуф шеърятининг фанати деб атасак, янглишмаган бўламиз. Тўғри, Муҳаммад Юсуфнинг ихлосмандлари бисёр. Лекин, **У** – бошқача! **У** шинавандаликни, оддий мухлисликни, муболағасиз, санъат даражасига кўтарди.

Бу ажойиб инсон ҳақида дастлаб Р. Мажнунованинг “Шеърятга ошиқ фермер” номли мақоласида ўқигандим. (“Наманган ҳақиқати”, 2011 йил, 15 июнь). Унинг қаҳрамони билан учрашиш истаги пайдо бўлди. Биринчи суҳбатданоқ бу киши оддий шинаванда эмас, талантли шинаванда эканлигига амин бўлдим.

Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги “Қоратоғ шаббодаси” фермер хўжалиги бошлиғи Аъзамжон Мамажонов Муҳаммад Юсуф билан таниш бўлмаган. Шундай бўлса-да, унга бағишлаб ўтказилаётган тадбир тўғрисида эшитиб қолса бас, ўша ерда ҳозир бўлишга ҳаракат қилади, унда ўзининг севикли шоири битган шеърларидан, худди ўзи ёзгандек юракдан берилиб, илҳом билан, ич-ичидан қизишиб бирин-кетин ёддан ўқиб бераверади. Чойхонада улфатлар даврасида, далада, пайкалда ҳам эҳтирос билан ўқийверади. Ўқиганда ҳам, профессионал бадиий сўз устаси ҳавас қилгудек ўқийди. У севикли шоири битган асарларни мутолаа ва декламация

қилишдан, авваламбор, ўзи завқланади. Сатрларда яширинган фикр-фояни бўрттириб, шундай эҳтирос билан ўқийди-ки, тинглаганлар офарин айтишади. У шеър ўқиганда асар дардини шоирнинг ўзидан кам ҳис этмаётганлиги сезилиб турадики, мен буни сўз санъатидаги ҳаммуаллифлик, деб биламан. Хуллас, мутахассислиги қурувчи-муҳандис бўлган Аъзамжон Мамажонов бадиий ўқиш бўйича Оллоҳ берган туғма талант. Ўзининг чиқишлари билан бу ажойиб инсон севган шоирининг адабий меросини тарғиб этади, умуман, адабиёт обрўсини кўтаришда беқиёс хизмат қилмоқда.



*Косонсойдаги "Қоратоғ шаббодалари" фермер хўжалиги раҳбари Аъзамжон ҳожи Мамажонов, Муҳаммад Юсуфнинг опаси Г.Турдиқулова, Косонсой туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Ҳ. Қудратова, Муҳаммад Юсуфнинг курсдоши З.Турсунов, шоирнинг жияни Нодирбек.*

Муҳаммад Юсуфга бағишланган қайси бир гурунгда ундан "Ўзингизнинг шеърларингиздан ҳам ўқиб беринг", деб сўраб

қолишганда, “Мен учун Муҳаммадюсуф ака ёзиб кетган, шуни ўқиганим етади” деган ҳазил аралаш жавобни эшитганмиз.

А. Мамажонов нафақат Косонсойда, балки бошқа туман, шаҳарларга, ҳатто пойтахтга бориб ҳам Муҳаммад Юсуфга бағишланган тадбирларда, мушоираларда қатнашиб юради ва шу билан адабиёт аҳли ўртасида бугунги кунга келиб эътибор қозонди. Таклиф қилинган жойларга бориш билангина чекланмай, ўзи ҳам мактабларда М. Юсуф ҳақида тадбирлар уюштиради

У кишини Наманган давлат университети қошидаги “Лирик лаҳзалар” ижодкор ёшлар клуби томонидан Муҳаммад Юсуфга бағишлаб, апрель ойларида ўтказиладиган анъанавий тадбирларга доимо таклиф этамиз. Ҳар гал унинг бадиий ўқиш санъати дорилфунун аҳлини лол қолдиради.

Аъзамжон Мамажонов Муҳаммад Юсуф шеърятининг шунчаки ишқибози эмас, балки унинг амалдаги фидойиси, толмас тарғиботчиси эканлиги яна шундан кўриниб турадики, у киши ҳар йили 26 апрель куни шеърятнинг бир автобус ёш мухлисларини йиғиб, Андижоннинг Қовунчи қишлоғига йўл олади, халқ шоири хотирасига бағишланган тадбирларда фаол иштирок этишиб, ардоқли шоир қабрини, туғилиб ўсган уйини, яқинларини зиёрат қилишади. Шу ерда мен ушбу китобнинг бошида тилга олинган “Шоирни хотирлаб” номли мақоладан бир иқтибос келтираман:

“Автобус ўриндиқларига ҳамма жойлашиб олгач, Аъзамжон ака бор овоз билан шоирнинг “Андижон” шеърини ёддан айта бошлади. Шундан сўнг автобусдаги ёшлар беихтиёр икки гуруҳга бўлиниб, жўр бўлишиб, баҳру байтни бошладилар. Шарт шуки, шеърлар фақат Муҳаммад Юсуфники бўлиши керак. Назаримда Қовунчи қишлоғига етиб боргунимизча шоирнинг юздан зиёд шеърларини айтиб бўлишди”<sup>9</sup>

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш керакки, Аъзамжон Ҳожи ўз ҳисобидан ҳаммани ҳам Қовунчи сафарига олиб боравермайди.

<sup>9</sup> Эргашева Ҳамида. Шоирни хотирлаб // Наманган садоси, 09.05.13.

Бунинг шарти бор: Муҳаммад Юсуф ижодидан камида йигирмата шеърни ёддан билиш!

Аъзамжон хожининг шеърят фанати эканлиги ёш қаламкашларга нисбатан бўлган оталарча ғамхўрлигида ҳам ўз исботини топиб келяпти. Аслида бойлиги ошиб-тошиб кетмаган меҳнаткаш фермер ҳаваскор шоирларни моддий қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижод мевасини рўёбга чиқаришга кўмаклашиб келмоқда. Хусусан, кейинги йилларда ёш қаламкашлар Обидхон Мамадалиев, Абдулазиз Муборакларнинг китоблари чоп этилишида ҳомийлик қилгандан ташқари, туман ёш қаламкашларининг шеърларини йиғиб, “Косонсой чечаклари” номли альманахни нашр эттирди ва, таниқли шоирларни таклиф қилиб, тақдирот ўтказиши катта воқеа бўлди. Тадбирга пойтахтдан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ҳам ташриф буюрди.

А. Мамажонов марҳум шоирнинг барча қариндош-уруғлари билан яхши таниш, борди-келдиси бор. Раҳматли Энахон ая Аъзамжон аканинг йўқловларидан боши кўкка етиб, кўзларидан ёш билан деган эканлар:

“ Ўғлимнинг Косонсойда ҳам шундай мухлислари борлигини билмаган эканман”. У бу сўзларини Тошкентдаги “Истиқлол” саройида бўлган хотира кечасида ҳам такрор-такрор айтган эди.



*Аъзамжон ҳожи Мамажонов шоир таваллуди куни Қовунчида. Ўнгдан – Муҳаммад Юсуфнинг қизи Мадина ва ҳожи аканинг қизи Насиба.*

Бозор иқтисоди шароитида, биров беҳудага бир қадам ташламаётган пайтда, ёшларимиз китоб ўқишдан кўра компьютердаги жангари ўйинларга кўпроқ ружу қўйган даврда чин маънавиятга ихлос, шеърятга муҳаббат намунаси, эзгулик йўлидаги ҳар бир ҳаракат келгусида ўзининг тотли меваларини, албатта, беради.

\*\*\*

Китобимизнинг ушбу бўлими ниҳоясида айтиш зарурки, наманганлик адибларнинг Муҳаммад Юсуф тўғрисидаги хотиралари шоирнинг етуклик даврига оид. Бунда шоирнинг баъзи шахсий хислатлари акс этиб турибди: суҳбатдош сифатида андишаллиги, истиҳола билан гапириши, лекин кези келганда, гапни букмай, лўнда қилиб айтиши мумкинлиги, айна пайтда, ҳазилкашлиги таъкидланади.

Яна бир муҳим хулоса шуки, ёдномадлардан Муҳаммад Юсуф бошқалар ижодига холис баҳо бера олиш истеъдодига эга эканлиги кўриниб туради. У қаламкаш ҳамкасбларининг асарларида ўзиникига яқин фикрлар, айниқса, оқибат, виждон, диёнат каби ахлоқий масалалардаги муштаракликка қувонган. Шоирнинг ҳақиқий истеъдод соҳиби ҳақидаги фикри эътиборли: "Истеъдодли ижодкор камтарин, истеъдодсиз эса сурбет бўлади".

Шоирни таниган киши борки, унинг характерида, ижодидида ёрқин ифодасини топган етакчи фазилатга – халқни бутун вужуди билан севиши, табиатда-ю жамиятда кузатилаётган ҳодисаларга ҳеч бефарқ қарай олмаганлиги, халқ дарди билан ёниб яшаганлиги, ўзгаларнинг ташвиши учун доимо ўзини айбдордай ҳис қилишига урғу беради. Шоир қалби борлиқ қайғуси билан тўлиб тошган эди.

Муҳаммад Юсуфнинг шоир бўлиб шаклланишида унинг онаси ва бошқа яқин қариндошларининг роли ҳақида учрайдиган фикрлар ҳам эътиборли. Жумладан, шоир онасининг фарзандига меҳри Исо пайғамбарга Биби Марямнинг меҳри билан қиёсланганлиги, айниқса, аҳамиятли.

Эсдаликларда Муҳаммад Юсуф ва унинг қайнотаси таниқли олим Ғайбулла ас-Салом ўртасида қайнота-куёвликдан кўра устоз-шогирдликка хос муносабат намуналари кўпроқ кўзга ташланиб турганлиги ҳам алоҳида таъкидланади.

Ёдномалардан Муҳаммад Юсуф Наманган ва наманганликларга алоҳида ҳурмат билан қараганлиги сезилиб туради.

Ва, ниҳоят, эсдаликларда нафақат шоир характери, балки давр руҳи ҳам маълум даражада акс этган.

## II БОБ. ИЛМИЙ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАР

### § 1. БИР СЮЖЕТ ИЗИДАН

Муҳаммад Юсуфнинг Наманган билан ришталари ҳақида гап кетганда, унинг ижоди билан Наманган адабий муҳити ўртасида жиддий ижодий муштараклик борлигига мисоллар келтириш мумкин. Биз изланиш жараёнида, муболағасиз, мумтоз анъаналарга хос ажойиб ҳодисага ҳам дуч келдик...

Муҳаммад Юсуфнинг “Уч ўғил ва бир қиз қиссаси” деб номланган асари ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган воқеа асосига қурилган: отанинг жанозаси пайтида уч ўғил падарнинг қиёмат қарзини гарданга олишмайди. Бўйга етмаган қиз эса, акаларим тўламаса, мана мен тўлайман, деб отилиб чиқади. Акаларнинг номардлиги-ю сингилчанинг жўмардлиги ҳозир бўлганлар қалбини ларзага келтиради.

Шоирнинг бетакрор сатрларида тасвирланган бу воқеа ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Асар ҳам мазмунан, ҳам шаклан азал-азалдан ёшларга сабоқ хизматини ўтаб келадиган эртак-ривоятларга ўхшаб кетади. Ўғилларнинг учталиги тасодиф эмас, бу - киноя, халқ эртакларидаги уч оға-ини ботирларга пародия. Қисқа ва лўнда сатрларда “кампиридан ёдгор” қолган фарзандларининг тақдири ҳақида Мўмин чолнинг қайғуришлари, шу мақсадда бутун умрини сарфлаши, ҳатто кенжасини уйлаш учун, бошини эгиб, қарз кўтариши, аммо ота кўз юмганда, ўғиллар унинг қиёмат қарзини гарданга олишдан бош тортишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Қизнинг тутган йўли эса (гарчанд Мўмин чол унинг тўғрисида “Қиз эртага эгаси/ Олиб кетар кўчдай гап” деб ўйлаган бўлса-да) акаларга тарсаки.

Ўғилларни халқ маҳалладан ҳайдайди. Қиз эса

*Яшар ота маконда.*

*Чунки унга муносиб*

*Йигит йўқ жаҳонда!*

Йигитларчи:

*Уч паҳлавон уч пари  
Пайкарга қул эдилар.*

Бу мўъжаз қиссада, барча эпик асарларга хос равишда, сюжетнинг барча унсурлари, экспозициясидан тортиб ҳатто эпилоггача, мавжудлигини кўриш мумкин. Муаллиф моҳирона, бир-икки чизги билан персонаж ички кечинмаларини ҳам очиб бериб улгурган. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳикоячининг тили зарур ҳолларда қаҳрамон ички монологига (агар атиги бир жуфт сатрни шартли равишда монолог дейиш мумкин бўлса) айланиб кетади:

*Тили ширин, гапга хўб  
Чечан эди, раҳматли...*

Ёки бошқа бир бандда:

*Эҳ, қанийди шу кунни  
Кўрганида кампир ҳам!*

Бу мисраларни ҳам муаллиф, ҳам қаҳрамон кечинмаларининг ифодаси дейиш мумкин ва бу унсур асарга ўзига хос лириклик касб этади ва шеърни лиро-эпик асар дейишимизга асос бўлади.

Юқорида биз асарни эртак-ривоятларга ўхшатдик. Эртак, ҳатто ривоят деганда, нореал бадиий тўқима, бўрттириш хаёлимизга келади. М.Юсуфнинг асарини ўқиб ҳам: "Бунақаси бўлмайди! Жуда ошириб юборибди," - дейиш мумкин. Муаллиф эса:

*Ривоятмас айтганим,  
Ҳикмат бўлмас ёлғонда,  
Бу воқеа рўй берди  
Шу кунда, шу замонда. -*

деб таъкидлайди. Буни ҳам бир шоирона усул (адабиётда бунақаси кўп бўлади) ўрнида қабул этиш мумкин. Аммо изланишларимиз хулосаси сифатида бу воқеа ҳақиқатан ҳам ҳаётий, реал экан, деб дадил эътироф этиш мумкин. "Қисса" сюжети, менинг эшитишимча, XX асрнинг 90-йиллари ўртасида содир бўлган воқеа замирида қурилган ва унга Муҳаммад Юсуфдан бошқа адиблар ҳам ўз вақтида мурожаат қилишган.



Чунончи, "Наманган садоси" газетасининг 1995 йил 14 декабрь сонида эълон қилинган "Жаноза" номли ҳикоя (муаллиф – Одилжон Носиров) ҳам айнан шу воқеа асосида қурилган.

"Уч ўғил ва бир қиз" қиссаси қачон ёзилганлигини эса ҳозирча аниқлай олмадик, илк бор шоирнинг 2001 йилда чоп этилган "Сайланма"сида учрайди. Менинча, ким аввал, ким кейин ёзгани бу ўринда катта аҳамиятга эга эмас, зеро, мақсадимиз ким кимдан кўчирганлиги ёки бир бадий турнинг иккинчисидан (шеърый қисса ва насрий ҳикоя) афзаллигини исботлаш эмас. Муҳими – бир сюжетнинг турлича, баъзан катта фарқ қиладиган талқинлари бўлиши мумкинлиги, бўлиши ҳақлилигига эътиборни қаратиш. Қолаверса, яқинда бу сюжет бошқа адибларда ҳам учраб қолди.

Аввало айтиш жоизки, бизни қизиқтираётган сюжет Наманган вилоят, Тўрақўрғон туманига қарашли қишлоқлардан бирида рўй берган воқеага асосланган. Ўша жанозада имомликга ўтган домла бу ҳақда бир гурунгда гапириб берганини Наманган давлат университетида ишлаган арабшунос олим Маҳмуджон ҳожи Муҳиддинов эшитган эканлар. Ўз навбатида у киши бу воқеани профессор О.Носировга ҳикоя қилиб берган. (доцент Мўминжон Сулаймонов, ушбу китобимизнинг масъул муҳаррири, ўша суҳбат гувоҳи). Орадан бир-икки ой ўтгач газетада профессорнинг "Жаноза" номли ҳикояси пайдо бўлади.

"Жаноза"нинг яратилишига оид бу гапни Маҳмуджон ҳожи менга гапириб бергандилар, янглишмасам, 2007 йилда эди. Биз қуйида Маҳмуджон ҳожи профессор Одилжон Носировга сўзлаб берган воқеани батафсилроқ, айнан Ҳожи айтганларидай, келтиришга ҳаракат қиламиз:

*"Жанозадан аввал имом анъанавий қисқача маъруза қилиб, сўнгида, одатга кўра, марҳумнинг, мабодо, қиёмат қарзлари бўлса, уни фарзандлар ўз гарданларига оладими, деб биринчи қаторда турган тўрт ўғилга мурожаат қилади. Лекин улар жим. Имом саволни такрорлайди. Жавоб йўқ. Учинчи бор имом, асабийлашиб, саволни қайтаради, аммо ўғиллардан садо*

чиқмайди. Шунда жамоат орасидан бир мўсафид дейди: "Тақсир, менда бир гап бор. Марҳум менинг биродарим эди. Яқинда у, кенжа ўғилни уйлантириш олдидан, менга учраб:" "Ҳаммаси бўлди-ю, шу битта сўйишга етмай қолди, иложи бўлса, қарз бериб турсангиз. Ҳадемай бодрингларим пишади, сотиб, сизга қайтараман", - деб илтимос қилувди ва мендан етти минг сўм олиб кетганди. Энди-и, сўраганингиз учун айтдим, бўлмаса, балки, айтолмаган ҳам бўлармидим. Мана, кўриб турибсиз. Бу ёғи энди нима бўлади?"

Имом яна фарзандларга саволни қўяди. Лекин улар, бошларини қуйи қилиб, жим туришаверади. Шунда аёллар томондан: "Вой, дадо-ом!- деб дод солиб, ёш бир қиз, юзини қия тўсиб, чиқиб келади ва йиғидан ўпкаси тўлиб, узук-юлуқ дейди:

- Мен кенжа фарзандлари бўламан. Акаларим отамизнинг қарзларини ўз бўйинларига олмасалар, мана мен оламаг гарданимга. Лекин ҳозир менинг ихтиёримда ҳеч нарса йўқ. Вақти келиб, турмушга чиқсам ҳам бировнинг хасмида бўламан, менда имкон бўладими, йўқми – айтолмайман. Шунинг учун мана шунча гувоҳлар олдида айтаман: Агарда мана бу амакимиз лозим топсалар, мени ўша қарз эвазига ўзларига хотинликка олсинлар.

Шунда оқсоқол:

- Эй қизим, мен бир оёғим гўр тортиб турган одам бўлсам... Бу гапларинг ноўрин. Лекин мард экансан, отангга раҳмат, худо уни ўз раҳматига олсин. Шу мардлигинг эвазига мана шу гувоҳлар олдида мен қарздан кечаман. Сенга эса бирон муносиб йигит чиққанда, мен ўзим оталик қилиб узатаман, - дейди.

Шундан сўнг жаноза ўқилади, тобут кўтарилади."

О. Носировнинг ҳикоясида ўғиллар тўртта, қизнинг ёши ўн олтида. Турмуш тафсилотларини тасвирлашда ҳикоя мазмуни бирламчи сюжетдан кўп узоқлашмаган. Ҳикоя қурилишида ортиқча бадиий безаклар, композицияда қўшимча унсурлар йўқ: ҳикоя кўпинча Абдулла Қаҳҳор асарларида учрайдиган

услубда, дабдурустан бошланади: "Жанозага йиғилганлар саф тургач, имом одамларга мурожаат қилди..." Дарвоқе, асарда имом образи кўзга ташланарли тасвирланган; муаллиф унга алоҳида бадий-маънавий юк қўйган. Кўз ўнгимизда кўп маърифатли, гўзал ва маъноли лутф билан жанозадек муҳим тадбирнинг ахлоқий аҳамиятини очиб бераётган жамоат домласи гавдаланади, Воқеа ривожда имом тилидан айтилаётган ўғитлар ўта аҳамиятли: *"Отанинг барча мероси унинг болаларига қолади. Сизлар фақат отанинг бойликларигагина эмас, қарзларига ҳам вориссиз"*; *"Отангиз раҳматли бу дунёдан қарздор бўлиб кетмасин"*; *"Фарзанд деган гул бўлур, ота-онага қул бўлур"*- деган машойихлар. *Ота-она учун бола ўзини қул қилиб сотиши лозим дегани бу".*

Лекин имом нутқи ҳикояда қанчали муҳим жой эгалламасин, не чоғлик мазмунли бўлмасин, асарнинг асосий қаҳрамонлари – том-мим деёлмай бошларини ҳам қилиб турган ўғиллар ва улардан фарқли ўлароқ, падар қарзини ўз гарданига олишдек эркакларга хос йўл тутган ўн олти ёшли сингил.

Эл олдида қиз баёнот қилади: "Агар амаки ўша қарзлари даражасида кўрсалар, мени олсинлар. Хоҳ хотин қилиб, хоҳ чўри қилиб,.. мен розиман,.. иш қилиб, берган пулларига рози бўлсалар бўлди."

Бунга жавобан Иброҳим амаки халқ олдида уни қизим деб эълон қилиши ва қарздан кечиши қиз жўмардлигининг ҳосиласи, десак бўлади.

О. Носиров ҳикояси мазмунан ўзига хослиги, оригиналлиги ҳақида гапирганда, яна бир нарсага эътиборни қаратмоқчимиз. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, М. Юсуф асарида уч ўғил ҳақида гап боради ва биз ушбу рақам тасодифий эмаслигига урғу бердик. О. Носировда-чи, тўрт рақами тасодифийми? У "аслият"дан, яъни М. Муҳиддиновдан қандай эшитган бўлса, шундай кўчириб қўя қолганми? Йўқ, асло! Ва гап бу ерда бирламчи сюжетда ҳам тўрт ўғиллигида эмас. Ҳикояда ўғиллар тобутнинг тўрт томонидан кўтариб турган ҳолатда тасвирланган, яъни тобутнинг тўрт учига мос равишда тўрт ўғил

олинган. Маълумки, тобут ичкаридан олиб чиқилиб тегишли жойга қўйилгандан сўнг, таъзияга келганлар таклиф этилади. Имом марҳум ҳақида, ҳаёт ва ўлим, бу билан боғлиқ ахлоқ-одоб тўғрисида кичкина маъруза қалади. Ҳикояда эса муаллиф ихтиёрига кўра маъруза давомида тобут тўрт ўғил елкасида тураверади. Лекин тобут эмас, отанинг қиёмат қарзи уларни эзиб турарди. Фақатгина қизнинг мардлиги уларни тобут юкидан қутқаради. Ва, ниҳоят, улар тобутни елкадан туширишади, жаноза бошланади. “Аммо жаноза беш кишига ўқиладигандай туюларди”, - мана шу жумла билан ҳикоя якунланган.

Айтиш лозимки, О.Носиров ҳикоясининг матнини узоқ муддат қидиришга тўғри келди. М. Муҳиддинов: “Аниқ ёдимда йўқ, “Наманган ҳақиқати”ми ёки “Сухбатдош”ми, 90-йилларнинг ўрталарида эълон қилинган эди-да”, - деганлари боис, мен бикки нашрнинг бир неча йиллик таҳламларини синчиклаб кўричқдим – йўқ. Таҳририят ходимларидан суриштирдим - ҳеч ким эслай олмади.

Боқий Мирзодан ҳам сўрадим (“Сухбатдош”да ишлаган.). У киши: “Нима ҳақида экан ҳикоя?” – деб суриштириб қолди. Мендан сюжетни эшитгач:

- Жуда таъсирли экан-ку, келинг, домла, икковимиз ҳам ёзаверамиз шу сюжетга, қани, қандай чиқаркин, - деди, чамаси, менинг изланиш мақсадимни тушуниб етмай.

- Ҳа, албатта, бир сюжетга кўпчилик мурожаат қилиши мумкин, мен ҳам ёзаман, - деб қўйдим. Аммо камина, ҳикоя режасини қоралаб қўйганимча, ҳали ҳам вақт тополмайман амалга оширишга. Мен учун зарури – китобни ниҳоясига етказиш.

Боқий Мирзо эса кўп ўтмай “Отадан олдин ўлган ўғиллар” номли ҳикоясини яратиб, бир неча газеталарда эълон қилди ва “Маккоранинг қисмати” (“Наманган” нашриёти, 2010 й.) тўпламида ҳам чоп этди.

Боқий Мирзо ҳикояси Муҳаммад Юсуф ва Одилжон Носиров асарларидан шунчалик фарқ қиладики, миямизга тақлид

тўғрисида фикр келмайди. Муҳаммад Юсуф қиссасида қизнинг ўғилларга нисбатан беқиёс жўмардлиги бетакрор поэтик усуллар билан ифодаланган. Одилжон Носировнинг ҳикоясида эса ўн олти ёшли қизнинг матонатининг тасвири яна ҳам юксак даражага кўтарилган, айна пайтда маърифатли имом образи кўзга ташланарли гавдаланган; муаллиф шундай бадиий тасвир воситаларини қўллаганки, бошқа вариантларда учратмаймиз.

Боқий Мирзонинг ҳикояси ҳам ўзига хос; бунда, авваламбор, мазмунни батафсилроқ очиб беришга интилинган. Қолаверса, сюжет замиридаги асосий зиддият мард қиз (Дарвоқе, унинг ёши Муҳаммад Юсуф ва Одилжон Носиров қахрамонларига нисбатан каттароқ, олий ўқув юрти талабаси, илмга интилган ва шу жиҳатдан ҳам акаларидан фарқ қилиб туради) ва унинг номард акалари ўртасида эмас, балки фарзанд деб турмуш зуғумларини ютишга тайёр ота ва ўз болаларини бир хил кўрмайдиган, рашқдан (балки бу ўринда "рашқ" эмас "ғаш" тўғрироқ бўлар) калтафаҳм, ҳатто қизига нисбатан ҳам ёмонликдан тоймайдиган она ўртасида вужудга келади. Бевақт ўлган ота жанозаси пайтида содир бўлган ҳодиса эса ушбу зиддиятнинг кульминацияси ва айна пайтда ечими бўлиб хизмат қилган.

Она, яъни Сора хола, эрига зуғум қилишдан бошқани билмади, сабаби – эри, турмуш қурганларидан уч ойча ўтгач, аввалги, бепуштлиги боис ажрашган хотинини кўчада тасқидфан учратиб қолиб, у билан илиқ ҳол-аҳвол сўрашгани. Бундан чақимчилар воситачилигида хабар топган Сора опа эридан ўла-ўлгунча аламини олди. Лекин муаллиф бу билан боғлиқ ҳолда мантиқли равишда: Аввалги хотини билан, кўчада учрашиб қолиб, инсонларча ҳол-аҳвол сўрашса нимаси ёмон? Етти йиллик турмуш ҳурмати йўқми? Ахир, жанжаллашиб қўйди-чиқди бўлмаган-ку? – каби саволларни қўйиб, турмушда, афсуски, учраб турадиган ушбу иллатга қарши фикр билдиради.

Боқий Мирзо жанр талабларидан келиб чиқиб, эр-хотин ўртасидаги жиққа-муштларни тасвирламаган бўлса-да, буни

Ўқувчи яхши тасаввур қилиб олиши учун ҳикояда етарли асос бор. Она, эр-хотин ўзаро жанжаллар билан чекланмай, ота-болалар ўртасига нифоқ солиб келди. Айирмачилик шу даражага боради-ки, она отасига нисбатан меҳри баландроқ бўлган ўз қизи Шоҳидани ҳам ич-ичидан ёмон кўради. Ҳамдам отанинг бевақт ўлимига ҳам мана шундай айирмачилик йўлида қилинган хатти-ҳаракатлар сабаб бўлгани ҳикоя якунида маълум бўлади. Фарзанд деб яшаган ота ноқобил, саводсиз бизнесмен ўғилларининг иши юриб кетишига кўмаклашиш мақсадида, ўн минг доллар қарз кўтарган эди. Аммо айирмачи она: "Қизига сарфлаб юбормасин", - деб пулларни яшириб қўяди. Натижада эри юрак ҳуружи билан оламдан кўз юмади.

Демак, бир умр фарзанд деб, барчасини баробар кўриб, бола туғиб берди-ку менга, обрўйимни йўқотмайин, деб чидаб яшаган инсоннинг топган оқибати шу бўлди, у маккорлик қурбони бўлди.

Боқий Мирзонинг "Отадан олдин ўлган ўғиллар" ҳикояси ёзувчининг "Маккоранинг қисмати" номли тўпламидан жой олгани ҳам бежиз эмас, албатта

Жаноза чоғи жамоат марҳумнинг икки ўғлини (ота ўшаларни деб кўтарган қарзини ўз бўйниларига ололмаган ўғилларини) лаънатлади, нафрати билан савалади, эркакларча иш тутиб, ота қарзини ўз зиммасига олган қизга эса таҳсин айтди, қиз боланинг мардлигидан лол қолиб, ўз даъвосидан воз кечган Фазлиддинни кўпдан-кўп дуо қилишди.

Худди эртақлардагидек, Шоҳида ва Фазлиддин ўз мардликлари эвазига кўп ўтмай барака топишади, ноқобил ўғиллар эса "бизнес"да чув тушади.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф, Одилжон Носиров ва Боқий Мирзолар ягона сюжетга мурожаат қилган бўлсалар-да, уларнинг қалами остидан чиққан асарлар мазмунан, бетакрор бадиий воситалар билан турлича талқинлар, муаллифларнинг асосий муаммога ёндошиш усуллари билан кескин фарқ қилади. Бир сюжетга қайта-қайта мурожаат этиш билан янгидан-янги ғоялар бериш, юксак

бадийлик намуналарини тўхфа этиш – адабиётнинг кўхна анъаналаридан бири бўлади ва бундан адибларимиз моҳирона фойдаланишган. Ҳар гулнинг бўйи бошқа дегандек, ўқувчилар замондошларимиз яратган образларнинг ҳар биридан ўзгача таъсирланадилар. Сюжет замиридаги зиддият воситасида турли ҳаётӣ, ахлоқӣ муаммолар ёритилган.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, сюжетга ким биринчи қўл урганлиги бу ерда катта аҳамиятга эга эмас.

Яқинда мазкур сюжет билан боғлиқ яна бир гап эшитиб қолдим. Шоир Иброҳим Маҳкамов айтишича, бир пайтлар (тахминан 1995 йиллар) таниқли журналист Каримжон Шодиев ўша жаноза ҳақида мақолами, ҳикоями ёзиб, республика радиосига юборган ва материал эфирга чиққан экан. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи айтиб берган экан,.. воқеа эса Учқўрғон тарафда бўлган эканмиш...

## **§2. НАМАНГАН НАЗМИДА МУҲАММАД ЮСУФ ОБРАЗИ**

Наманганлик ижодкорлар томонидан Муҳаммад Юсуфга бағишланган шеърларни ҳаммасини жамласа, каттагина китоб бўлиши аниқ. Пайти келиб, кимдир буни амалга оширар ҳам. Биз эса ҳозирча вилоятнинг етакчи газеталарида шоирнинг юбилейи муносабати билан эълон қилинганлар, ҳамда Иброҳим Маҳкамов ўзининг тўплаганларидан бизга инъом қилган 10 та шеър ва "Лирик лаҳзалар"да ўтказилган танлов ғолибларининг асарлари (фақат Муҳаммад Юсуфга бағишланганлари)ни китобимизга илова қиляпмиз ва, бинобарин, ўшаларнинг таҳлили билан чегараланамиз.

"Лирик лаҳзалар" ғолибларининг асарлари ҳақида кейинги бобда фикр юритамиз, ҳозирча Иброҳим Маҳкамов ҳадя этган ҳамда маҳаллий матбуотдан олинган шеърлар ҳақида. **Ўйлаймизки, шунинг ўзи ҳам Муҳаммад Юсуфнинг Наманган адабий жараёнига таъсири, ўз навбатида, наманганлик ижод аҳлининг буюк замондошига бўлган**

муносабати, ёш қаламкашларнинг устоз хотирасига эҳтироми, эъзози ҳақида етарли даражада тасаввур беради.

Бу шеърларнинг муаллифлари, асосан, журналистлар, шоирлар, педагоглар ва талаба-ўқувчилар. Журналист, шоирлар, педагоглар – бу катта ёшдаги ижодкорлар, талаба-ўқувчилар эса – ёшлар. Демак, биз бир оз умумлаштириб, **Катталар** ва **Ёшлар** шеърияти деб юритамиз.

**Катталар** – нафақат ҳаёт дорилфунунларини ўтаган, балки ижодда ҳам етарли тажрибага эга бўлган, шеър нима, шоир нималигини яхши тушунган профессионал қаламкашлар.<sup>10</sup> Уларнинг аксар шеърлари ижтимоий-ахлоқий мавзуларда Муҳаммад Юсуф яратган асарларнинг мантиқий давомига бежиз ўхшаб кетмайди. Бунга ёрқин мисоллардан биттаси Боқий Мирзонинг 1989 йилда битилган “Ёлғон эмас...” шеъри.

Бу асар Муҳаммад Юсуфда кўп учрайдиган мураббаъга яқин шаклда ёзилган. Гарчанд бундаги ҳар бандни якунлаб келувчи такрор-мисра (“Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..”) машҳур “Самарқанд”нинг ғоясини эслатиб турса-да, қолаверса, охириги банддаги такрордан аввал келган сатр (“Дилни ўртар Муҳаммаднинг фаразлари”) бу асар назира сифатида ёзилганига ишора бўлса ҳам, Боқий Мирзонинг шеъри Улуғбек эмас, Самарқанддаги буюк тарихий-меморий обидаларнинг ХХ асрдаги барчани ташвишга солувчи аянчли қисматиға бағишланган. Бунда “Гўри Амир”, “Бибиҳоним”, “Регистон”, “Шоҳизинда” узра арвоҳларнинг чирқираши эшитилади:

*Чирқирайди боболарнинг арвоҳлари,  
Шоҳизинда, Гўри Амир ҳамроҳлари,  
Харобаси шоҳларимнинг гуноҳлари,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..*

“И.М.”<sup>11</sup>

**Катталар** сирасида Муҳаммад Юсуфни билганлар-у билмаган муаллифлар бор, улар орасида шоирга тенгдошлар,

<sup>10</sup> “Профессионал қаламкашлар” сирасига далил равишда педагогларни ҳам киритамиз.

<sup>11</sup> Куйида бизга шоир И. Махкамов ҳада этган шеърларни шундай белгилаб борамиз.



хатто ёши улуглар ҳам учрайди. Улар шоирнинг вафоти халқ учун катта йўқотиш бўлганлигини чуқур ҳис этишади.

Таниқли журналист ва шоир Равшанбек Мирзаолимов Муҳаммад Юсуф билан бир неча бор учрашган, яхши билган. Унинг марҳумга бағишланган "Ёдимга тушди" номли элегияси ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Шундай бўлса-да, Р.Мирзаолимовнинг соғинч ҳислари унинг бошқа, атига тўрт мисрадан иборат шеърисида таъсирлироқ ифодаланган:

*Соғинчлар туғени қийнайди,  
Кўнглимни баҳорга бўшатдим.  
Чўққида унган ҳув лолани  
Муҳаммад Юсуфга ўхшатдим.*

Ушбу тўртлик муаллифнинг "Менинг борар жойим ўшал Намангон" номли мақоласи таркибида берилган.<sup>12</sup>

**Катталар**нинг шеърлари шоирнинг ўлимига барча қалам аҳли, қолаверса, миллат-у она табиат номидан марсия:

*Армонларга тўлиб юрак алам йиғлар,  
Кеча-кундуз қоғоз бирла қалам йиғлар.  
Қабрингизга кузатиб қизғалдоғини,  
Ҳажрингизда маъюс тортган далам йиғлар.*

(Камолов Абдурахмон. Шеърят осмонида ёнган юлдузим. "И. М.")

Абдурахмон Камоловнинг мазкур шеъри – мисоли мотам кўшиғи; асар якунида Муҳаммад Юсуф миллатимиз, миллий адабиётимиз фахрига айланиб қолганлиги ҳақидаги фикр нақоратдек миҳланиб келаверади:

*Ўзбегим ўғлони Муҳаммад Юсуф,  
Шеърят чўлпони Муҳаммад Юсуф.*

**Катталар**нинг мунгли сатрларида шоирнинг асосий хислатлари бирма-бир тараннум этилади:

*Райҳондан-да ширин бўй кўрмаган,  
Ўз юртидан азиз жой кўрмаган...*

(Зулфизар Ўлмасова. Муҳаммад Юсуф ўлмаган, "И. М.")

<sup>12</sup> Мирзаолимов Равшанбек. Менинг борар жойим ўшал Намангон. "Наманган ҳақиқати", 2013, 27 апрель.

Дунё ишларини, ташвишларини, машмашаларини яхши тушунувчи инсонлар шоирнинг жўн бўлмаган ҳаётини ижтимоий таҳлил ҳам қилишади. Қуйидаги риторик савол-мисралар бунга мисол:

*Тўйиб кетдингизми дунёлардан?*

*Қочиб кетдингизми ғавғолардан?*

*Юрак қийналдими савдолардан?..*

*(Уша шеър)*

Маълумки, беғубор қалбли, барчага эзгулик тилагувчи, барчанинг дардини олишга интилган инсон ўзининг ҳаёти, кўпинча, осон кечмайди. Барчанинг ғамини қилиш – бу жамият ташвишида куюниш, жамият қайғуси эса – бу инсоният тақдирини ўйлаш. Бўлган тарихда шундай донишмандлар, алломалар. Барчаси қийин яшаган. Гап бу ерда моддиётдагина эмас. Алломалар руҳан эзилади. Елкасида зарбоб бўлса-да, эл ғамида қадди букилган буюкларни билади тарих.

Муҳаммад Юсуфни таниган-билганлар ҳам у ўзидан кўра бошқалар ғамини кўпроқ еганлиги, доимо халқ учун қайғуриб юрганлигини таъкидлашлари ҳақида биз аввалги параграфда гапириб ўтдик. Қариндош-уруғлар Муҳаммаджон ҳатто ёшлигида ҳам қўшни болаларнинг ғамини қилиб юрганлигини эслашади. Шоирнинг адабий мероси ҳам у бир умр эл ташвиши билан яшаганлигининг ёрқин далили.

Ҳа, шоир Ватан ва ватандошлари дарди билан оғриганлиги унинг деярли ҳар бир мисрасидан кўриниб туради. Шунинг учун ҳам унинг сўзи кўпчиликка яқин кўринди. Зеро, таниқли халқ бахшисининг иборасича, “дардли одамнинг айтганлари элга эл бўлиб, кўксига сингиб кетаркан”<sup>13</sup>. Шу боис ҳам унинг образига мурожаат қилган шоирларнинг асарларида биринчи навбатда худди мана шу хислатга эътибор берилади.

Ёқуб Дармоннинг “Дили кийикваш сиймо” шеъри бунга ёрқин мисол. Муаллиф Муҳаммад Юсуфнинг машҳурлигини таъкидлаш билан бирга (“Шоир, гулдастага фарқ бўлдинг минг бор, //Лутфу

<sup>13</sup> Саломов Ш. Асрлардан сўйлар думбига. //ЎзАС, 2014. 14 ноябрь.

мадад кўрдинг юрт сарбонидан,..”), унга риторик савол билан мурожаат қилади: “Армон оғриғисиз яшадингми ҳеч?” Маълумки, риторик савол – бу жавоб талаб қилмайдиган, жавоб маъносини ўзида мужассам қилган савол. Бу ерда ҳам шундай. Ёқуб дармоннинг саволидан сўнг Муҳаммад Юсуф ижоди билан таниш ўқувчи миясига каттакон ҳарфлар билан, ялт этиб “ЙЎҚ!” келиши табиий. Шундай бўлса-да, муаллиф кейинги бандда, қаршилантириш усулини қўллаб, руҳан изтироб чекаётган шоир тимсолини яна ҳам ёрқинлаштиради:

*Ана сен... Мухлисга лиқ тўла Сарой,  
 Хоҳласанг, минг елка тахтиравонинг.  
 Маъюссан... киришга ақча тополмай  
 Турган бир ўсмирга ачишиб жонинг.  
 (Уша шеър, “И.М.”)*

Ёқуб Дармон лирик қаҳрамонининг, яъни Муҳаммад Юсуфнинг қалби мисоли “чашми зилол”; унинг виждон амри билан туғилган шиор: “Ғарибга шафқат – олий аъмол”

Муҳаммад Юсуфнинг ҳаётий позициясига, унинг поэтик маҳорати-ю маънавий идеалига баҳо бераркан, Ёқуб Дармон яна ёзади:

*Асрасам дер эдинг бир сўз, бир гаплик  
 Боболардан мерос кенг феъл-тийнатни.  
 Бирликка фидолик, ёвларга алплик,  
 Маҳаллийчиликка қарши нафратни.*

*Барчасин асрадинг, бунга далил, бас,  
 Ениб ёзганларинг то сўнгги чарчок.  
 Нақадар халқона, нақадар атлас,  
 Нақадар дардқаш-у нақадар яшноқ.  
 (Уша шеър)*

Ёқуб Дармон шеърининг номини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмас - “Дили кийикваш сиймо”: ушбу бетакрор ташбеҳ Муҳаммад Юсуф шахсиятини-ю шеърятини тавсифлаб келяпти.

**Катталар** Муҳаммад Юсуфнинг ўзбек шеъриятидаги салмоғи ҳақида кўпроқ фикр юритишади, бу билан боғлиқ ҳолда азалий муаммо бўлган “шеър ва шеърят”, “шоир ва жамият” масалаларини ҳам четлаб ўтишмайди. Бу борада таниқли шоирлар Ёқубжон Аҳмаджоновнинг “Ифтихор”, Муҳаммад Валининг “Дард гули”, Носир Аббоснинг “Қизғонмагин кўкингдан” шеърлари эътоборимизни тортади.

Ёқубжон Аҳмаджонов Муҳаммад Юсуфни ғурур ва муҳаббат билан укам деб атайти (Бу икки шоир анча яхши таниш бўлганлигини юқорида таъкидлаб ўлгурдик) ва уни ҳеч иккиланмай “Навоий бош бўлган ўлуғ бир сафда” кўраяпман дейди. Айни пайтда у Муҳаммад Юсуфни ҳаётлигидаёқ XX асрнинг энг буюк шоири деб эътироф этилган Расул Ҳамзатов билан ҳам ёнма-ён қўяди:

*Қадим замондан шоир ё ботир  
Дунёга танитар ўз маконини.  
Овулда туғилган Расул Ҳамзатов  
Маълум, машҳур қилди Доғистонини.*

*Ардоқ бағишлади бошқа бир шоир  
Қишлоғин лола-ю ялпизларига,  
Қирда оху каби ўйноқлаб, чопиб  
Юрган Марҳаматнинг ҳур қизларига.<sup>14</sup>*

Бу икки банд (шеър ўзи бор-йўғи уч банддан иборат) адабиёт аҳлини, мухлисларни ҳам чуқур ўйга толдиради. Чунки биринчисида Ҳамзатов ўз ватанини дунёга танитгани таъкидланса, иккинчисида шоиримиз дала-қирларини-ю “ҳур қизларини” улуғлаб, ардоқлаб, шўҳрат қозонгани тўғрисида гап боряпти, ватанини дунёга танитгани тўғрисида эмас (гарчанд, Аҳмаджонов ҳамюртини Ҳамзатовдан кам кўрмаётганлиги сезилиб турса-да). Чунки ватанини танитди, дейишга бизда ҳали асос йўқ. Бунинг учун аввал шоирни ўзини дунё даражасида тақдим қилиш зарур. Бу адабиётшунослик ҳамда

<sup>14</sup> Аҳмаджонов Ёқубжон. Ифтихор./Наманган ҳақиқати, 26.04.14.

таржимонлар олдида турган вазифа. Афсуски, бизнинг бу соҳаларимизда ҳали етарли ишлар амалга оширилган эмас. Бир вақтлар таникли адабиётшунос Иззат Султон забардаст шоирларимиз Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ҳақида қайғуриб, шундай фикр билдирган эди.<sup>15</sup> Бу йўлда малакали таржимонлар изчиллик билан иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Яқинда Мухаммад Юсуфдан амалга оширила бошланган русча таржималар бу борада бизга умид учқунларини бағишламоқда (таржималар ҳақида биз кейинроқ алоҳида тўхталамиз).

Дарвоқе, Мухаммад Юсуф Расул Ҳамзатов билан учрашганда, Доғистоннинг ҳассос шоири ёш ўзбек ҳамкасбининг шеър ўқишини тинглаб: “Шеърни ўзимдай ўқиркансан”,<sup>16</sup> - деб мақтаган экан. Бундан ташқари, Мухаммад Юсуф ва Расул Ҳамзатов ижоди ўртасида маълум муштараклик борлиги ҳам уларнинг бир хил номланган (“Турналар”) асари мисолида эътироф этилган.<sup>17</sup> Демак, Ё. Аҳмаджонов Расул Ҳамзатов билан Мухаммад Юсуфни қиёслаётгани тасодифий ҳол эмас.

Мухаммад Валининг “Дард гули” шеърида ҳеч қайси замонда жўн бўлмаган “шоир ва шеърят”, “шоир ва жамият” муаммолари ижтимоий жараёнлар диалектикасининг бир кўриниши сифатида эсда қоларли таъсирчан талқин қилинади:

*Шоир халқи шеър деганга қул бўлади,*

*Қулни урсанг, эрк туғилар қул дардидан.*

*Сўзни ўпсанг, ҳар бир ҳарфи гул бўлади,*

*Гулни урсанг, шеър туғилар гул дардидан.*

“И. М.”

Муаллиф шеърига бежиз “Мухаммад Юсуфни эслаб...” деб остсарлавҳа қўймаган: келтирилган сатрлардан чиқаётган маъно шоирга тўла-тўқис дахлдор. Аниқроғи – ушбу сатрлар Мухаммад Юсуф шеърятини англаш ҳосиласидир.

<sup>15</sup> Қарағ: Кодиржон Носиров, “Турналар”нинг икки таржимаси // “Жаҳон адабиети”, 2011, № 9.

<sup>16</sup> Сирожиддин Саййид. Улугмасан. Ватаним (Орда қолган ил)/Олтин қалам, 2006. № 8-9.

<sup>17</sup> Қарағ: Кодиржон Носиров, “Турналар”нинг турли талқини. ЎЗАС, 2012, 16-март.

Муҳаммад Валининг шеъридаги яна бир муҳим фикрга эътибор берайлик: Ноҳақликдан, тенгсизликдан ва яна “ширин азобдан” эзилган қалб кўридан вужудга келувчи “шикастаҳол” шеърлар, бир томондан, бизга лирик қаҳрамон кечинмаларини етказса, иккинчи томондан, муаллифнинг дардчил қалби учун ҳам малҳам:

*Шикастаҳол шеър насими елаверар...*

*Хабар олиб қалбнинг пинҳон ерларидан.*

“И. М.”

М. Вали шеърининг охириги мисралари, менимча, Муҳаммад Юсуф мухлислари дилида аллақачон пайдо бўлган, лекин ҳали муносиб таъбирини топиб улгурмаган фикрни муҳаммадюсуфча содда ифодалайди:

*Райҳон ҳиди, олма ҳиди келаверар,*

*Кўзга суртсам, отдошимнинг шеърларидан.*

“И. М.”

Носир Аббоснинг “Қизғонмагин кўкингдан” номли шеърида ҳам Муҳаммад Юсуфдаги етакчи фикр-тимсолларни, шоир ҳаётининг баъзи жумбоқларини ўзига хос поэтик усулларда таҳлил қилувчи сатрларни ўқиймиз: ишқ дардига қовурилган шеърият соҳиби, меҳрини халқига қалқон қилган “асл тупроқ боласи” “излаб кетмиш кўнглидаги ёрини”, - дейди муаллиф. Кўриб турганимиздек, гап бу ерда шоир назмидаги муҳаббатнинг илоҳийликка дахлдорлиги ҳақида бормоқда. Қуйидаги сатрлар ҳам Носир Аббос Муҳаммад Юсуф шеъриятининг етакчи мавзу-ғояларини дид билан, ҳавас қилгулик ибораларда назм этади:

*Муҳаббатнинг чин далли девонаси,*

*Эл кўнглининг нолавор таронаси.*

“И. М.”

**Катталар** сирасига кирган **педагог-шоирларнинг** шеърлари алоҳида эътиборга лойиқ. Улар қаҳрамоннинг дардини ҳам, шоир бевақт вафотига элу халқ қайғусини ҳам, ҳатто унинг поэтик маҳоратини ҳам профессионалларга нисбатан чуқурроқ ҳис этишади. Бу ерда мен профессионал деб

адибларни назарда тутаяпман. Лекин педагоглар ҳам ўз касбларига профессионал-ку, агар ушбу таъбир ўринли бўлса. Улар профессионал муаллим, профессионал адабиётчи сифатида руҳиётни, ахлоқшунослик масалаларини яхши ҳис этишлари, ижод сирларидан воқиф бўлишлари, бинобарин, ўз фикр-туйғуларини Муҳаммад Юсуфнинг ўзиникига ўхшаш содда услубда, енгил сатрларда бера олишлари кишини ажаблантирмайди. Албатта, ҳамма педагоглар ҳам шундай қилолмайди: педагоглик саъятига қўшимча равишда ёзиш истеъдодига ҳам эга бўлмоқ керак. Худди ана шундай педагоглардан бири, Кенжахон Мамараимованинг Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб ёзган шеърдан мисоллар келтирайлик:

Дала, даштда ялпизлар,

Боғда райҳон йиғлади.

Шоир севган бутун олам,

Тоғда жайрон йиғлади.<sup>18</sup>

Филолог-ўқитувчи К. Мамараимова Муҳаммад Юсуфнинг маънавий-эстетик идеалини, орзу умидини бошқа кўпчилик муаллифларга қараганда чуқурроқ англаган, бундан ташқари, оламдан ўтган шоирга бўлган эл соғинчини ҳам содда, айти пайтда, бу йўқотиш ҳар биримиз учун шахсий мусибатдай ("ўғлин қўмсаб") ифодалаган:

*Муҳаммад орзу қилган*

*Ҳаё қолди, Ор қолди.*

*Эрта кетган ўғлин қўмсаб,*

*Эл қолди, диёр қолди.*

*(Ўша шеър)*

Шу билан бирга, К. Мамараимова, катталарга хос равишда, тақдир тўғрисида мушоҳада қилади, дуо айтади:

*Тақдир ишига чора йўқ,*

*Минг бора қилсак таассуф,*

<sup>18</sup> Мамараимова К. Шоир кетди, кирларда... // Наманган садоси, 18.04.14.

Эл ҳамиша дуодадир –  
 Жаннати Мухаммад Юсуф!  
 (Ҷша шеър)

Шоирнинг ўлимига табиатнинг мотами, азаси **Ёшлар** шеъриятида ҳам анча таъсирчан ифодаланади:

Оху йиғлар тоғлар бошида,  
 Капалаклар учолмай қолди.  
 Булут бўзлар тоғлар қошида,  
 Момақалди роқ уввос солди.  
 (Нилуфар Мамасиддиқова. Оху йиғлар. "И. М.")

Шу каби мисралар талай учрайди ва бу, биринчи навбатда, Мухаммад Юсуф поэтикасидаги кўзга ташланарли қирралардан биттасининг, яъни, шоир лирикасида табиат алоҳида эъзозда бўлганлигининг ифодаси, деса бўлади.

Назаримда, табиатни Мухаммад Юсуфчалик чуқур ҳис эта олган шоир йўқдек. Балки бордир, шеърият уммонида учраши мумкин. Лекин табиат гўзалликларидан Мухаммад Юсуфчалик ўз шеъриятига нафис ранглари танлай олган ва улар воситасида муҳаббатнинг бетакрор тимсолини яратиш борасида, менимча, унга тенг келадиган бадиий сўз устаси топилмайди. Шунинг учун ҳам Рислиғой Ҳотамованинг қуйидаги сатрлари ўринли ва бизни бефарқ қолдирмаяпти:

Титрамагин, қизғалдок, йиғламагин, бинафша,  
 Ялпиз, бунча маъюссан, миттигина юракча.  
 Қара, дардқаш қидириб, йиғлаяпти муҳаббат.  
 Сендан баттар мўлтираб, титраяпти муҳаббат.

"Дийдор қиёматдадир" "И. М."

Мухаммад Юсуф шеъриятидаги меҳр тимсолининг бетакрор эканлиги, шоир сўзининг сеҳр кучи бекиёс эканлиги қуйидаги байтда чиройли ифодаланган:

Такрори йўқ меҳрнинг, жилови йўқ сеҳрнинг  
 Соҳибини мен ҳажр саҳросидан изладим.  
 (Ҷша шеър)

Маълумки, бадиий манзара прообрази бўлмиш у ёки бу табиат ажойиботи бизнинг диққатимизни ҳамма вақт ҳам



тортавермайди, кўпинча уни кўрмай ўтиб кетамиз. Моҳир санъаткор қалами остидан эса ўзгача, ҳаётдагисига нисбатан жозибалироқ манзара намоён бўладики, биз унга беихтиёр эътибор берамиз. Ҳаётнинг бадиий тасвири бизни ҳеч ҳам бефарқ қолдирмайди. Айниқса Муҳаммад Юсуф табиат чизгиларидан образ яшаш борасида беназир санъаткор эди. Шунинг учун ҳам унинг вафотидан кейин, яъни унинг овози тингандан сўнг, табиат ҳарорати сўнган гейзер булоқларига ўхшаб қолгандек туюлади. Бу ҳолатни Шоҳсанам Эрманбетова куйидагича тасвирлайди:

*Нурлар ёғмиш – ҳарорати йўқ,  
Йўқ булбуллар куйин маъноси.  
Ҳидларини кимга сочаркин  
Гулгун райҳон – гуллар раъноси.*

(“Сув бўйида йиғлайди ялпиз”, “И.М.”)

Муҳаммад Юсуф меҳр-муҳаббат ҳақида ҳам бетакрор сарлар яратди. Шоирнинг ўзи, унинг туриш-турмуши меҳр-муҳаббат рамзига айланиб кетди. Унинг сиймоси мисоли самодаги юлдуз эди, нурини ерга сочиб турган. Лекин бу юлдуз Яратганнинг ихтиёри билан осмон гүмбазидан учди. Аммо мухлислар қалбида қуёшдек қолди:

*Само бағридаги ўшал юлдузни  
Ҳеч кимга билдирмай Яратган олди.  
Муҳаммад Юсуфнинг соф муҳаббати  
Милён юракларда қуёшдай қолди.*

(Нуриддин Муҳаммад. Само бағридаги юлдуз) “И. М.”

Бежиз Р.Ҳотамова ёзмайди:

*Такрори йўқ меҳрнинг, жилови йўқ сеҳрнинг  
Соҳибини мен ҳажр саҳросидан изладим.*

(“Дийдор қиёматдадир”) “И.М”

Бу сатрларда шоирнинг “такрори йўқ” меҳрига муносиб сеҳрли сўзи ҳақида кетяпти гап. Бу фикрни ифодаловчи Р.Ҳотамованинг маҳорати, албатта, таҳсинга лойиқ.

**Катталар** шоир ортидан ҳамон ўкинч ва ҳайрат билан боқади, масалан, Зулфизар Улмасова ёзади: “Қолдириб кетдингиз доғда бизни, // Қайдан топиб ёзардингиз сўзни?”

**Ёшлар** эса, ҳайратланиб ўтирмай, устоз услубига дадил эргашмоқда, уни ўзлаштирмоқда.

Салаф ижодига эътибор, ундан ўрганиш турфа хил кўринишда намоён бўлмоқда. Жумладан, кўҳна шарқ анъаналари янглиғ назира боғлашга уринишлар талайгина.

Зулфия мукофоти совриндори, “Наманган” нашриёти муҳаррири, шоира Беназир (Гулчеҳра Зокирова) “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” шеърига назира боғлаган. Шеър ҳам номи ўзи билан “Назира”. Бунда Гулчеҳра, бошқа муаллифлар каби, Муҳаммад Юсуф шеърятидан таралувчи меҳр-муҳаббат нурига чўмилар экан, суюкли шоирининг бетакрорлигини чиройли ташбеҳларда таъкидлайди:

*Тоғлардай пурвиқор шоирлар,*

*Тупроқдай хокисор шоирлар,*

*Келар турнақатор шоирлар,*

*Юракларда Муҳаммад қолур,*

*Меҳр қолур, муҳаббат қолур.<sup>19</sup>*

Дарҳақиқат, шоирлар турнақатор ўтаверар, юракларда эса ўзининг меҳр-муҳаббати билан Муҳаммад қолар.

Беназир Муҳаммад Юсуф шеърятисида фикр теранлиги ва бадиий юксакликлигини изоҳлаш учун ишлатган мажоз жуда дадил:

*Осмонларни жойлаб кўзига,*

*Юлдузларни жойлаб сўзига,*

*Бизларни ром айлаб ўзига,*

*Юракларда Муҳаммад қолур,*

*Меҳр қолур. Муҳаббат қолур.*

**Муҳаммад Юсуф самони англаган, юлдузлар сир-синоатини Сўзга жойлаган шоир! Мана шу билан бу**

<sup>19</sup> Зокирова Гулчеҳра. Назира. Наманган ҳақиқати, 26.04.14.

## шоир миллионлаб мухлисларнинг қалбини ўзига ром айлаган!

Беназирдан келтирилган сатрларда яна бир эътиборли жиҳат бор: бунда шоирнинг исми “Муҳаммад” – бу мажоз, “муҳаббат”ни англатиб келяпти: Муҳаммад = Муҳаббат!

Айтиш лозим-ки, шунга ўхшаш образ, яъни “Муҳаммад”да “Муҳаббат”ни кўриш наманганликлар шеъриятида аввалроқ ҳам учраган эди. Дастлаб Шоҳсанам Эрманбетовада кўзга ташланган:

*Шундоққина эгиз бу сўзлар,*

*Муҳаббатга ўхшар Муҳаммад.*

(“Сув бўйида йиғлайди ялпиз”, “И.М.”)

Иккинчи бор мазкур ўхшаш образ яна бир Зулфия номли Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат жаҳон иллари университети талабаси Меҳриноз Аббосовада учрайди:

*Уйғонсин гўдак ҳислар,*

*Муҳаббатлар уйғонсин.*

*Ҳар ўзбекнинг кўксига*

*Муҳаммадлар улғайсин!*<sup>20</sup>

Меҳринознинг таъбирида “Муҳаммадлар” – бу халққа муҳаббатли ўғлонлар.

Бу ерда мен бу шоира қизлар бир-бирига тақлид қилган, кўчирган, деган фикрдан йироқман. Китобхон эътибор берган бўлса, шоиралар таъбирини мен ўхшаш образлар деб атамоқдаман, такрор эмас. Айнан бўлганда ҳам, муаллифларни кўчирмачиликда айблашга тилим бормаган бўларди, чунки бу образларда мужассамланган маъно аллақачон Муҳаммад Юсуфнинг миллионлаб мухлисларининг тафаккурида вужудга келган нарса. Бизнинг шоираларимиз халқ тафаккуридаги тушунчани, бир-бирларини такрорламай, мустақил равишда нафис иборалар воситасида бизга қайтаришган: 1) “Эгиз сўзлар” дейди Шоҳсанам; оддийгина қилиб, яна ўхшатишни қўллайди: “Муҳаббатга ўхшар Муҳаммад”; Меҳринозда бу

<sup>20</sup> Аббосова Меҳриноз. Армонбозор юрагим // Наманган ҳақиқати, 27.04.2013.

сўзлар яқинлигига бевосита ишора йўқ. Лекин банд қурилишида ишлатилган шаклий восита эвазига бу сўзлар уйқошиб, ўша ягона маънони бериб турибди; 3) Беназирда ҳам композицион услуб қўлланган, натижада нафақат шаклий ўхшашлик, қофиядошлик, балки маънодошликка ҳам бевосита ишора бор.

Мазкур параграф ниҳоясида юқорида тилга олинган барча шеърлардан фарқланиб турадиган асар – Темур Тўрабоевнинг “Марҳамат” номли шеъри ҳақида.

Биз ушбу шеърни у аллитерация усулида ёзилганлиги учун орқага сурганимиз йўқ: Наманган адабиёт аҳли Т.Тўрабоевнинг аллитерацияларига ўрганиб қолган, ҳар ҳолда унинг айнан шу услубда яратилган икки жилдли романи “Теорема” бугунги кунда кўпчиликка маълум. Гап бу ерда Муҳаммад Юсуф лирикасининг характерли қирралари таърифланганлигида ҳам эмас – бошқаларнинг шеърларида ҳам бунга эътибор бердик. Шахсан менинг диққатимни аллитерациянинг биринчи ва яқунловчи сатрлари тортди: “Маънонинг мужассами мактабдур’ – биринчи мисра, “Марҳаматнинг марҳамати Муҳаммад”<sup>21</sup> – иккинчиси. Демак, машҳур шоирнинг шаклланишида мактабнинг ва бола вояга етган музофотнинг роли ҳақидаги фикр бошқаларини “қучоқлаб” келяпти, бу – шеърдаги етакчи ғоя. “Марҳамат”нинг биз юқорида таҳлил қилган асарлардан фарқи шуниси билан эътиборли.

\*\*\*

Наманган назмида яратилган Муҳаммад Юсуф образини ўрганиш натижаси ўлароқ қуйидаги **хулосалар** келиб чиқади:

Авваламбор, ушбу тадқиқотимизни Наманган адабий муҳитининг бир кўринишини ўрганиш, десак ҳам ноўрин бўлмайди, зеро, биз бунда ҳамюртларимиз ижоди ҳақида фикр юритдик ва айтиш мумкинки, биз таҳлил қилган ижод

<sup>21</sup> “Ertakchi-repetitor”, 1-15, 2014.

намуналари – бу буюк шоир мавзуларини баҳоли қудрат давом эттиришга уриниш, шоир билан ўзига хос мунозара, мушоира.

Ҳамюртларимиз шеърлари – бу сеvimли шоирини йўқотган халқ қайғусини ифодаловчи кўповозли марсия. Бундаги ўкинч ва соғинч туйғулари фонида Ватанга муҳаббат, Ор, Диёнат, Оқибат каби юксак ахлоқий мавзуларда жозибали мисраларни ўқиётган бетакрор Муҳаммад Юсуф образи гавдаланган.

Муҳаммад Юсуфга бағишланган шеърларнинг ҳар бирида шоир асарларидан олинган бирон бир рамзий образ албатта кўзга ташланади. Мана улардан, айниқса, кўп учрайдиганлари: қизғалдоқ (лолақизғалдоқ, лола), митти юлдуз, жайрон, ялпиз, қалдирғоч, капалак, кўкламойим, бинафша, райҳон, чўлпон, оху, узун кўйлак, ҳаё, ор (орият), момолар ва б.қ. Бинобарин, Муҳаммад Юсуф шахсияти-ю шеърляти беғубор ва беозор абиат, чин муҳаббат, орият, ҳаё, соф виждон, эзгулик каби юксак ахлоқий тушунчалар рамзи сифатида идрок этилади, талқин қилинади.

Муҳаммад Юсуф тимсолларидан фойдаланиш, ҳатто унга хос ритм, композиция ва бошқа поэтик унсурларни ҳам қўллаб ўрганиш, айниқса, ёшлар шеърлятида кўп кўзга ташланади.

Муҳаммад Юсуфга бағишланган шеърларнинг эътиборли, қизиқарли жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, улар кўп ҳолларда шингил тадқиқотга ўхшаб кетади, мумтоз адабиётшуносликнинг ноёб намуналарини эслатади; уларни назарий-лирик миниатюра, деса ҳам бўлади. Бунда ажойиб ташбеҳлар ёрдамида ифодаланган шоир ижодига нисбатан баҳолар учрайди: *“Осмонларни жойлаб кўзига, Юлдузларни жойлаб сўзига”* (яъни, бетакрор санъати эвазига самони англаб етган ва юлдузлар сир-синоатини сўзига жо қилолган шоир); ёки: *“Осмондан келди нидо, элга жон бўлди фидо”*.

Айтиш лозимки, Муҳаммад Юсуф адабий меросига бундай дадил баҳо бериш кўпроқ ёшлар поэзиясига хос. Улар учун шоир мисоли афсонавий, илоҳий-мўъжизавий қудратга эга бўлган персонаж.

Муҳаммад Юсуф адабий меросига ёшларимиз ўртасида қизиқиш бугунги кунда ҳам юқори эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Унинг адабий мероси қадрини яхши тушуниб етган педагогларимиз ҳам ёшлар ўртасида чақмоқдек ёрқин бадиий сўзга ўч ўқувчиларининг эътиборини тортиш учун толмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳар йили апрель ойида улар томонидан деярли барча ўқув юртларида, ҳатто болалар боғчаларида ўтказилиб келаётган адабий тадбирлар мана шундан дарак бериб турибди. Тадбирлардаги ўқувчи ёшларнинг чиқишларини, шоир шеърларидан декламация, унинг асарларидан сахна кўринишларни тамоша қилар экансиз, қалбингиз қувончга тўлади. Масалан, Чортоқ туманидаги 46-мактабнинг тайёрлов синфи қатновчиси, олти ёшли Тўраева Дилноза "Лолақизғалдоқ"ни бурро-бурро қилиб ёддан айтиб бериб, ҳозир бўлганларнинг гулдурас қарсақларига, олқишларига сазовор бўлганига мен ўзим гувоҳман (2014 йил, 23 апрель). Уни тайёрлаган педагог, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Насиба Мамажонова, сўзсиз, таҳсинга лойиқ. Янгиқўрғон туман мактабларидан бирида "уч ёшли Шукрона Муҳаммад Юсуф шеърларини ифодали ўқишдан ҳайратга туришиди", - деб хабар беради "Ertakchi-repetitor"<sup>22</sup> газетаси.

Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди ҳаваскор шоирлар учун албатта ўтиш лозим бўлган маҳорат мактабига айланиб қолди. Ёшлар устод асарларини ўқиб-ўрганишади, унинг мавзуларини давом эттириб шеър машқ қилади, услубидан фойдаланиб қалам чархлайди. Пайти келиб, устоз санъатидан ҳайратларини, эътирофларини шеър билан ифодалай бошлашади. Буни биз тақлидчиликка йўймаслигимиз керак, бу – шеър санъатини эгаллаш йўлидаги бир одим.

<sup>22</sup> Дасабоев Абдулатиф. Қўлёзмалар ёнмайди. "Ertakchi-repetitor", 2014, 1-15 май.

### §3. “ҒАМДЕК ШИРИН СЕВИНЧ” ТҮЙҒУЛАР ИФОДАСИ <sup>23</sup> (Муҳаммад Юсуф назмида меҳр-муҳаббат мавзуси)

Муҳаммад Юсуфнинг муҳаббат ҳақидаги мисраларини синчиклаб мутолаа қилар эканмиз, бунда шоир севгидек буюк туйғуни фалсафий идрок этишга ҳаракат қилганини сезамиз. Таниқли адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков таъкидлаганидек, бу ерда “теран фалсафийлик ҳам бор. Севгидек нодир туйғуга жавоб излаш бор”.<sup>24</sup> Ким билади, балки аслида шоир фалсафани атайлаб мақсад қилмагандир. Шундай бўлса-да, бетакрор маъжозлар воситасида ифодаланаётган фикр-туйғуларни англаган сари, кўз ўнгимизда муҳаббатнинг серқирра образи гавдалана бошлагач, фалсафа тўғрисида хулоса келиб чиқади ўқувчида. Биз беихтиёр севгининг ҳаётдаги ўрни-ю бу борада қачонлардир ўзимизнинг бошимиздан ҳам ўтган савдолар ҳақида ўйлаб кетамиз, тақдири-азал деган тушунча тўғрисида фикр-мулоҳазаларга борамиз, туйғулар оғушида суза бошлаймиз. Чин шеърият инсон тафаккурининг меваси бўлиши билан бирга, ўз навбатида, ҳар бир зар-асар китобхонга эстетик завқ бағишлаши, кишига маънавий озиқ бериб бориши барчага маълум.

Айтиш жоизки, муҳаббат мавзусига мурожаат қилмаган шоир бўлмагандек, илк муҳаббатига шеър бағишламагани ҳам бўлмайти. (Шоир бўлмаганларга ҳам ёшлик, ўсмирликдаги ширин туйғулар қадрли, албатта. Ҳарҳолда, турли сабаблар билан йўқотган илк муҳаббатини эслаб, афсусланиб юрувчилар оз эмас-да). Абдулла Ориповдек шоиримиз ҳам ўзининг “Илк севги” шеърида “Оила қурамиз, бола кўрамиз... Ҳамон илк

<sup>23</sup> Ушбу параграф сарлаҳасига чиқарилган масала “Муҳаммад Юсуф наманганликлар психида” номли тадқиқотда нуфриндай туюлиши мумкин. Лекин тадқиқот муаллифи наманганлик, бинобарин у мавзу бўйича бошқа ҳамшаҳарлар айтганларини таҳлил қила туриб, шоир лирикасидан бевосита ўзи туйганларини, ўзининг фикрларини ҳам мазкур китобга киритиш мумкин деб ҳисоблайди.

<sup>24</sup> Алимбеков Адҳамбек. Латиф шеърият. Муҳаммад Юсуф инжодий портретига чизгилар. –Тошкент: Адиб, 2014.

севгини эслаб юрамиз"<sup>25</sup> деб бежиз кўпликда айтмагандир. Унинг машҳур "Биринчи муҳаббатим" шеърини ҳам эслайлик. Бунда шоир ёшлик хатоларини санаб ўтаркан, бошқа ютқизиқлардан кўп надомат чекмаган ҳолда, "Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим, // Мангу ғафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим", – деб ўкинч билан таъкидлайди. Лирик қаҳрамоннинг ҳаёти бекаму-кўст эканлигини таъкидлаган ҳолда, яширмай:

*Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи муҳаббатим,<sup>26</sup> -*

деб бўзлайди.

Ҳа, хотира бўлиб қоладиган биринчи муҳаббат туйғулари бошқача,.. шоирлар назмида ҳам юракни эзадиган ҳазин оҳангларда таралади.

Илк муҳаббат Муҳаммад Юсуф шеърятидан ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Лекин, албатта, бир дарахт шохларидаги мевалар ўзаро фарқланиб тургандек, бу шоир талқинида ушбу мавзу бошқаларникига нисбатан ўзгача маънога эга, ва уни бир сўз билан ифодалаб бериш қийин.

Мен юқорида Абдулла Ориповдан бежиз мисол келтирмадим. Биринчи муҳаббат ҳаётда, кўпинча, ориповникидек, бизнинг йўқотганимиз бўлади; ўзимиз сабаб, айрилиқ ҳислари бизга бир умрли йўлдош бўлиб қолади. Муҳаммад Юсуфда-чи?..

Муҳаммад Юсуфнинг "Тушларимга кир", "Севги садоси", "Мактуб", "Райҳон", "Ўлсаму унутсанг...", "Бир кеча", "Эсламасанг ҳам мени", "Кетар бўлдим" "Қўяверинг", "Румолингни бўяма", "Кетиб қолдим", "Умримда кўп ёлғон гапирдим", "Маслаҳат", "Ширин азобим – севги ", "Севгим менинг...", "Мунчоқ", "Шабнам", "Малика", "Етим севгим", "Меҳрим қаттиқ бўлди" каби шеърларида илк муҳаббат садолари эшитилиб туради. Лекин булар нодонлик натижасида "йўқотилган" эмас, "насиб этмаган" севги садосидир.

<sup>25</sup> Орипов А. Илк севги. / Отажон. Шеърлар. – Тошкент: Ғафур Гулом номлидаги бадий алабист наприети. – Тошкент: 1969, 44-6.

<sup>26</sup> Уша тўшлам. 50-6.



Шу ерда Муҳаммад Юсуфнинг рафиқаси Назира ас-Саломнинг эътирофи ҳам аҳамиятли. У шоирнинг биринчи муҳаббати ҳақидаги саволга жавоб бера туриб, шундай деган эди: “Олийгоҳда ўқиб юрган пайтларида бир қизни ёқтириб қолганлар. Бу одам тўғрисида яхшигина маълумотга эгаман. Аммо-лекин уни ҳурмат қиламан. Чунки у Муҳаммад Юсуфнинг шеъриятга, адабиётга кириб келишида роль ўйнаган, десам муболаға бўлмайди.”<sup>27</sup>

Шоирнинг “Умримда жуда кўп ёлгон гапирдим” шеърида қуйидаги сатрлар бор: “Илк севги – энг баланд шохдаги олма, // Мен унга интилдим, етмади қўлим”, – деб эътироф этади шоир. “Мунчоқ” шеърида эса хитоб қилади: “Илк севги, илк севги, аччиқ тоғолча”. Яна бошқа бир шеърида қуйидагича ёзади бу ҳақда:

*Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,*

*Суйдим сира кулмай омадим.*

*“Шоҳона яшардик сўзимга кирса...”*

*Мен ўз билганимдан қолмадим.*

*(“Меҳрим қаттиқ бўлди...”)*

Шоирнинг муҳаббат тўғрисидаги шеърларини кузатишда давом этарканмиз, “Малика” номли асарга эътибор бердик. Унинг биринчи ва охириги бандлари киши миясини “жаз” этиб қуйдиради:

*О, маликам, Сизга мўмин бир ёр бўлса,*

*Ҳар замонда бир қилсангиз иноятлар.*

*Изингизга сиғинмоққа тайёр бўлса,*

*Маъбудадек Сизга қилса ибодатлар!..*

.....  
*Севар эдим Сизни, энди суйиб нетдим,*

*Ёлгон севги етаклаган ерга етдим.*

*Хуш қолсинлар, шунчаки бир келдим-кетдим,*

*Маликага бўйсинмаган Муҳаммадлар!..*

<sup>27</sup> Умид Али Шоирнинг илк муҳаббати, Назира ас-Салом билан суҳбат. Бекажон, 23.10.2008.

Соф муҳаббат ижтимоий тенгсизлик ҳам “ёлғон севги” қурбони бўлганидан дарак бериб турувчи ушбу сатрлар, менимча, кейинчалик, йиллар ўтиб, Муҳаммад Юсуф қурбон бўлган севгисининг фожеаси сабабларини англаб етган, обдан туйган дамларда вужудга келган бўлса керак...

Фурурли, ориятли лирик қаҳрамонни севгилиси рад этган бўлса-да, севгиси тарк этмаган эди: “Ўйлайман, ўйларим узун, // Қўлим қисқа, севгим, бўйларим узун, // Энди сен менинг учун энг узун эртақ, // Энди мени ёмон қийнар юрак!..” (“Бир кеча”). Шоир ўзи кейинчалик эътироф этишича, “Суймоқ бу – гулханда куймоқ азали” (“Мен биттадурман”).

Илк севги ёди Муҳаммад Юсуф учун изтиробли илҳом парисига айланиб қолди. Аммо илк севги изтиробидан қутулишни ўйламайди шоир, унинг учун “...дарду алам азиз” (“Нима қилай”). “Сиз аччиқ қисматим, Сиз изтиробим. // Сиз ширин дардимсиз, ширин азобим”, - хитоб қилади лирик қаҳрамон ёдидаги севгисига (“Севги садоси”).

Ҳа, илк муҳаббат драмаси шоир лирикасида ёрқин, ҳар қандай ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайдиган саҳифа бўлиб қолди. Бундай лириканинг таъсир кучи, албаттаки, туйғуларнинг кучлилиги билан бирга шоирнинг шунга мос санъатига боғлиқ эканлиги сир эмас. Шу боис қуйида биз Муҳаммад Юсуфнинг муҳаббат бобидаги маҳорат мактаби ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз...

Муҳаббат дардида мажнундек “оҳ” ураётган лирик қаҳрамон кўзларида ловуллаган севги алангасини тасвирлашда шоир ишлатган мажозлар кўп, ташбеҳлар ранго-ранг. “Муҳаббат, эй гўзал изтироб!” – деб хитоб қилади Муҳаммад Юсуф мазкур мавзуга бағишланган шеърларидан бирида. “Муҳаббат”<sup>28</sup> деб номланган бу ажойиб асарда “гўзал изтироб” оқибатида қуйган юраги “тўкилиб”, “чок-чокидан сўқилган” ва “қомати букилган” лирик қаҳрамон намоён бўлади. Лекин бу ҳали муҳаббат

<sup>28</sup> Шу ном билан аталган, ёки шу сўз билан бошланган шеърлар шоирнинг адабий меросида бир нечта бўлганини учун, чалкашликнинг олдини олиб, бу асарни қуйида шартли равишда “Муҳаббат-1” деб юритамиз.

дардига чалинган одамнинг тўқис образи эмас, унинг бўлажак "портрет"ига бир-икки чизгилари, холос.

Унинг бошқа шеърларида учрайдиган муҳаббат таърифларига назар соламиз.

"Севги бамисоли..." шеърида муаллиф ушбу мавҳум инсоний туйғуни конкретлаштириб, лолақизғалдоққа, айна пайтда фарқ пишган шотутга ҳам қиёслайди; унга ҳам, бунга ҳам "тегинмай бўлмайди, тегсанг тўкилар".

Маъшукани Лолақизғалдоққа ўхшатиш, айниқса, эътиборли, чунки нафис, ранг-рўйи билан ўта жозибадор, нозик гулбарглари баҳорий майин шаббодада ҳилпираб турувчи бу чечак образи М. Юсуф асарларида кўп учрайди. (*Биз бу хусусда кейинроқ алоҳида фикр юритамиз.*)

"Нетарман" номли шеърида М. Юсуф муҳаббатга нисбатан "Ғамдек ширин севинчсан" иборасини, ташбеҳни ишлатади. Қаранг-а, Муҳаббат – бу шунчаки ширин севинч эмас, ғамдек ширин севинч! Бу моҳирона яратилган поэтик образ ўт билан сувдек қарама-қарши тушунчалар чоғиштирилиши, бошқача қилиб айтганда, тазод (антитеза) усулини қўллаганда вужудга келган. Натижада – нафақат "севинч", балки уни сифатлаб келаётган "ширин"нинг ҳам маъноси анча кучайган. Айна пайтда "ғам"га эътибор берайлик: одатда, фақат салбий маъно ташувчи бу сўз (аччиқ, аламли ташвиш) бу ўринда шириндан ширин маъносини оляпти. Шунга яқин таърифни "Бир кеча" шеърида ҳам учратдик: "буюк ғам".

Шоир ўз муҳаббатини зорланиб излайди, бўзлайди, афсоналардаги Мажнундек: "Муҳаббатим, қайдасан қалб ардоғим, / Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум. / Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим..." ("Муҳаббатим"); шоир учун муҳаббат бу дунёда эришиб бўлмайдиган бахт, ушалмас орзу: "Армоним экансиз ёруғ дунёда," – деб эътироф этади муаллиф "Мактуб" шеърида. Шундай бўлса-да, лирик қаҳрамон "муҳаббат" лафзини тилга олар экан, унинг хаёлида аниқ образ гавдаланади ва шоир унинг хуснига маҳлиё: "Бир боқсам хуш –

мажнунтолдайсиз” (“Гўзаллар”); “Муҳаббат, сен чиройли, / Муҳаббат, сен гўзалсан.” (“Муҳаббат, сен чиройли...”)

Юқорида таъкидланганидек, севги – бу буюк ғам, изтироб, бўлса-да, ёки бошқа шеърларида муаллиф “Қалбга зардоб” (“Муҳаббат”), “Суймоқ бу – гулханда куймоқ азали” (“Мен биттадурман”) деб қалб азобини тасвирласа-да, айти пайтда лирик қаҳрамон ўша гулхан алангасидан ҳузурланаётгани ҳам сезилиб туради: “Севги – менинг барча дардларимга малҳам” (“Севги бамисоли...”). Шу боис шоир аслида муҳаббат дарди узилишини ўйламайди. “Узун эртас” (“Бир кеча”), “ниҳоясиз муҳаббатим” (“Она, мен жаннатда...”), “чегарасиз муҳаббатим” (“Эски айвон”) каби иборалар бунга далил.

Ошиқ шоир севгининг асл моҳиятини “Севги бу...” шеърида бевосита ифода этади: “Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли”. Шоирнинг лафзидан, соф инсоний севги аслида илоҳий неъматдур, демоқчи эканлиги сезилиб турмаяптими? Ёки “Уруш йилларининг жонон қизлари” шеърида ўқиймиз:

*Муҳаббат, муҳаббат, илоҳий маъво,*

*Сизга ёр васлини кўрмади раво.*

Шоир муҳаббатнинг юзини кўролмади зорланади:

*Сен қуш бўлиб учдинг-кетдинг, туюлмадим,*

*Оҳу бўлиб қочдинг, қувиб етолмадим.*

*Бир бор кўриб бир ширин сўз айтолмадим,*

*Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.*

(“Севгим менинг...”)

Кўриб турганимиздек, таҳлил қилинаётган матнларда лирик қаҳрамоннинг туйғулари муайян бир объектга йўналтирилмаган, у муҳаббатни умумий тарзда тараннум этмоқда. Аниқроғи – унинг объекти бандасининг қули ҳам, идроки ҳам ета олмайдиган йироқда:

*Сени фақат олислардан аллаладим,*

*Эркаласам хаёлимда эркаладим.*

*Сочларингни тушларимда сийпаладим,*

*Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.*

(Ўша шеър)

Беихтиёр Мухаммад Юсуфнинг “Аллоҳ гўзал” шеърини ҳам эслаб қоламиз:

*Орази гул, ҳусни ҳилол,  
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал.  
Мутлоқ камол, мутлоқ жамол,  
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...*

Яна “Севгим менинг...” шеърига қайтамиз:

*Соч оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,  
Армондаги, тилақдаги шу бир чўғ деб,  
Йигит умрим зорланади севги йўқ деб,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.*

Бу сатрлар мавҳум муҳаббат образига ҳаётӣ нафас бағишлагандек эмасми!?

“Муҳаббат-1”нинг олтинчи банди айниқса эътиборни тортади: бунда муҳаббатнинг адабиётимиздаги мумтоз тимсоллари – Кумуш ва Зайнаб – тилга олинади:

*Билмам, нима эди мақсадинг:  
Менга бир жуфт гулинг асрадинг,  
Бирин отин Кумуш атадинг,  
Бирин исмин Зайнаб кўйдинг-ку.*

Бу, шунчаки, ушбу мумтоз асарни миллионлаб китобхонлар тилга олгандек гапми? Менимча, йўқ. Мухаммад Юсуф муҳаббатнинг икки қарама-қарши қутбини ифодаловчи образларга мурожаат қилиши тасодифий ҳол эмас. Балки бу илоҳий туйғуга мушарраф бўлган қалбнинг айни пайтда икки тош орасида эзилаётганига ишорадир?

Кумуш ва Зайнаб образларига шоир бир неча асарларида мурожаат қилади: “Седда Мухаммадман”, “Кинога бормайман”, “Зайнаб кўшиғи”, “Биби”, “Отабек кўшиғи”, “Кумуш”.

“Кинога бормайман” шеъри, айниқса, эътиборли. “Утган кунлар”ни муҳаббат мавзусидаги буюк асар деб билган Мухаммад Юсуф, романдаги севги тараннумини чин ҳаётӣ деб эътироф этади. Бу нарса икки буюк санъат қиёсланган бандда намоён бўлади;

*Билет топилмайди "Ўтган кунлар"га,*

*Мен эса кирмайман бекорга ҳатто.*

*Майли, қарсак чалай истеъдод учун*

*Лекин санъат – санъат, ҳаёт – ҳаётда.*

Абдулла Қодирийнинг асари ҳақида фикр юритаркан, шоир:–  
"Ҳеч ким уни мендек ўқий олмаган," - деб таъкидлайди; унинг  
учун бу китобнинг "сатри муқаддас". Шоир назарида Кумуш ва  
Зайнаблар шунчаки образлар эмас, улар доимо биз билан ёнма-  
ён, азал-азалдан ёнма-ён: бири – садоқат, меҳрли Муҳаббат  
рамзи, иккинчиси – заҳарли Рашк. Бу образлар туну-кун шоир  
хаёлида:

*Кўзимни юмаман, кулгичлари яйраб,*

*Кумуш боласига рўмолча тўқир.*

*Кейин ичкаридан – минг йил наридан*

*Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.*

Мазкур банд бу шеърда нақорат каби икки бор такрорлани  
келгани ҳам бежиз эмас.

Турли йилларда битилган, "Сайланма"даги ўринлари билан  
ҳам бир-биридан йироқ бўлган "Зайнаб кўшиғи" ва "Отабек  
кўшиғи"ни ёнма-ён қўйгудек бўлсак, улар фожеали муҳаббат  
дўстига айланиб кетади. Лекин биз учун бу ерда бошқа фикр  
эътиборли: икки инсон, икки дил қовуриляпти, ҳар иккиси ҳам  
ўз дардида доғ бўляпти: Зайнаб севгилисига эга бўлиш  
мақсадида ҳеч нарсадан тоймаслигини билдирияпти; Муҳаммад  
Юсуфнинг лирик қаҳрамони эса Зайнабга, муҳаббат дардида  
рақибига оғу беришга тайёр шахсга, ёмонлик тиламаган ҳолда,  
муҳаббат бобида улар бошқа-бошқа идеалга талпинаётганлиги  
ва бу идеал сир-синаотига Зайнабни ошно бўла олмаслигини  
уқтирмақда. "Биз бу динда муридлар икки пирга, // Йўлатмасман  
сени мен билган сирга," - демаяпти қаҳрамон бежиз.

Албатта, Муҳаммад Юсуф севгидек илоҳий неъмат кишига  
реал, дунёвий ҳузур бағишлашини тарафнам этади. Муҳаммад  
Юсуфнинг лирик қаҳрамонига жавобсиз муҳаббат алангасида  
кўйиш, эришиб бўлмас севгилиси ёди билан яшаш ҳузурлидир.  
Севгиси бежавоб қолганда ҳам, севгилисига эришолмаса ҳам ва

ҳатто севгилисидан умид узса-да, у ўз севгисига содиқ қолади: "Шоир агар сўйса бировни, / Севилмаса – суяр севгисин" ("Шоир"). Рад этилган севгисини шоир "Етим севги" атаб, энди "ким силайди бошингни?" деб қайғуради. Дарддан эзилган, кўз ёшлари оққан етим севги чўллар кезар "сарғайиб". Унинг борган жойи ҳам, чўккан жойи ҳам мисоли чўғ: "Ёнбошласанг, ёқарму бардошингни". Лекин етим севги бардоши метин! - "Кўриб-тоғлар нурарму бардошингни..." ("Етим севги").

Саҳрода сарсон кезган Мажнун эмас – бу Мухаббат; Олтин сандиққа солиб дарёга Тоҳирни эмас – Мухаббатни ташлашган, дейди Мухаммад Юсуф "Тилло сандиқ" шеърида. Чин муҳаббат бошини бу дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон силамас; чин севги устидан доимо кулишади; лекин Мухаббатнинг кўзи самода:

*Баланд жардан ташланди,*

*Тилло сандиқ дарёга.*

*Ёрингман деб юзланди,*

*Қоработир Зухрога.*

*Тоҳир эмас, бағри хун,*

*Оқиб кетди муҳаббат.*

*Бу дунёга этагин*

*Қоқиб кетди муҳаббат...*

*Қайсни қувғин қилишди,*

*Ул ошиғи шайдони.*

*Эрмак қилиб кулишди,*

*Қон йиғлаган Лайлони.*

*Мажнун эмас, саҳрода,*

*Сарсон бўлди муҳаббат.*

*Икки кўзи самода,*

*Хайрон бўлди муҳаббат.*

*Афсона бўлди, ёху,*

*Армон бўлди муҳаббат.*

*Одамдан безган оху,*

*Жайрон бўлди муҳаббат.*

Кўрганимиздек, Муҳаммад Юсуф ўз асарларида Муҳаббатни буюк илоҳий неъмат, шоир қалбига ҳамдек ширин севинч кайфият бағишловчи, лекин, бу ёруғ дунёда одамлардан безиб саҳрода сарсон бўлган оҳу сифатида тараннум этади. Ҳақиқий севги, шеър бўларлик севги ҳамон мажнундек саҳрода сарсон. Шоир бу кунги севги таърифида мумтоз тимсолларга бежиз муурожаат қилмайди: Тохир, Зухро, Лайли, Мажнун, Кумуш, Зайнаб... Севган қалбни ўртовчи, куйдирувчи, айни пайтда, хузур ҳам бағишловчи ширин азобни тасвирлаш учун шеър созининг нозик торларини топиб чертиш билан бирга, оддий сўзнинг ҳам ҳеч қутилмаган маънавий қирғоқларини кашф этади-ки, бу тимсол ўқувчи юрагини ҳам ўйнатади, ҳам яйратади; Муҳаммад Юсуфнинг беназир поэтик санъати натижаси ўлароқ унинг назмида "ҳам"дек сўз ҳам "ширин" маъно туғади! Севинч бағишлайди юракларга!

Муҳаммад Юсуф шеърлятидаги етакчи мавзу – муҳаббатнинг серқирра кўринишларини ифодалашда *қизғалдоқ тимсоли* айниқса муҳим ўрин тутаетди. Айни майтда, қизғалдоқ – баҳор пайти далаю қирларда (яқин ўтмишда эса томларимизда ҳам) гулгун очиладиган ёввойи чечак – умуман шеърлятда тимсол сифатида тез-тез учраб туриши ҳам адабиёт мухлисларига яхши маълум:

"Қизғалдоқ" сўзи менга "қизалоқ" билан бир ўзаклидай туюлади. Лолақизғалдоқ – лоласимон қизғалдоқ аввал "лолақизалоқ" бўлган бўлса ажаб эмас; бу учёқлама ташбеҳ: лоласимон қизғалдоқ, лолага ўхшаган қиз ва қизга ўхшаган лола. Қиз, қизил, қизғалдоқ – бир ўзақдан. Балки ушбу тахминим лингвистика нуқтаи назаридан нотўғридир, лекин Муҳаммад Юсуф шеърляри менда шу фикрни келтириб чиқарди-да. Шоир ўзи ҳам шундай ўйлаган бўлса-чи?

Қизғалдоқ тимсоли Муҳаммад Юсуф асарларида кўзга ўзгача ташланади. Унинг "Сайланма"сидаги (2005, "Шарқ") ўн олти та шеърда Қизғалдоқ (Лолақизғалдоқ) лирик қахрамоннинг турли руҳий ҳолатини, кайфиятини ифодалаб борувчи восита – у гоҳ эрксийлик, гоҳи баҳор фасли инсон қалбига ташриф



бўюрадиган нозик севги ҳисси, гоҳо эса хаста қалбга ягона сирдош рамзи сифатида намоён бўлади; бошқача маъноларда ҳам учрайди.

“Жайрон”да эзгуликни кўролмайдиган бу дунё нокаслари дастидан руҳан эзилган лирик қаҳрамон ўзини золимлар томонидан яраланган беозор, мўмин жонзот Жайронга ўхшатади. “Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ // Бағри алвон лолақизғалдоқ, // Сенга тошлар отди қай гумроҳ, // Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..” Қалб жароҳатидан тирқираган қон жайрон ярасидан оққан алвон томчиларга қиёсланяпти; елда ҳилпираб турувчи “лолақизғалдоқ” бу ўринда мажруҳ юрак (қалб) рамзи:

“Севги бамисоли лолақизғалдоқ” деб бошланадиган бошқа бир шеърда муҳаббат туйғуси нафақат гўзаллиги, нозиклиги, нафислиги, балки нози боис тўкилувчанлиги билан ушбу баҳорий чечакка ўхшатилади: “Тегинмай бўлмайти, // Тегсанг тўкилар.”

“Мана – мен ўша туғилган гўша...”да қизга ёқай деб шеърлар ёдлагувчи, лек бундайин дил изҳорини севганига етказолмай эзилган йигитча тасвирланади: “Ёдладиму айтолмай унга, // Бағри дилим тўлди доғ билан. // Осмонларга термулиб ётдим, // Томда синглим қизғалдоқ билан.” Синчиклаб қаралса, ҳар вақт ҳам шеър оҳангига катта аҳамият берадиган шоир бу ерда, айниқса, эътиборли қофия ишлатган. Гап ушбу товуш такрори чўқурлигидагина эмас: *дилим тўлди доғ билан – синглим қизғалдоқ билан*; радифсимон такрор “билан” олдида алоҳида аҳамиятли қофия “*доғ - доқ*” турибди; юрак-бағри доғ бўлган лирик қаҳрамонга лолақизғалдоқ сирдош сингил. Демак, “лолақизғалдоқ”даги “доқ” ҳассос шоир қалами остида “доғ”маъносини оляпти: яъни, қозонда қиздирилган, куйдирилган ёғдек; *лолақизғалдоқ – муҳаббат ёғида доғ бўлган юрак тимсоли, умидсизликдан қовурилган муҳаббат рамзи, десак яна ҳам тўғрироқ бўлади.*

Мана шу биз илғаб етган фикр тасдиғи “Эсламасанг ҳам мени...” шеърдаги сатрларда жаранглайди: “Менинг куйган

кўксимда, // Қизғалдоқлар йиғлайди.” Яна шуни айтиш керакки, жавобсиз, беоқибат қолган муҳаббат ҳақидаги ушбу шеърда шоир севгилиси билан йиллар оша хаёлан суҳбат куриб, “Майли, мен-ку, қон дилим, // Бахтлимисан, севгилим?” – деб сўрайди ва унга омонлик тилайди.

Лолақизғалдоқ – муҳаббатини йўқотган киши узоқ умр давомида бошидан кечирадиган илиқ, айна пайтда изтиробли хотира рамзи. У ҳар баҳор киши қалбидаги эски ардоқли ярани янгилайди:

*Баҳорда кўп оғир,  
Қиқирлаб турса -  
Тиззанга суйкалиб лолақизғалдоқ,  
Беғубор ёшлигинг ўтган жойларда  
Қўлтиқтаёқ билан ҳақкалаб юрмоқ.*

*“Баҳорда кўп оғир”*

Айтиш лозимки, Муҳаммад Юсуф шеъриятида Қизғалдо образи, худди эпик асарларда воқеа ривожланишидек, юксалган сайин, очилиб боради. Менимча, ушбу лирик ҳодиса ривождаги ўзига хос бурилиш нуқтаси – бу “Қизғалдоқ” шеъри. Тўрт банддан иборат бу асарда шоирнинг суюкли чечаги барбод бўлган, изтиробли хотира сифатидагина қолган, ғариб бўлган муҳаббатга ўхшатилади. Айна пайтда, бу шеърда “лолақизғалдоқ” Муҳаммад Юсуф ижодидаги поэтик рамз сифатида янгича маъно касб этади:

*Олдинга мен боролмасам, ўт гуноҳим,  
Бир йўқлаб қуй, мен дунёдан ўтган чоғим,  
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,  
Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.*

Ушбу шеърдаги “Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим” сатри машҳур “Лолақизғалдоқ”даги “Қабрим устида ҳам // Ўзинг бўласан” мисраларининг дебочаси эмасмикан? Қабр, ўлим, марҳумдан қолган хотира? Тўғри, қизғалдоқ Муҳаммад Юсуф шеъриятида ўлгандан ёдгорлик рамзи сифатида аввалроқ ҳам учрайди, масалан, Афғон урушида шаҳид бўлган йигитларимизга бағишланган “Ўғлонлар” марсиyasida:

*Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,  
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.*

Айниқса, халқ тафаккурида кўпроқ лолақизғалдоқ ўлим, қабристон тушунчалари билан боғлиқ. У кўпроқ қабр устида ўсиши ҳам бежиз эмас, ёшлиқдан бизни лолақизғалдоққа тегма, уни узма – ёмон бўлади, деб уқтириб келганлари. ҳам ноўрин бўлмаса керак. Мана шу маънода бу тимсолни Мухаммад Юсуф “Эгасиз уй” шеърида қўллади. Бундаги “Отангнинг томида лолақизғалдоқ,..” сатри асл маъносидан ташқари, иккинчи, қўчма маъно ҳам қабул қилади: отангнинг қабри устида лолақизғалдоқ ўсиб чиқди, яъни, вафотига анча бўлиб қолди, вақт ўтяпти. Мухаммад Юсуфнинг ушбу сатрларини тинглай туриб, халқ тилидаги шунга ўхшашини эслаймиз: “кўкариб чиқди”, яъни, аллақачон оламдан кўз юмиб, қабрини ўт босди.

Шу ерда яна бир маротаба “Баҳорда кўп оғир...” шеърини эсласак. Асар бошида, юқорида таъкидлаганимиздек, ёшлиқдан хотира бўлиб қолган йўқотилган муҳаббат ҳақида гап берса, унинг якунида “умр қишида” ҳам одамга осон эмаслиги таъкидланади:

*Кўп оғир, беғубор қорлар ёққанда,  
Қишда, дала-даштга қўнганда туман,  
Сотқинга тегмаган ўқни сийпалаб,  
Урушни эсламоқ, сандалдан чиқмай,  
Хокисор, вафодор хотининг билан.*

Менимча, бу мисраларда муҳаббатдан (жумладан, илк муҳаббатдан ҳам) кам бўлмаган мавзу, “вафодор хотин” мавзусига ўтиш белгиланган.

Вафодор хотин мавзуси лолақизғалдоқ образи билан боғлиқ, ва бу образ ривожининг чўққиси – “Лолақизғалдоқ” шеъри. Аммо Мухаммад Юсуф лирикасининг бу гултожи ҳақида фикр юритишдан аввал, бир неча одим ортга қайтиб, шоирнинг бўлажак турмуш ўртоғи Назира ас-Саломга, сўнгра оиласига муносабати акс этган шеърларда бир оз тўхталамиз.

Ёш шоир Мухаммад Юсуфни бўлажак рафиқаси Назира билан танишган пайтлари билган ўқувчини “Бекатларда мен

қоларман-да..." шеърдан олинган мана бу сатрлар бефарқ қолдирмайди:

*Термуламан, изларидан жим,  
Боқиб кўзим толиб кетади.  
Бодомзорга сени ҳар куни  
Трамвайлар олиб кетади.*

Мисоли моҳир мусаввир қўли билан чизилган картина! Узоқлашиб кетаётган трамвай ортидан маънос боқиб қолаётган ошиқ йигитни кўриб турибмиз бунда. У гўё трамвайга иддао қиляпгандек, севгилисини ундан узоқлатиб кетаётганлиги учун.

Муҳаммад Юсуфнинг адабий меросида оилага муҳаббат, унинг олдидаги бурч мавзуси ҳам анча кўзга ташланарли ўрин эгаллаб турганлигини эътироф этмоқ зарур. Аммо *муҳаббат, шеърият, оила, фарзанд* каби шоир учун нақадар жиддий, муқаддас тушунчалар унинг реал ҳаётида ҳамбарчас боғланганлиги, боғланганда ҳам анча мураккаб тарздалиги боис, бунинг ижоддаги акси ҳам шунга яраша кўринишда намоён бўладики, китобхон учун ҳам буни ҳолис идрок этиш осон кечмайди.

"Сир" шеърида шоирнинг ўзи ана шундай мураккабликни ифодалаш учун "ғалати" сўзини ишлатади: "Мени танлаганинг ғалати", "Сени танлаганим ғалати". "Шамолдек беқарор шоир севгиси" мисраси билан бошланувчи, бинобарин, бу тоифа кишиларнинг муҳаббат бобида қизиқувчанлиги, берилувчанлигини кўрсатиб турувчи ушбу шеърда ачиниш, хўрсиниш (юмор ҳам йўқ эмас) билан ўзининг юриш-туришига оила олдидаги гуноҳ ҳисси билан баҳо беради. Рафиқасига бағишланганлигига шубҳа бўлмаган бу шеърдан иқтибослар олайлик:

1. *"У сўз кутар, уни сен кутиб ойлаб,  
Бир умр йўл қараб кўзинг толади.  
Севгилим, фариштам... тентагим, ё раб,  
Бахтингни ярмини шеърим талади!.."*
2. *"Гуноҳинг не эди, эй мунглиғ дилбар,  
Сени танлаганим ғалати..."*

Бу мисраларда маълум даражада умумлаштириш бор, бу кўпчилик шоирларга тааллуқли мисралар. Шу ўринда Р.Рождественскийнинг хотинига бағишлаган мисралари ёдга келади:

*Вақтим йўқ,  
Эҳ! Вақтим йўқ!  
Дунёда ягона аёлни  
Бахтли қиларга вақтим йўқ!..*

Муҳаммад Юсуфнинг “Топволди” номли асарида шеърят, муҳаббат, оила тушунчаларининг боғлиқлиги янада яққолроқ ифодаланган. Мана яна иккита иқтибос:

*1. "Хотиним қизларни ёзмайсан, дейди,  
Отам подшоларни. Мени авайлар..."*

*2. "Гулхан бўлиб кетди қанча шеърларим,  
Муҳаббат ҳақида эди ҳаммаси.  
Азиз мухлисларим, билиб қўйинглар,  
Шоирга хўжайин ҳатто аммаси!"*

Оила, фарзанд олдидаги бурч ҳисси шоирни кўп ўйлантиради, тинчлик бермай, изтиробга солади. “Қизилгул”, “Биз бахтли бўламиз”, “Рафиқамга”, “Эй, жуфти ҳалолим” шеърлари бундан дарак. Н.га бағишланган “Биз бахтли бўламиз” шеърини олайлик. Бунда шоир билан Худо хоҳлаб учраштиради, ҳар оқшом эри йўлига термулгувчи рафиқа образи гавдаланади. Шоирнинг лабидан учган ширин сўзлар ҳам узр ҳисси, ҳам меҳр нурига тўла: “Райҳон ҳидларингни йўлларимга сеп, кут мени, ҳар оқшом, кўкка ой чиққан. Фақат, йиғламагин, гуноҳим не деб, айбинг – онанг сени чиройли тукқан!” Лирик қаҳрамон оиласига нифоқ солишга уринувчилар етарлидан кўп, аёлнинг кайфиятини тасаввур қилиш қийин эмас. Ошиқ эса тақдир насиб этган маъшуқасини овунтиришга уринади: “Ийманиб яшама хаёл пинжида, ёйил, яйра, жоним, ўртанма ғамда. Ғийбатларга чида, тухматга чида, сен биттасан, ахир ёруғ оламда” .

Оила буюк таянч эканлигини ошиқ шоир эътироф этади. Шоир учун ҳар оқшом унинг йўлига термулиб утирган аёли, оиласи – мисоли муқаддас саждагоҳ. Ҳаёт бўронларидан толиқиб келган шоир фақат рафиқаси билан қалбига таскин топади ва бунинг учун шукроналар айтади :

*Ҳолбуки, тўрттала томоним ўзинг,  
Осмоним ёритган тобоним ўзинг.  
Дилимнинг тўрида авайлаганим,  
Энг ёруғ орзуим, армоним ўзинг...  
Сени йўлиқтирган ҳазрати Хизр,  
Борингга шукурлар, борингга шукур.  
("Рафиқамга")*

Шоир ортда қолдираётган нурли излари учун, шеърларига берган ҳайрат ҳислари учун, ўғилга алишмас қизлари учун меҳрибон турмуш ўртоғидан миннатдорлигини яширмайди. Айни пайтда, аёлини етарли қадрлай олмаётганини ҳам эътироф этади: "Муҳаммад қадрингга етмаган эй ҳур - // борингга шукурлар, борингга шукур" ("Рафиқамга").

*"Севдим демасам ҳам севгим изҳори –*

*Умр ўртасида билдим қадрингни!" –*

хитоб билан якунлайди шоир "Эй, жуфти ҳалолим" шеърини.

Юқорида таъкидлаб улгурганимиздек, вафодор хотин ва шоирнинг унга нисбатан туйғулари ёшу қарига манзур "Лолақизғалдоқ" шеърисида алоҳида меҳр ила ифодаланган. Ушбу шеър расман Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган бўлса-да (аслида, шеърни шоир дастлаб синглисига бағишламоқчи бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот бор), мазмунан оиласига аталганлиги ўқувчида шубҳа туғдирмайди.<sup>29</sup> Бу асарда Муҳаммад Юсуфнинг бошқа шеърларида ҳам учраб турадиган мажозлар (лолақизғалдоқ, оҳу, эркам, гулим) рафиқасига нисбатан ўзгача оҳангда жаранглайди. "Лола, лолажоним,

<sup>29</sup> Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сийид ҳам ўзининг "Бу ёруғ дунёда ўчмас чирогим" номли шеърисида "Лолақизғалдоқ"ни Муҳаммад Юсуф оиласига бағишлаганини кўрсатиб ўтган. Қарагил: "Наманган садоси", 2014, 24-январь.

лолақизғалдоқ!" ҳар банднинг якунида қўшиқда нақоратсимон такрорланиб келишининг ўзи бу асарга алоҳида тароват берган. "Лолақизғалдоқ" – ижтимоий-фалсафий шеър, бундаги инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари кундалик ҳаётда кузатиладиган азалий-маънавий-майиший муаммолар билан боғланиб кетган. Шоир ортида қолаётган лолақизғалдоғига қарата айтган куйиниш, ташвиш, изтироб тўла ўғитлари ўқувчини тўлқинлантириб юборади:

*Мен кетсам, ёмондан  
Йироқ бўл, оху,  
Чунки сен чиройли,  
Кўркли жувон.  
Ёмон кунлар бир кун  
Яхши бўлар-у,  
Ёмон одам яхши  
Бўлмас ҳеч қачон...*

.....  
*Аёл қалбинг билан  
Сув кеч, олов кеч,  
Ғам келса бошингдан  
Ҳушинг учмасин.  
Худодан сўрадим:  
Мендан кейин ҳеч  
Номард кимсаларга  
Ишинг тушмасин.  
Уларнинг қўлида  
Ҳамиша тузоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.*

Ортида қолаётган оила, фарзандлар тақдири шоирни кўп ташвишга солади: унинг назаридан бу масаланинг моддий томони ҳам, маънавий қирралари ҳам қочмайди: "Мендан нима қолар: //Икки мисра шеър, // Икки сандиқ китоб...// Мен сени ўйлайман ўзимдан кўпроқ "

Лирик қаҳрамон ҳаётнинг аччиқ қонуниятини (ўлим ҳақ) аёлига донишмандларча, айна пайтда, шоирона уқдирар экан, хотини бу дунёда унинг учун ягона экаклигини эътироф этади, ва яна қўшимча қилади: "Қабрим устида ҳам. // Сен бизнинг севгидан // Хотира – байроқ, // Лола, лолажоним, Лолақизғалдоқ."

Шундай қилиб, Лолақизғалдоқ бир пайтнинг ўзида ҳам севги, ҳам ундан хотира рамзига (хотира-байроқ) айланганини кўриб турибмиз. "Лолақизғалдоқ" – бу шоирнинг васияти; умр йўлдошига илинган меҳр-қосаси; айна пайтда ушбу қоса қизлари билан боғлиқ умид-орзуга тўла.

Хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, ҳассос шоиримиз Муҳаммад Юсуф назмида муҳаббат мавзуси ўзининг салмоғи билан ажралиб турганлигидан ташқари, унинг севги бобидаги асарлари маънавий бетакрорлиги ва жозибали бадиий кўрки билан ҳам ўқувчини ўзига ром этади. Чунончи, шоирнинг муҳаббат таърифидан қўллаган кўплаб маъжозлар, ташбеҳлар миллий поэтикамизни бебаҳо гавҳарлар билан бойитди, дейиш мумкин. "Севмоқ бу ўзини англамоқ асли", "Муҳаббат, эй гўзал изтироб", "Ғамдек ширин севинчсан", "Севги менинг барча дардимга малҳам", "Ширин азобим севги", "Етим севги", "Суймоқ бу – гулханда куймоқ азали", "Менга дарду алам азиз", "Севги бамисоли лолақизғалдоқ, тегинмай бўлмайди, тегсанг тўкилар", "Шамолдек беқарор шоир севгиси" каби иборалари кўпчиликнинг қалбидан аллақачон жой олди. Шоирнинг санъати, маҳорати туфайли бир қараганда оддий, одамий, инсоний севги тушунчаси аслида илоҳийликка дахлдорлиги намоён бўлиб турибди.

Оилага, фарзандга меҳр, инсонга, ҳаётга муҳаббат тароналаринининг гултожи бўлмиш "Лолақизғалдоқ"дан олинган қуйидаги: "Ёмон кунлар бир кун яхши бўлар-у, ёмон одам яхши бўлмас ҳеч қачон", "Кимга қаср етмас, кимга мол-дунё, менга эса ҲАВО етмайди холос"; "Тириклар мудроқда, ўликлар уйғоқ"; "Энди осмон йироқ, энди ер юмшоқ"; "Жисм ўз улфати - жондан тонмоқда. Бечора жон энди қаерга борсин.";





#### § 4. МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИ ЖУРНАЛИСТ ВА ПЕДАГОГЛАРИМИЗ ТАЛҚИНИДА

Юқорида биз фақат Муҳаммад Юсуф юбилейига бағишлаб ташкил этилган танлов ғолибларининг шеър ва мақолалари ҳақида фикр юритдик. Тўғри гап, танловга тушган асарлар, маълум маънода, буюртмамиз асосида вужудга келган, десам ҳам бўлавереди, зеро, конкурсимизнинг асосий талаби – янги, аввал эълон қилинмаган асарларни тақдим этиш эди.

Айни пайтда, айтиш лозимки, Наманган матбуоти саҳифаларида кейинги йиллар (юбилей йили айниқса) бир қатор кўзга кўринарли мақолалар чоп этилди-ки, бу нафақат ёшлар орасида, балки адабиёт шинавандаларининг барча қатламларида Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига қизиқиш катталигидан дарак. Бу мақолаларнинг муаллифлари, асосан, журналист ва педагоглар. Айнан шулар кўпчиликнинг фикрини, муносабатларини ифодаловчилардир. У кишилар ўзларини зиё тарқатувчи, адабиёт тарғиботчиси эканликларини яхши ҳис этишади. Улар миллатимиз фаҳрига айланган Муҳаммад Юсуф тўғрисида бирон хабар топдими ёки шоир асарларини ўрганиш жараёнида бирор янгилик кашф этишдими, дарров барча билан ўртоқлашиш учун газета саҳифасига шошилишади. Шу боис ҳам уларнинг мақолалари, авваламбор, публицистик руҳ билан суғорилган бўлади, оммабоплиги билан тавсифланади.

Мабуотда учраган материаллар, мақолалардан эътиборга лойиқлари ҳақида баҳоли қудрат фикр билдиришга уриниб кўрамиз.

Биз тилга олмоқчи бўлган мақолаларнинг муаллифлари орасида Муҳаммад Юсуф билан кўришиб, ҳассос шоир суҳбатидан баҳраманд бўлганлардан бири **Нодира Абдуллаева**. Лекин у кишининг ҳозир бизнинг

этиборимиздаги материали бевосита шоир билан мулоқот ҳақида эмас, бу – **Назира ас-Салом** билан сўхбат.<sup>30</sup>

Сўхбатнинг дебочасида муаллиф бир пайтлар “Туркистон” газетасида унинг илк шеърлари Муҳаммад Юсуфнинг “оқ йўл”и билан босилиб чиққани, кейинчалик шоир билан Наманган вилояти Мингбулоқ туманида пахта мавсуми пайти учрашганликлари охиригиси бўлиб қолганлиги ҳақида ўқинч билан эслайди. Шоирнинг рафиқаси билан мулоқот эса марҳум қанчалик элпарвар, халқ дардини енгиллатиш учун, дардини олиш учун ҳамма нарсага тайёр шоир бўлганлиги ҳақида. Нафақат вафодор аёл, балки маслақдош ҳам бўлган инсон шоирнинг қизил империяси даврида битилган бир қатор шеърлари тўғрисида, жумладан, “Гдлян”, “Улуғимсан, Ватаним” ҳақида - “қаҳрамонлик билан ёзилган асарлар” дейди. Энди аёл марҳум эри, шоир Муҳаммад Юсуфнинг дарди-ю орзулари билан яшамоқда...

**Наима Ғаниева ва Мунаввар Мирзаҳакимоваларнинг** “Муҳаммад Юсуфнинг янги шеъри” номли мақоласини “Ertakchi-repetitor” газетасида (2007, 6-сон) учратдим.

Ушбу мақолада 2007 йил апрель ойида, мактабда шоир хотирасига бағишланган тадбирга тайёргарлик олиб борилаётган кунларда М. Юсуфнинг волидаи муҳтарамалари Энаҳон ая катта қизлари бўлмиш Гулчехра опаникига ташриф буюрганларини эшитган бир гуруҳ муаллимлар у кишини зиёрат қилгани борганликлари, қайтишларида эса Гулчехра опа уларга шоир укаларининг матбуотда эълон бўлмаган шеърининг кўлёмасини тўхфа қилганликлари ҳақида ҳикоя қилинади ва 1997 йилда битилган “Наманган” номли ўша шеър тўлалигича келтирилади.

Муҳаммад Юсуфнинг ўзи ҳам бир пайтлар яшаган, қолаверса, опасининг юрти бўлмиш диёр – Наманганни мадҳ этувчи ушбу шеъри ҳақиқатан ҳам 2007 йили “Ertakchi-repetitor”да илк бор эълон қилинганлигига шубҳа қилмас

<sup>30</sup> Абдулласва Нодиря. Хасратларнинг мўнқиғи айланди. Ёр, сси кетиб...//Сўхбатдош, 2003. 12 февраль.

бўлаверади. 2004 йилда чоп этилган М.Юсуфнинг “Улуғимсан, Ватаним” шеър ва дostonлар тўпламида “Шаҳарлар мадҳи” деган боб мавжуд. Унда шоирнинг қалбидан алоҳида ўрин олган бир қатор шаҳарлар тараннум этилади. Аммо улар орасида “Наманган” шеъри йўқ. Демак, ушбу шеър мутахассисларга ва кенг оммага 2007 йилга қадар маълум бўлмаган, деб хулоса қилишга асос бор.<sup>31</sup>

Айтиш лозимки, “Наманган” Муҳаммад Юсуфнинг илк бор “Ertakchi-repetitor” орқали оммалаштирилган ягона шеъри эмас. Ушбу газетанинг 16-30.04.2011 сонида “Сўз барҳаёт, мангу яшар” номи билан чоғроқ мақола эълон қилинган. Бу материал имзосиз бўлса ҳам, таҳрират ходими таниқли шоир ва журналист Муҳаммад Вали қаламига мансублиги кўриниб турибди. Аслида буни мақола эмас, шу саҳифада Муҳаммад Юсуфнинг биринчи маротаба эълон қилинаётган “Кунглим сезар, узоқ кечмас ҳаётим...” сатри билан бошланувчи шеърига сўзбоши деса ҳам бўлади. Бунда муаллиф инсон умрининг узун-қисқалиги яратганнинг ҳукмида эканлиги ҳақида гапирар экан, қўшимча қилади: “Жисман бу оламдан кетган инсоннинг умри Боқий Сўз қиёфасида давом этиши мумкин. Бундай барҳаёт умр Тангрининг суюкли бандаларига насиб этгай, Шарт шуки, у банда ўша Барҳаёт Сўзни уқмоғи, бошқаларга-да уқтирмоғи лозим. Муҳаммад Юсуф Сўзни уқиш укувига ноил бўлган шоирлардан эди. Унинг сўз билан сўзлашуви, Сўз билан диллашуви гўзал шеърлар шаклида намоён бўлиб, сўз ихлосмандларини мафтун этарди. Шоир ва сўз мулоқоти сирлашув мақомига етган лаҳзаларда битган сатрлар башорат каби, тақдир китобидан очилган фол каби умр саҳнида зухур бўлганига ҳам гувоҳмиз”.

Мақола ниҳоясида келтирилган шеър матнини биз ҳам ўз китобхонларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик:

<sup>31</sup> “Наманган” шеърини аввал биз тўлалигича “Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат” китобига киритган эдик. Кейинчалик бу шеър матнига турли пайт ва шароитларда бириклар томонида ўзгартiriшлар киритишнинг маълум бўлиб қолди. Шу билан ушбу монографияда мазкур шеър матнини чуқурроқ текстологик таҳлил қилишга тўғри келгани ва буни биз қуйроқда амалга оширишга уриниб кўрамиз.

*Кўнглим сезар, узоқ кечмас ҳаётим,  
Мен ўлиб кетарман, мисли бир Мажнун.  
Йиғласам, ҳеч кимга етмайди додим,  
Ўзимни кафандек ёпар қаро тун...*

*Ўшанда ҳам бахтли Сиз олий зотлар,  
Кимнингдир қўшиғин тинглаб юрарсиз.  
Мени онангиз ё отангиз ёдлар,  
Демак, ўшалар-чун мендан қарздорсиз.*

*Менга гул берманг сиз, илтифот қилинг,  
Менингмас, отангиз қабрин ёд қилинг,  
Ўша улуф одам руҳин шод қилинг,  
Сокин гўшалар-чун мендан қарздорсиз.*

*Мен тақдир нонини туйдим бир тахир,  
Менга ҳам болам, деб очинг бир бағир.  
Навоий бобонгиз Сизни ҳам ахир,  
Демак, ўшалар-чун мендан қарздорсиз.*

1990 йил.

Бошқа мақолаларда ҳам Муҳаммад Юсуфнинг Барҳаёт Сўзига эъзоз билан қараш сезилиб туради, бу шеърятнинг авлодлар тарбиясидаги катта аҳамияти ҳақидаги фикрлар таъкидланиб келаверади. Шу билан бирга, шоир асарларига холис баҳо бериш, муайян асарларни эстетик, поэтик таҳлил этиш намуналари ҳам кўзга ташланади, адабиётшунослар ҳам хавас қилгудек мақолалар учрайди.

“Наманган ҳақиқати”нинг муҳбири, айни пайтда коллеж ўқитувчиси, **Гулчеҳра Бувамирзаеванинг** иккита мақоласини олайлик. Даствлабкиси, “Ёрилмай яшаган юрак юракми?..” (“Наманган ҳақиқати”, 27.04.13), муаллиф шоир шеърларини чин ишқ, айни пайтда синчковлик билан қайта-қайта мутолаа қилиши натижаси ўлароқ Муҳаммад Юсуф ижодининг етакчи

мавзу-ғояларини англаб етганлигини кўрсатиб турибди. Севимли шоирнинг “шеърдан шеърга сайқаллашиб” бораётган мўъжизакор ижод намуналаридан ҳайратга тушган шинаванда ўз қалбида ҳам ўхшаш туйғулар кашф этади. Энг муҳими – шоирнинг самимий ва соҳир мисралари мақола муаллифини ўйга толдиради: “Муҳаммад Юсуфдек шоирлари бор халқ жуда ҳам бахтли... Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдек фарзандлари бор юртнинг эртаси порлоқ. Чунки улар миллат келажаги, тақдирини ўйлаб, ширин жонларини азобларга қўйиб, минг бир ҳадик, хавотир, азобу қийноқлар ичра ҳам ўз “мен”идан кечмаганлар, ўзлигини йўқотмаганлар. Бир-бирини ўйлаб, бир-бирини қўллаб яшашни ҳам билганларида эди, эҳтимол, 37-йиллардаги қирғинбаротларда халқнинг асл, мард ўғлонларининг жонини сақлаб қолиш мумкин бўларди,..” – деган фикрга келади Г. Бувамирзаева.

“Эл эъзози” (“Наманган ҳақиқати”, 22.01.14) деб номланган иккинчи мақоласида Г. Бувамирзаева М. Юсуф ижодини ўрганишда давом этиб, унинг янги қирраларини таҳлил қилади. Чунончи, бу гал шоирни “сўзни тафаккур этиш”, сўз қудратидан эркин фойдалана билиш бобида Яратгувчи марҳаматига сазовор бўлган ижодкор сифатида таърифлайди. Дарҳақиқат, М. Юсуфнинг юртдошларига бўлган меҳри ила суғорилган мисралар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуфга бағишланаётган мақолалар, бу шунчаки ихлосманднинг шоирга бўлган муҳаббати изҳори эмас, бу - шоир шахсиятини чуқурроқ тушуниб етиш, соддалиги билан юксак поэзияни англашга интилиш ифодаси; шоир очган чашманинг ҳаётбахш сувидан қониб ичиш ва бундан бошқаларни-да баҳраманд этишга уринишдир.

Мақолаларда Муҳаммад Юсуф шеърлятида Она мадҳи, Ватан ишқи, шоир ижодининг халқчиллиги, бадиятининг ўзига хослиги ва шу билан боғлиқ шоирнинг XX аср ўзбек поэзияси тарихидаги ўрнини англашга интилишлар кўзга ташланади.

М. Юсуф шеърлятида ардоқли мавзулардан бири бўлган аёл образига бир нечта мақолалар бағишланган. Улар сирасида доцент **Мўминжон Сулаймонов** ва ўқитувчи **Эътиборхон Ғойиббоевалар** томонидан “Наманган ҳақиқати” газетасида эълон қилинган “Шарқ аёлининг васфи” (26.04.14), Наманган шаҳар 7-мактаби ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси **Гўзалхон Мамажонованинг (Гўзал Раимжон қизи)** “Муҳаммад Юсуф ижодида она мавзуси” (“Наманган садоси”, 07.03.14) мақолалари эътиборли.

.. Биринчи мақолада ушбу мавзу адабиётимизда, хусусан, шеърятда қанчалик кенг ишланганлигига ва бетакрор асарлар мавжудлигига қарамай, Муҳаммад Юсуфнинг сози бу борада ҳам ўзига хос жаранглаяпганлиги ҳақида гапирилади. Жумладан, “Ўзбекмомо”, “Оқрўмол қизлар” шеърларида шоир ўзбек аёли гўзаллигининг янги қирраларини очиб берганлиги кўрсатилади.

Иккинчи мақолада она образини яратишда шоир санъатининг ўзига хослиги ҳақида: “Шоирнинг ижодий қиёфасини белгилайдиган, уни ўзбек халқи учун ардоқли қилган нарса – туйғуларнинг самимийлиги, ҳаётимиздаги оддий кечинмаларни содда ва тушунарли ифодалай олганидир”, – дейди мақола муаллифи, ва фикрини далили сифатида қуйидаги халқона сатрларни келтиради:

Етмиш юдуз йиғилиб,  
Ярим ойча тўлолмас,  
Етти янга йиғилиб,  
Битта она бўлолмас,  
Она тирик эшикка  
Фурбат яқин йўлолмас,..

**Г. Мамажонованинг** “Ўзимизнинг Муҳаммад Юсуф” (“Наманган садоси”, 14.02.14), деб аталган мақоласида ҳам шоир ижодининг халқчиллигига алоҳида урғу берилган. Бунинг ифодаси учун муаллиф оҳори тўкилмаган, муҳими эса – масалани аниқ ёритиб беролган ибораларни қўллайди: “Шоир шеърларида миллатнинг қалб кечинмалари, иқрорлари

яширин”, “Унинг шеърларини халқдан айро тушуниб бўлмади”, “Шеърятни юракнинг покланиш воситаси”, - дейишади. Муҳаммад Юсуф шеърятни юракнинг покланишигина эмас, виждоннинг тозариши, кўнгилнинг бўшаши, халққа бўлган муҳаббатнинг икроридай кўринади,.. сизни ўйлашга ундайди, ёнингиздаги инсонни ҳис қилишга, идрок қилишга даъват этади, инсон маънавий дунёси чегараларини янада кенгайтиради”; шоир назмидаги Бободехқон, “ҳалол меҳнати билан кун кечириётган деҳқон бизни ҳаёт қадрига етишга, уни севишга, уни англашга ўргатади”; “Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари қайси мавзуда ёзилмасин,.. ўзбекнинг ўзидай содда, ўзбекнинг ўзидай мард, ўзбекнинг ўзидай хокисор лирик қахрамон чиқиб келаверади”.

Муҳаммад Юсуф шеърятининг халқчиллиги тўғрисида Г. Мамажонов билдирган фикрлар орасида, маълум маънода кутилмаган, лекин тушунарли, мантиқли гап учрайди: “Менинг назаримда, Муҳаммад Юсуф шеърларини бошқа тилга таржима қилиб бўлмади. Йўқ, таржима қилиб бўлар, аммо таржимада унинг шеърларидаги ҳар сатрга сингган миллатимизгагина хос соддалик, самимийлик, чапаналикни ифодалаб бўлмади. Чунки Муҳаммад Юсуф ўзбекнинг шоири, у бизнинг содда Муҳаммад”.

Таржима тўғрисидаги бу фикр нимага асосланганлиги мақоладан маълум бўлмаса-да, бу гапни ҳар бир мисрасига миллий қадриятларимиз синггиган шеърятни сифатлаш мақсадида ишлатилган муболаға сифатида қабул қилса бўлади. Зеро, Муҳаммад Юсуф шеърятни ана шундай эътирофга муносиб шеърятдир.

Дарҳақиқат, халққа, Ватанга муҳаббат тушунчаси – жўн тушунча эмас. Уни англашимизда сўз санъатининг халқпарварлик, ватанпарварлик руҳини ўзида сингдирган намуналари бизга доимо кўмақдош. Баъзан ҳатто шундай бўлади-ки, қалбимизда туғён ураётган туйғуларни тушунолмайд қолишимиз мумкин; оддий инсон уларни ифодалашга ожизлик қилиб қолиши ажабланарли ҳол эмас. У ёки бу асарда қалбимизда қайнаётган бўлса-да, аммо шаклланолмаётган



фикрга яқин образли ифода учратиб қолсак, кўзимиз ялт этиб очилгандек, қалбимиз ёришиб кетгандай бўлади. Шунда биз сўз устасига тасанно айтамыз, маҳоратини эътироф этамыз. Муҳаммад Юсуфнинг шеърияти ана шундай эътирофга сазовор бўлган шеъриятдир.

Наманган шаҳар 7-мактабининг фахрий ўқитувчиси **Кенжаҳон Мамараимова** Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан мавзусига бағишланган мақоласини “Ватан ишқидан яралган шеърият” деб номлабди. (“Наманган садоси”, 18.04.14) Ушбу мақоланинг биринчи хатбошисидаёқ М.Юсуфнинг Ватан ишқи тараннумида бошқа шоирлардан фарқи, менимча, аниқ ифодаланган: “У халқимизнинг дилидан тилига кўча олмаётган орзу армонларини содда ва самимий айта олди. Бу шеърият ота-боболарнинг анъаналарини йўқатоёзган, Ватан деган тушунчадан йироқлашган дилларга Юрт муқаддаслигини англатиш, XX аср қаърига чўкиб кетаёзган ўзлигимизни, миллий қадриятларимизни тиклашга, Ватанни бутун борлиғимиз билан севишга ундайди”. Дарҳақиқат, аниқ ва муносиб баҳо! Лекин бу мақолада шоиримизга нисбатан бундан ҳам таъсирлироқ, лирик оҳангда десак ҳам бўладиган, эътирофни кўрамыз: “Катта томоша залларида Муҳаммад Юсуф шеърлари ўқилганда, кўшиқ қилиб айтилганда томошабинларнинг кўзларида ёш қалқийди. Устозлар шогирдларига Муҳаммад Юсуф шеърларини ўқиб бераётиб, кўз ёшларини зўрға яширади, бувижонлар набираларига Муҳаммад Юсуф шеърларини ўқийди-ю, ўпкаси тўлиб, тўхтаб қолади. Бу бор гап... Балки шудир, Муҳаммад Юсуф юрагидаги Ватан туйғусининг, эл-юртга муҳаббатининг бизнинг қалбимизга кўчгани? Балки шудир, Ватан ишқидан яралган шеъриятнинг таъсири?!”

Халқ ва Ватан тимсолларини Муҳаммад Юсуф шеъриятида тараннум этилиши ҳақидаги мақолалар орасида Наманган вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг ўқитувчиси **А. Ҳусайнов**нинг “Эркнинг эрка элчиси” номли мақоласи (“Ertakchi-repetitor”, №7; 1-15.04.14) ҳам ажралиб туради. Бунда муаллиф ўтган аср

давомида ушбу мавзу бўйича қалам суриб эътирофга сазавор бўлган машҳур шоирлардан Чўлпон, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парпи, Ш. Раҳмонлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ушбу ижтимоий-сиёсий мавзунини ёритишдаги маҳоратларига муносиб баҳо беради. Муҳаммад Юсуф салафларидан ўрганди, лекин уларга тақлид қилмади, чунки у янги давр, ўз даврининг талабини чуқур ҳис қилган эди. Салафлар миллий қадриятлар ва Ватан туйғусини юксак интеллектуал-эстетик тасвири билан зиёлилар эътиборини қозонишди. Лекин янги давр, 80-йиллардаги ижтимоий-сиёсий вазият бу буюк тушунчаларни халқнинг энг оддий вакиллари онгү шуурига сингдириш вазифасини илгари сурган эди. Буни ўз вақтида тўғри англаб етган Муҳаммад Юсуф миллий қадриятлар ва Ватан мавзуси ҳақида халқ оҳангида, халқ тилида гаплаша бошлади.

А. Ҳусайнов яна ўринли равишда таъкидлашича, Муҳаммад Юсуф ватан ҳақида бошқалар каби ёзмайди. "Шоир Ватанни оғриқлари билан яхши кўради." Ва яна кўшимча қилади: "Таъбир жоиз бўлса, "Ватаним" шеъри Ватан ҳақидаги шеърларнинг шоҳи даражасига кўтарилди", - дейди.

Мақолалар ҳақида гап кетганда, менинг "Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд ориятли муҳаббат" (2012) номли китобим ҳақида матбуотда эълон қилинган мақолалардан баъзиларини, гарчанд ноқулай бўлса-да, тилга олиб ўтишни жоиз деб билдим: "Бизнинг Муҳаммад Юсуф" (Оташ Холмирзаев, "Маҳорат мактаби", 7-август 2012), "Муҳаммад Юсуф Наманганда" (Ойдина Йўлдошева, "Наманган садоси", 27-июль 2012), "Орият ҳақида кўшиқ" (Абдусаттор Аҳмадалиев, "Маҳорат мактаби", 26-апрель 2013), "Ҳам адабий, ҳам журналистик тадқиқот" (Носиржон Дехқонов, "Наманган ҳақиқати", 7-июль 2012). Мақолалар, умуман олганда, ёқимли, албатта. Улардан биттаси, "Орият ҳақида кўшиқ"да муаллиф менинг эссе жанрида ёзилган рисоламга баҳо бериш билан бирга, унинг мазмунини асосида ишқий саргузаштларга чанқоқ ёшлар мутолаасига мўлжалланган чоғроқ романтик бадиия яратишга

интилиш бор; сарлавҳа ҳам шунга ишора. Китобни ҳатто “изтиробли ишқ қиссаси” деб таърифлаб, А.Аҳмадалиев гўё менда шу эссе асосида шоир боланинг муҳаббати, ундан-да устун чиққан орияти ҳақида қисса ёки пьеса яратиш ниятим ҳам йўқ эмаслигини сезгандай, қолаверса, ўша бўлажак сюжетга баъзи чизгиларни инъом этгандай бўлади. Бунинг учун мен, албатта, миннатдорман.

“Ҳам адабий, ҳам журналистик тадқиқот”ни камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо деб қабул қилдим. Муаллифнинг чиройли лутф ила билдирган ижобий фикрлари мени қувонтирди. Бунинг учун мен у кишига миннатдорчилик изҳор этаман. Айни пайтда, Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб “Наманган” номли (китобимда тўла матни келтирилган) шеърдан парчани (уч банд) мақолада бузиб ишлатганлигини кўрсатиб ўтмасдан ҳам иложим йўқ. Бузилиш шахримиз номи ёзилиши билан боғлиқ.

Мен Носиржон Деҳқонов томонидан ҳақиқатан ҳам хатоликка йўл қўйилганлигини исботлашга уринишдан аввал китобни қўлёзмалигида ўқиб чиққан бир адабиётшунос дўстимиз ҳам менга: “Наманган” эмас, “Намонгон” бўлса керак, қаранг, “яйрар жон”, “маржон”лар билан қофияланиб келяпти”, - деб фикр билдирганлигини таъкидламоқчиман. Бафуржа сўхбатда мен у кишига, бундай эмаслигини тушунтириб улгургандим. Носиржон Деҳқонов эса фикр билдирмаяпти, у, шундай бўлишига тўла ишонган ҳолда, “тузатиб” қўяқолган. Энг ажабланарлиси шундаки, у Муҳаммад Юсуфнинг “Наманган бу, Наманган” сатрини “Намонгон бу, Намангон” шаклида эмас, “Наманган бу, Намангон” қилиб ўзгартирган. Натижада нафақат қофия тизими бузилди, балки мазмунга ҳам путур етган. Газетхонларда: “Муҳаммад Юсуф нега бундай ёзди экан?” - деган савол туғилган бўлса керак.

Шу ўринда мен ўша шеърнинг тўла матнини келтириб ўтиш лозим деб ўйлайман, чунки асардаги қофия тизимини китобхон кўриши зарур.

**Наманган**

Қадам етса яйрар жон,  
Наманган бу, Наманган.  
Водий бўйнида маржон,  
Наманган бу, Наманган.

Нолаи оҳи Машраб,  
Хур ўғли шоҳи Машраб.  
Бир ўғли шоир Усмон,  
Наманган бу, Наманган.

Қизлари кўкда ҳилол,  
Тилларидан томар бол.  
Йигитлари паҳлавон,  
Наманган бу, Наманган.

Бир ёғи қадим Нанай,  
Гапларидан айланай,  
Бир ёғи, о, Пешқўрғон...  
Наманган бу, Наманган.

Қайга борсанг ёғар гул,  
Одамлари дарё дил,  
Ўхшаши йўқ бир бўстон,  
Наманган бу, Наманган.

Хуш келдинг, эй Муҳаммад,  
Бу жой шаҳри муҳаббат,  
Неъмат тўла Намаккон,  
Наманган бу, Наманган.

Кўриниб турганидек, асарнинг биринчи бандида шеъриятда жуда кўп тарқалган кесма қофия ишлатилган, яъни биринчи мисра учинчиси , иккинчи эса тўрттинчиси билан оҳангдош; схемаси: **абаб**. Тўғри, иккинчи ва тўрттинчи мисраларда

шунчаки оҳангдош эмас, айнан сўзлар ишлатилган. Бундай такрор шеърятда кўп учрайди ва адабиётшуносликда тавтологик қофия деб юритилади. Яна қўшимча қиламиз: бу ерда ҳам қофия, ҳам мисранинг нақоратсимон такрорини кўриб турибмиз.

“Наманган”нинг биринчи банди шеърнинг яхлит қофия тизими уюштирган композицияда ўзига хос дебоча вазифасини ўтаган. Бундаги бир жуфт қофия қолган беш бандда қатъий тартибда такрорланган ва асар қурилишида жуда катта роль ўйнаган. Мана ундаги қофия тизими: **абаб; вваб; ггаб; ддаб; ееаб; жжаб**. Кўриб турганимиздек, қофиялар такроридан мустаҳкам силсила ҳосил бўлиб, асарга алоҳида тароват бағишлаб турибди, мусикийликни оширган, энг муҳими эса - гоёни таъсирлироқ ўтказишга хизмат қиляпти.

Айтиш лозимки, бандлар якунида бир хил мисралар “Наманган бу, Наманган” каби такрорланиб келиши ижодиётда жуда кўп учрайдиган поэтик восита бўлса, тўртликлар учинчи мисралардаги ўзаро оҳангдошлик билан ҳам қўшимча равишда боғланиши – бу ноёб ҳодиса. Чунончи, Муҳаммад Юсуфнинг 2005 йилда чоп этилган сайланмасида биз атиги иккита шеър учратдик мана шундай қофия тизими билан: “Турналар” ва “Аллоҳ гўзал”. Тўғри, “Турналар”да жиндеккина фарқ бор, аммо “Аллоҳ гўзал”нинг қофия тизимига асосланган композицияси “Наманган”нинг ўзгинаси. Дарвоқе, бундай мураккаб қофия тизимининг моҳияти ҳақида мен “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” гзетасида аввалроқ (2012 йил 16 март) эълон қилинган “Турналар”нинг турли талқини” сарлавҳали мақоламда ҳам қисқа фикр билдиргандим.

Энди Носиржон Дехқоновнинг ўзгартиришлари ўлароқ вужудга келган ҳолатни яққолроқ идрок этиш учун унинг мақоласидаги ўша учта бандни келтирмасдан иложим йўқ:

*Қадам етса яйрар жон,  
Наманган бу, Намангон.  
Водий бўйнида маржон,  
Наманган бу, Намангон.*

*Нолаи оҳи Машраб,  
Хур ўғли шоҳи Машраб,  
Бир ўғли шоир Усмон  
Наманган бу, Намангон...*

*... Хуш келдинг, эй, Муҳаммад,  
Бу жой шаҳри муҳаббат,  
Неъмат тўла намак кон,  
Наманган бу, Намангон.<sup>32</sup>*

Кўриб турганимиздек, биринчи бандда кесма қофия йўқолган, кейинги бандларда эса жуфт қофияли мисралардан ташкил топган тўртликлар вужудга келган. Тўртликлар ўртасидаги муштараклик, композицион бирлик маълум даражада сусайган. Демак, биз ҳеч қачон қофия шунчаки оҳангдош сўзлар эмас, балки муҳим композицион восита эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Лекин энг ёмони – шеър мазмунига путур етганлиги; бу ерда шоир гўеки, шаҳримиз номини қандай ёзилиши хусусида бизда аҳён-аҳёнда кўтарилиб турадиган баҳсларни назарда тутиб, “Наманган” билан “Намангон”ни ёнма-ён қўйган, жўрттага сўз ўйини, аския қилгандай туюляпти. Ваҳоланки, Муҳаммад Юсуф бу ўринда ҳазилдан йироқ ва у мазкур топонимнинг адабий тилимизда қўлланиб келаётган ягона шаклини ишлатган: Наманган!

Дарвоқе, Носиржон Деҳқонов “варианти”да охириги банднинг учинчи мисрасидаги қофиядош сўзга эътибор беринг: “намак кон” шаклида ажратиб ёзилган. Муҳаммад Юсуфда эса қўшиб ёзилган, шунинг эвазига ҳассос шоир қалами остида бу тарихий атаманинг асл салбий маъноси йўқолган ва кўчим вужудга келган: “шўрхок, яроксиз” ўрнига “серҳосил, ризқ-рўзи бутун, сахий, меҳмондўст” (Шу ўринда халқ тилидаги “туз-намакли”, “туз-намаги бор” ибораларини ҳам эслашимиз мумкин; маъноси: меҳмон учун дастурхони мўл, меҳмондўст оила) деган маънолар

<sup>32</sup> Деҳқонов Н. Ҳам вазбӣи. ҳам журналистик тадқиқот. //Наманган ҳақиқати, 2012, 7 июль.

келиб чиқяптики, бу атоқли шоирнинг бизнинг музофотга бўлган илиқ муносабатини кўрсатиб турибди.

Ҳ. ШУ ШУҒИ ҚАЗИМ САҲИФАСИДА  
 Ҳ. ШУ ШУҒИ ҚАЗИМ САҲИФАСИДА

Намаган

Қадам еткан дўхор мой  
 Намаган бу Намаган  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Намаган бу Намаган

Қадам оти Мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Намаган бу Намаган

Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Намаган бу

Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Намаган

Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Намаган бу

Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Қадим дўхорлар мағзона  
 Намаган

Муромийнинг ҳоҳиши 1997 йилда  
 Қадим дўхорлар мағзона

Бундай мунозарали ҳолларда баҳсни бартараф этиш учун энг мақбул йўли – иложи бўлса, муаллиф дастхатига мурожаат қилиш. Шу боис ҳам Носиржон Дехқоновнинг мақоласи эълон қилингандан сўнг шеърнинг қўлёзмаси шоирнинг Пешқўрғонда истиқомат қилувчи опаси Гулчехра Турдикуловада

сақланаётганлигини тахмин қилиб, у кишининг хонадонида бўлдим. Афсус, тахминим нотўғри бўлиб чиқди. Лекин тушкунликка тушмай, эринмай, опанинг ҳамроҳлигида "Ertakchi-repetitor"да (Мен шеър матнини ўша газетадан олганлигимни юқорида айтдиб ўтдим.) ўз пайтида эълон қилинган мақола муаллифларидан бири Наима Ғаниеванинг хонадонига қидириб бордик. У ерда маълум бўлишича, уларнинг қўлида шоирнинг дастхати эмас, балки унинг яна бир сингиси Матлубахон Юсупова қўли билан аслиятдан кўчирилган-ми, ёки ёддан қоғозга туширилган юқоридаги нусха бўлган экан.

Кўриб турганимиздек, бу нусхада бизни қизиқтирган топоним ягона шаклда ишлатилган -- "Наманган". Тўғри, такрорланаётган сатр фақат биринчи банддагина тўла келтирилган, бошқа ўринларда қисқартирилган, ёки, умуман, ёзилмаган. Шудай бўлса-да ишонч билан таъкидлаш мумкин-ки, матнда "Наманган"дан бошқа шакл ишлатилмаган. Ишончимизнинг асоси шунда-ки, шошилиб ёзаётган ёхуд бирор бир матни кўчираётган киши такрор сўз ва гапларни кўпинча биринчи бор тўла келтирган ҳолда, қолган ўринларда бош ҳарфини ёзиш билан ёки чизиқчалар билан ифодалаб кетаверади. Матлуба Юсупова қўли билан ёзилган шеър матнида шундай ҳолатни кўриб турибмиз.

Шуни яна айтиш лозимки, Матлуба Юсупова варианты "Наманган" атамаси тўғрисидаги чалкашликни тўла ойдинлаштиролмаганидан ташқари, саволимизга яна иккита савол қўшди. Синчков ўқувчи балки эътибор бериб улгургандир, матнда аввал биз эълон қилган вариантга нисбатан яна иккита фарқ бор: 1) иккинчи банднинг учинчи сатрида "Бир ўғли шоир Усмон" ўрнига "Бир ўғли Бобур султон" келяпти; 2) тўртинчи банднинг учинчи мисрасида эса "Бир ёғи, о, Пешқўрғон"нинг ўрнида "Бир ёғи Янгиқўрғон" турибди. Аниқлашимизча, ҳар икки ўзгариш ҳам "Эртакчи - репетитор"нинг муҳаррири Муҳаммад Валининг "енгил қўли" билан амалга оширилган экан. Таниқли журналист, шоир ва адабиётшунос М.Вали, таҳририятга топширилган шеър матнида



бузилиш бор деб тахмин қилиб, оддий мантиққа суяниб иш тутган, яъни: 1) Бобурнинг ватани тўғрисидаги мунозараларга аллақачон яқун ясалган, уни янгилаш – бесамар иш; бинобарин, Муҳаммад Юсуф бундай ёзган бўлиши мумкин эмас, шоир Усмон бу ерда ўринлироқ; 2) “Бир ёғи Янгиқўрғон” ҳам мос келмаяпти, чунки Янгиқўрғон билан Нанай бир йўналишда жойлашган; бир чизиқдаги аҳоли пунклари тўғрисида шоир “бир ёқда у, бир ёқду бу” деб ёзмайди-ку!? Тўғрироғи “Пешқўрғон” бўлса керак. Бу қишлоқ сал четроқда жойлашганлигидан ташқари, у ерда шоирнинг опаси яшайди, бинобарин – қадрдон гўша, қолаверса, табиати ҳам гўзал, машҳур зиёратгоҳи бор...

М. Валининг мантиғи ишонарли бўлса ҳам, менинг фикримча, Муҳаммад Юсуфнинг дастхати топилмагунча бу масалага нуқта қўйиб бўлмайди.

Матлуба Юсупова нухаси туширилган саҳифанинг юқори ва остки ҳошияларига, асосий матндан чизиқ билан ажратиб, майдароқ хат билан қўшимча ёзиб қўйилган (афтидан кейинроқ бўлса керак); гаплар ҳам эътиборни тортмай қолмайди. Юқоридагиси қайсидир газетанинг таҳририятига қўйидаги шеърни (“Наманган”ни) босиб чиқариш тўғрисида мурожаат бўлса, осткиси – шеър битилган сана, 1997. Муҳими – қўшимча ёзувлар қизил пастада битилган. Демак, аввалроқ кўчирилган ёхуд ёддан қоғозга туширилган матнни кутилмаганда Наима Ғаниева орқали таҳририятга юбориш керак бўлиб қолган, шунда тўғри келган бошқа ранг ручкада битилган қўшимча ёзувлар пайдо бўлган. Хуллас, шеър матни Наима Ғаниева орқали газетага юбориш учун атайлаб ёзилмаган. Варақ тескарисидаги ёзувлар ҳам бу фикрни қувватлаб турибди.

Унда яна Матлуба Юсупова қўли билан Энахон аянинг ўғли вафотидан кейинги қийин аҳволи тасвирланган. Бундан чиқди, “Наманган” шеъри М. Юсупова ўша пайтда ёзиб турган қандайдир бошқа матн таркибида бўлган. Опаси Гулчехра Турдиқуловани йўқлаб келган пайтда, ўша хонадонга маҳаллий мактаб ўқитувчилари ҳам келиб қолишади. Сўхбат чоғида,

газетага мақола билан бирга шеър матнини ҳам юборишга қарор қилинади ва М. Юсупова, бошқа қоғозга кучириб ўтирмай, дафтаридан варақни йиртиб бера қолади. Бундан хулоса шуки, М. Юсупова мазкур шеърни Пешқурғонга келганда эмас, аввалроқ ақасининг дастхатидан бехато кучирган бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Барибир, тахмин. Изланиш, дастхатни топиш керак...

Шундаёқ <sup>6</sup> ~~шаъристон~~ <sup>аввал</sup>  
дан ~~анералми~~ <sup>бизга</sup> жуда  
ошир бўлди. Айниқса, онам  
ни мушонара авайлаб,  
кўнмишарига ~~ва~~ <sup>кўзи</sup>  
рога ~~бериб~~ <sup>мурсан</sup> ~~зам~~  
юна ~~тими~~ <sup>дети</sup> ~~де~~ <sup>дети</sup>.  
Кўздун бун оз ~~мушонара~~ <sup>бу</sup>  
мадди ~~мушонара~~ <sup>кўнмишарига</sup>  
то ~~ушонара~~ <sup>мушонара</sup> ~~мушонара~~  
бунан ~~бун~~ <sup>бу</sup> ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
кўнмишарига ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
авалми ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
мушонара ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
то ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup> ~~мушонара~~  
Аммо, ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
авалми ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
У ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
мушонара ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>  
бунан. ~~мушонара~~ <sup>мушонара</sup>

Шу мақсадда Муҳаммад Юсуфнинг кўпчиликлари таниш бўлган мухлиси косонсойлик Аъзамжон Ҳожи Мамажонов ҳамроҳлигида 2015 йил 24 февраль куни шоир туғилиб ўсган гўша, Андижон вилоятининг Марҳамат тумани Қовунчи қишлоғида бўлди.

Муҳаммад Юсуфнинг ота жойи, ҳозирда укаси Миродил Юсупов оиласи билан яшайдиган ҳовлига тушиб, у ерда ўтганлар хотирасига қуръон тиловат қилдик. Бир оздан сўнг шоирнинг сингиллари Матлубахон ва Муҳаббатхонлар ҳам турмуш ўртоқлари билан етиб келишди. Анча гурунглашиб ўтирдик. Боришимиздан мақсад, “Наманган” шеъри хусусида маълум бўлишича, бу шеърни Матлубахон кўшни, Олимжон ака исми киши қўлида сақланиб қолган дастхатдан кўчириб олган экан. Олимжон ака (афсуски, у киши оламдан ўтган эканлар, Жойлари жаннатда бўлсин). Муҳаммад Юсуф билан Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтида бирга ўқиган. Аммо марҳумнинг хонадонидан қидириш натижа бермади, оила аъзоларининг биз қидирган шеърдан хабари йўқ...

Шундай бўлса-да, Қовунчи сафаридан сўнг **иккита дадил хулоса** қилиш мумкин: **биринчи**, “Наманган” шеъри Муҳаммад Юсуф Тошкентда ўқиб юрган йиллари ёзилган, бўлмаса дастхат курсдош қўлига тушиб қолмас эди (шеър матни охиридаги сана – 1997 – Матлубахон Юсуповнинг асоссиз тахминидир); **иккинчи** ва энг муҳими, “шоир Усмон” ўрнида “Бобур султон”лиги аниқ бўлса керак. Бизнингча, на кўшни Олимжон ва на синглиси Матлубахон аслиятга бундай жиддий ўзгартиш киритиши мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмайди, мантиққа тўғри келмайди.

Айтиш лозимки, мен “Бобур султон”ни ўқиганимда марҳум устозимиз профессор Одилжон Носировнинг гапини эслаб кетдим: “Андижонликлар Машрабни биз билан талашиб турган пайтда, андижоннинг бир мард ўғлини Наманганда Машрабга ҳайкал қуриб кетди”, - деган эди. Устоз бу гапидан бир пайтлар Наманган шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган (ҳозир “ҳоким” деган бўлардик) таниқли шоир Ҳайитбой Азимов раҳбарлигида Машраб номи билан ҳашаматли

кинотеатр барпо этилганини ва унинг пештоқига “На малакман, на фаришта, мен ҳам инсон наслидин, таваллуди ўшал фарзанди Намангониман” байтини ёздириб қўйганини назарда тутган эди.

Беихтиёр ўйлайсан: “Бир ўғли Бобур султон” сатри ҳам, шубҳасиз, анжанча мардлик нишонидир.

2014 йили навбатдаги Республика “Баркамол авлод” ўйинлари муносабати билан таниқли шоир Зиёвиддин Мансур томонидан битилиб “Маҳорат мактаби” газетасининг №17-18 сонидан эълон бўлган Наманган ёшлари мадҳиясида қуйидаги сатрлар бор:

*Косоний, Чустийлар фахр-у, ғурур, шаън,*

*Бобурни ким билмас бу кенг очунда.*

*Шу улуғ зотларга бешик бўлолган,*

*Кўҳна Косонсой, Чуст, Ахсикент шунда.*

Кўриб турганимиздек, бу сатрларда наманганликларнинг фаҳри бўлган сиймоларнинг номлари зикр этилган. Айни пайтда хотираси эл қалбидан чуқур жой олган ўша инсонларга бешик бўлган шаҳарлар тегишли тартибда санаб ўтилган. Демак Зиёвиддин Мансур, ҳеч иккиланмай, кўҳна Ахсикентни Бобурнинг “бешиги” деб, безиз атамаяпти.

Муҳаммад Юсуф бир пайтлар таъкидлаганидек, шоирлар ҳақиқатан ҳам ғалати одамлар бўлар экан-да.<sup>33</sup> Нега бўлмаса фанда аллақачон тинган масалани улар яна ва яна кўзгайверишади? Олимлар шоирюрак эмас.

\*\*\*

Хуллас, Муҳаммад Юсуфга бағишланган мақолалар ҳақидаги қисм ниҳоясида таъкидлаш лозимки, улар, биринчи навбатда, шоир хотирасига эҳтиром кўрсатиш мақсадида ёзилган. Лекин ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, бу мақолалар ихлосманднинг шоирга бўлган дил сўзларини изҳор этиш учунгина ёзилган

<sup>33</sup> Муҳаммад Юсуф. Шоирлар ғалати одамми? // Олтин қалам. Нишона сон, 6-саҳифа.

эмас; биз учратган ҳар бир мақола - бу шоир ижодини ўрганиб-англашга, шоир очган чашманинг ҳаётбахш сувидан қониб ичишга интилиш ва бундан бошқаларни-да баҳраманд этишга ҳаракат.

Мақолаларда Муҳаммад Юсуф шеърятини профессионал даражада таҳлил қилишга ҳаракат сезилади: чунончи, шоир ижодининг халқчиллиги, бадиятининг ўзига хослиги, XX аср адабий жараёнида тутган ўрни ҳақида асосли ва аниқ фикрлар мавжуд. Жумладан, у салафлардан фарқли ўлароқ, китобхон билан оддий халқ тилида сўйлаша олиш талантига эга бўлганлиги, шу боис миллионлар қалбидан бошқаларга нисбатан чуқурроқ ўрин олишга муваффақ бўлганлиги, давр талабини замондошларига нисбатан теран ҳис этгани ҳақида ишончли хулосалар қилишади.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтиш зарур, мақолаларда Муҳаммад Юсуф матнларига баъзан, афсуски, эҳтиётсизлик билан қўл уришлар кўзга ташланади.

### III БОБ. МУҲАММАД ЮСУФ "ЛИРИК ЛАҲЗАЛАР"ДА

#### § 1. НАЗИРА ВА МАҚОЛАЛАРДА

Ушбу китобнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтилганидек, Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш Республикамиз бошқа ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам январь-апрель мобайнида олиб борилган маънавий-маърифий ишлар дастурининг марказида турди. Чунончи, Наманган давлат университетида бу борада амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Мазкур олий ўқув юрти таркибида фаолият кўрсатувчи "Лирик лаҳзалар" ижодкор ёшлар клуби ташаббуси билан Наманган вилоят телерадиокомпанияси, "Наманган ҳақиқати", "Наманганская правда", "Маҳорат мактаби", "Эртакчи-репетитор", "Акс садо" газеталари таҳририятлари ҳамкорлигида адабиёт, тасвирий санъат ва мусиқа йўналишлари бўйича очик танлов эълон уюштирилган эди. Танловда университет талабалари билан бир қаторда вилоятимизнинг турли мактаб, лицей ва коллежларидан иқтидорли ёшлар иштирок этишди. Бадиий адабиёт ва публицистика, мусиқа ва тасвирий санъат йўналишларининг 13 номинацияси бўйича 300 га яқин асарлар тақдим этилди.

Танловнинг бадиий адабиёт ва публицистика йўналишида Муҳаммад Юсуфга бағишланган иккита номинация бор эди: "Муҳаммад Юсуф асарларига назира" ва "Муҳаммад Юсуфга бағишланган илмий-оммабоп мақола". Ҳар икки номинацияда ҳам кишини қувонтирадиган, бинобарин, ҳам таҳсинга, ҳам таҳлилга муносиб асарлар мавжуд.

Университетнинг рус тили бўлими талабаси Мавлон Абдусаматов назира объекти сифатида "Биз бахтли бўламиз" шеърини танлаб, назира бошида унинг биринчи бандини келтиради. Бу нарса Мавлон учун лейтмотив вазифасини бажарган ва ёш шоир ўша банднинг иккинчи ярмини, (*Биз бахтга етамиз, Худо хоҳласа, Худо хоҳламаса, учрашармидик?*)

бир оз ўзгартирилган ҳолда шеърнинг ўртасида ва охирида ҳам ишлатган. Бундаги ўзгариш (*биз бахтли бўламиз – биз бахтга етамиз*) севишган қалбларнинг бахтли истиқболга ишончини ифодалайди.

Назира муаллифи аслият (*ушбу таржимашунослик атамасини назира объектига, яъни Муҳаммад Юсуфнинг шеъриг, нисбатан қўллашга журъат этдик*) ғоявий мазмунини ривожлантиради. Натижада висол ила унинг доимий йўлдоши ҳижрон ўртасидаги азалий зиддият ўзгача талқин олади: “Ўкинма, бағрингни ҳижрон тигласа - // Ҳижронсиз севгини қадрлармидик?”<sup>34</sup> Кўриб турганимиздек, ёш шоир муҳаббат бобида висол ва ҳижрон йўлдошлиги оддий ҳолат эмас, балки ҳақиқий муҳаббат учун синов деб билади.

Тўхтамирза Тўраевнинг Муҳаммад Юсуфнинг “Ёр-ёр”, “Муҳаббат-1” шеърларига бағишлаган “Муҳаммад жим ухлайди”, “Муҳаббат” номли назиралар ҳам устоздан ўрганиш намунаси.

Биламизки, “Ёр-ёр” – бу халқ ўланлари шаклида битилган ишқий мисралар. Тўхтамирза шеърида эса шогирднинг буюк устозига соғинчи, эҳтироми, хотирасига эъзози изҳор этилади:

*Осмон олис, осмон жим,*

*Соғинган дил йиғлайди.*

*Қабрнинг бир четида*

*Муҳаммад жим ухлайди.*<sup>35</sup>

Муҳаммад Юсуф шеъриятини Тўхтамирза “осмондан келган нидо” деб таърифлайди. У халқ учун мисоли жон-озиқ бўлди: “Осмондан келди нидо, // Элга жон бўлди фидо.”

Шоир эҳтироми, айна пайтда, миллатнинг ҳам ғурурига айланиб кетади:

*Осмон олис, осмон жим,*

*Юлдузлар жуфт терилган.*

*Муҳаммади бор Ўзбек –*

*Кўкрак тўлиб, керилган.*

(Ўша шеър)

<sup>34</sup> Альманах “Лирик лаҳзалар -1(6)”. Наманган, 2015. 19-б.

<sup>35</sup> Тўраев Тўхтамирза. Муҳаббатнома. “Наманган нашриёти”. 2015. 11-б.

Тўхтамирзанинг иккинчи назираси тўла-тўқис Муҳаммад Юсуф йўлида ёзилган бўлиб, унда энди шогирднинг ишқий эйтиробрлари ифодаланаяпти.

Норин саноат ва сервис коллежи толибаси Зарнигор Раҳимжонованинг "Туркман қиз"<sup>36</sup> номли назираси Муҳаммад Юсуфнинг шеърига шунчаки эргашиш эмас, бу – устоз билан муносиб мунозара, ҳақиқий мушоира. Ёш шоира, устоз асарини изчиллик билан, бандма-банд таҳлил қилиб, Муҳаммад Юсуф туркман қиз образида тараннум этган ўша жозибали хислатларга ўзбек қизлари қиёфасида ҳам "туркман"дан зиёда томонларни кўрсатишга ҳаракат қилган. Назиранинг яна бир эътиборли жойи шундаки, Зарнигор ўзбек қизи портретини чизар экан, мумтоз адабиётимиз ва халқ оғзаки ижодида яратилган мукамал идеал (Барчин, Лайли, Ойгул) образларидан зукколик билан фойдаланган.

Шу ўринда Муҳаммад Юсуфнинг "Туркман қизи" атрофида ўз даврида бўлиб ўтган шов-шувларни эслаб ўтиш зарур. Аслида долзарб ахлоқий масалалардан бири кўтарилган ва замирида жиддий идеал ётган бўлса-да, лекин муҳаммадйусуфча енгил юмор билан ёзилган шеърни қўшиқчилар илиб кетди; ҳазил-мутойибалар пайдо бўлди. (Қўшиқчилар шеърнинг асл моҳиятига эътибор беришмади.) Айтишув-тортишувлар келиб чиқдики, мухлислар ҳам буни катта қизиқиш билан кузатишган эди; ҳуллас, бу шеър ва қўшиқ санъатимиз тарихида катта воқеа бўлган эди.

Назира муаллифи Зарнигор ҳам аслият юморини яхши ҳисс қилганлиги кўриниб турибди.

Педагогика факултети талабаси Мафтуна Абдулхаеванинг "Ўткан кунлар – ўтган кундир"<sup>37</sup> деб номланган шеъри оддий назирага ўхшамайди, чунки у муайян битта асарга эргашмаган.

Маълумки, Муҳаммад Юсуф ўз шеърлятида Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи, ва ундаги беназир образларга идеал сифатида кўп мурожаат қилган. Бу нарса

<sup>36</sup> Альманах "Лирик лаҳзалар -1(6)". Наманган, 2015., 27-6.

<sup>37</sup> Альманах "Лирик лаҳзалар -1(6)". Наманган, 2015, 14-6.



замонамиз адабиёт аҳли ҳамда янги авлод мухлисларнинг буюк ёзувчимизга бўлган эҳтироми, эътирофидек қабул қилинади. Чунончи, шоир қуйидаги шеърларида Абдулла Қодирий яратган образларга мурожаат қилган: “Муҳаббат” (Муҳаббат, эй гўзал изтироб...), “Содда Муҳаммадман”, “Кинога бормайман”, “Зайнаб қўшиғи”, “Биби”, “Отабек қўшиғи”, “Кумуш”. Булардан ташқари, “Ватаним” қасидасидаги қалбни ларзага соладиган бандни ҳам эслайлик.

Мазкур романдаги муҳаббат талқини Муҳаммад Юсуф учун ҳаётийлиги билан қадрли. Айниқса, “Кинога бормайман” шеърда бу нарса яққол кўзга ташланади. Унда шоир икки буюк санъат тури, адабиёт ва кинони қиёслар экан, таъкидлайди:

*Билет топилмайди “Ўтган кунлар”га,  
Мен эсам кирмайман бекорга ҳатто.  
Майли, қарсак чалай истеъдод учун,  
Лекин санъат – санъат, ҳаёт – ҳаётда.*

Бу сатрларда шоир кинодаги тасвир адабий образчалик таъсирчан эмас, демоқчи. Романнинг афзаллиги мажоз воситасида ифодаланган: “ҳаёт - ҳаётда”.

Бу ерда яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Ўткан кунлар” романида Муҳаммад Юсуфни, биринчи навбатда, муҳаббат мавзуси қизиқтирган. Мафтуна эса мавзуга кенгрок ёндашган: шоиранинг бундаги ноласи нафақат Қодирий тасвирлаган фожеали муҳаббатга, балки 20-30 йилларда қурбон бўлган миллат ўғлонлари, чўлпонлари-ю қодирийлари хотирасига марсия каби мунгли жаранглайди; назирада маълум даражада, ижтимоий оҳанг пайдо бўлади.

*«Ўткан кунлар» - ўтган кундир,*

*Халқ балчиққа ботган кун.*

*Пешонага битган кундир,*

*Чўлпонга тош отган кун.*

*Ўзбегингни, ўзлигингни-*

*Ўзингни йўқотган кун.*

*Қодирийдан кечган кундир,*

*Қодирийни сотган кун.*

Мафтунанинг шеъри, битта муайян шеърга эмас, балки устоз Муҳаммад Юсуфнинг юқоридаги барча асарларига назира. Энг муҳими – назирада муҳаммадюсуфча услуб яққол сезилиб турибди.

“Назира” номинациясидаги асарлар шеърий моҳияти билан бошқаларга нисбатан китобимиз мавзусига мосроқ, шундай бўлса-да **“Муҳаммад Юсуфга бағишланган илмий-оммабон мақола”** номинациясида қатнашган асарлар ҳам кишини қувонтиришини таъкидлаш жоиз. Уларни мен уч қисмга бўлгим келади: 1) М.Юсуф қариндош-уруғлари билан учрашувлар таъсирида вужудга келган мақолалар; 2) Мавжуд ёзма манбалардан ижодий фойдаланиб, айти пайтда, мавзуни кундалик ҳаёт, ёшларнинг ўқишлари, маҳаллаларининг бугунги кўринишлари билан боғлаб ёзилган мақолалар, 3) Бевосита М.Юсуф ижоди таъсири остида ёш китобхон қалбида пайдо бўлган ҳис-туйғулар ифодаси акс этган мақолалар. Лекин ҳақ учала гуруҳдаги асарлар нафақат ягона мавзу, балки ёш муаллифлар ўзларининг сўз бойликларини, бадиий имкониятларини намойиш этишга ҳаракат қилаётганликлари билан ҳам бир-бирларига яқин.

Биринчи гуруҳда Гулмира Турғунованинг (НамДУ қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси) “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” ва Соҳиба Пўлатова (Янгикўрғон туман 21-сон мактаб ўқувчиси)нинг “Муҳаммад Юсуф” номли мақолалари ажралиб туради. Улар Муҳаммад Юсуфнинг Чортоқ туманида истиқомат қилувчи опаси Гулчеҳра Турдиқулова билан учрашув, суҳбат таъсирида вужудга келган. Бунда шоир болалигига, баъзи шеърларини ёзилиш тарихига оид эътиборли маълумотлар келтирилади.<sup>38</sup>

Муҳаммаднинг, таъбир жоиз бўлса, болалик характериға тўхталиб, унинг шўх бўлганлиги, “ерга урса осмонга сапчийдиган” бола бўлганлиги ҳақида ёзади. Айти пайтда, у катталарни ҳурмат қилувчи, ўртоқларига нисбатан меҳрибон,

<sup>38</sup> “Лирик лаҳзалар -1(6)”. Наманган, 2015: 51, 57 б.

очиққўл; саҳий бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. “Ҳатто бирор янги кийим олиб берилса, бирор ночор, ёки етим ошнаси бўлса, шунга ҳам олиб берсангиз кияман, олиб бермасангиз Хизрабод ариққа (қишлоқдан ўтадиган ариқнинг номи – Қ.Н.) ташлайман деб туриб оларди”. Табиатга синчковлик билан қараши, мусиқа ва спортни яхши кўриши ҳақида гапирилади. Мактабда у аълочи бўлибгина қолмай, яхши ташкилотчи ҳам бўлган; тадбирларга ўзи расм чизиб, шеър ёзиб берар, кези келса, қўшиқ ҳам айтиб берар экан. Соҳибанинг мақоласида яна Гулчеҳра аянинг тилидан ёзилади: “Бувим (онамнинг онаси) Сергов деган жойда яшарди. Марҳамат билан ораси бир қанча жой. Кўчалар тизза бўйи тупроқ. Бувим ҳам шеърят ихлосманди. Кечалари қизлар билан мушоира қилишарди. Укам билан эринмай шу шеърларни эшитгани борардик. Шундан бўлса керак ундаги шеърятга қизиқиш”. Мақолада Муҳаммадни шоир бўлиб шаклланишида унинг онаси Энаҳон ая ва онаси Гулчеҳранинг таъсири ҳам катта эканлиги таъкидланади. Оқшомлари уларнинг эртақларини, ўланларини-ю кўшиқларини тинглаб вояга етган Муҳаммад.

Мақолаларнинг муаллифлари, ёш бўлишларига қарамай, опанинг шоир укаси тўғрисида сўзлаб берганларини таъсирчан ифода эта олганлар. Г. Турғунованинг “Меҳр қолур, муҳаббат қолур”<sup>39</sup> мақоласидан битта-иккита мисол келтирайлик: “Хонага киришим биланоқ эгим жунжикиб кетди. Сабаби, эшим тўғрисидаги деворда шоирнинг сурати осиглик, худди суратдан “Хуш келибсизлар” дегандек бўларди. Ногаҳон онамнинг кўзларидаги ёшни кўрдим”; “Гулчеҳра ая кўярда-кўймай, дастурхон ёзиб, стол устини турли ноз-неъматлар билан тўлдирдилар. Уларга боқиб шоир шеърларидаги Ўзбекмомо ёдимга тушади”; “Гулчеҳра ая сўзларини тамомлар эканлар, ногаҳон кўзим стол четидаги паймонаси тўлган шамга тушди. Унинг вақти соати етди. Аммо дунёни зулмат қоплаганда ўз

<sup>39</sup>“Лирик лаҳзалар -1(6)”. Наманган, 2015, 51-6.

нурлари билан оламни ёритди. Демак, самарали умр кечирди. Шоир ҳам ана шундай қисқа умр кўрди, аммо мана шу 47 йил давомида ўзидан ўчмас из қолдиришга улгурди." Кўриб турганимиздек, ёш тадқиқотчи кўрганларини шоир ижоди билан қиёслаш қобилиятига эга, айниқса шоир умрини шамга ўхшатиш эътиборли.

Г. Турғунованинг мақоласидаги "Лолақизғалдоқ" шеърини ёзилиш тарихига оид маълумот алоҳида эътиборга лойиқ, балки мунозарали бўлса ҳам. Гулчеҳра аянинг хотираларига асосланиб, М. Юсуфнинг машҳур шеъри опасига бағишланган, деб кўрсатилади бунда. Мана опанинг сўзлари: "Укам Муҳаммадни кўриш учун касалхонага бордим. Докторлар эса мени ичкарига қўйишмади. Деразадан ошиб, олдимга қочиб келган Муҳаммад "Бир шеър ёздим, ҳали сиёҳи ҳам қуримади. Фақат йиғламайсиз, сизга ўқиб бераман,"- деб қолди "Лолақизғалдоқ" шеърини эшитганимдан сўнг ўзимни тутиб туролмадим, йиғлаб юбордим. Укам: "Сизга атаб шеър ёзиб, хурсанд қиламан деб, хафа қилиб қўйдимми? Ҳозирдан шундай йиғласангиз, босиб чиқарилгандан сўнг ҳар кўрганда йиғлар экансиз-да," – деди. Мени ўйлаган укам бу шеърни Шавкат Раҳмон хотирасига бағишлашга мажбур бўлди".

Гулмира Турғунованинг яна ёзишича, шоир опасига, ўша ёқларга бораман, қирларда қўй боқаман, худди Бобурдек Пешқўрғон сойларини оёқяланг кечаман, дер экан.

Айни пайтда айтиб ўтиш лозимки, мазкур мақолаларни чоғиштирганда бир-бирига зид фактлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Чунончи, муаллифлар Муҳаммаднинг илк шеъри "Волга" ҳақида гапиришар экан, биттаси (Соҳиба) учинчи синфда ёзган деб таъкидласа, Гулмира 4-5 синф дейди. Гулмира: "Муҳаммад худди мана шу шеъри учун "Артек" халқаро болалар дам олиш масканига йўлланма олган", - деса, Соҳиба, еттинчи синфда шеърини конкурсга қатнашиб (қайси шеър биланлиги кўрсатилмаган), йўлланма билан тақдирланган, деб ёзади. Иккинчиси ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Биздаги бошқа маълумотларга қараганда Муҳаммаджон

Юсупов 8-синфдалигида “Ватан мадҳи” конкурсида “Ўзбекистон” номли шеъри билан қатнашиб, ғолиб бўлади ва ўша Артек оромгоҳига йўлланмани қўлга киритади.<sup>40</sup>

Иккинчи гуруҳ мақолаларга НамДУ педагогика факультети талабаси Дилафрўз Абдуғаффорова ва Наманган шаҳар 1-мактабининг ўқувчилари Фотима ва Заҳро Саидумароваларнинг мақолаларини киритдик: “Муҳаммад Юсуфни ёд айлаб”, “Муҳаммад Юсуф воспеваёт родину-махаллю с любовью”, “Муҳаммад Юсуф – мой любимый поэт”. Ушбу мақолалар муаллифлари, гарчанд, маълум даражада мавжуд адабиётларга суюнган бўлсалар-да, айти пайтда шоир ижодига ўзларининг муносабатларини ҳам мустақил равишда ва ишонарли қилиб ифодалай олганлар. Айниқса Д. Абдуғаффорованинг мактабда умуман шеър ёд олмайдиган, ёдлай олмайдиган ўқувчилар Муҳаммад Юсуфдан учта-тўртталаб ёдлаганликлари ҳақидаги ҳикояси қизиқарли.<sup>41</sup> Учинчи гуруҳга шартли равишда С. Халилова ва Н. Ганиеваларнинг мақолалари киради. НамМПИ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Сайида Халилованинг шоир рафиқаси Назира-ас-Салом билан учрашув таассуроти асносида ёзилган “Юраклар тўридан жой олган шоир” номли мақоласи<sup>42</sup> Муҳаммад Юсуфнинг замонавий шеърятдаги ўрнига баҳо беришга интилиш билан ажралиб туради: “Муҳаммад Юсуфнинг бошқа шоирлардан фарқи нима? Бу саволни ўзимга такрор-такрор берман ва жавоб топгандайман. Шоир шеърлари аввало халқ тилида ёзилган, уларда ҳақиқат мужассам. Кези келса, у ўзини ҳам қийи, танқид қилади. Аммо китобхон билади – бу мардлик белгиси. “Шоирлар одаммас, севолмайдилар”, “Уялмай шоирман дейишимга боқ” каби мисралар сўзимнинг исботи...”.

Сайида шоир поэзиясидаги она, қизлар мавзуси талқинлари ҳақида фикр билдиради, “Лолақизғалдоқ”нинг ўқувчига таъсир кучини ишонарли ифодалаб беради. Худди мана шу жиҳати

<sup>40</sup> Қаранг: Умид Али. Шоирнинг ilk мухаббат. Назира ас-Салом билан суҳбат // Бекажон, 23.10.2008; Махсуд Али. Муҳаммад Юсуф бир қупи... // Олтин қалам, 2007, №№ 13,14.

<sup>41</sup> Альманах “Лирик лаҳзалар -1(6)”. Наманган, 2015, 69-б.

<sup>42</sup> Ўша манба, 57-б.

билан унинг мақоласи 2-3 гуруҳларга киритилган мақолаларга ҳам яқин туради.

Чуст шаҳар 7-ДИМИ 9-синф ўқувчиси Ноила Ғаниеванинг "Меҳр қолур, муҳаббат қолур"<sup>43</sup> номли мақоласи бошқаларга нисбатан нафақат ихчамлиги билан, балки публицистик, айна пайтда, лирик оҳанги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Лирик лаҳзалар" танловида қатнашган назиралар ва мақолалар чин поэзия ёшларни ҳеч қачон бефарқ қолдирмаслигидан далолат бериб турибди. Бадиий сўз қудратидан таъсирланган ёшлар ўзларининг ҳис-туйғуларини эркин ифода этишга интиляптилар. Ўйлаймизки, танловга тайёрланиш ва бевосита унда иштирок этиш жараёнида ўсиб келаётган қаламкашлар "Муҳаммад Юсуф" аталмиш чашмадан баҳраманд бўлиб, муайян даражада эстетик, маънавий бойидилар, ўз қобилиятларини намойиш этиш имконига эга бўлдилар. Худди шундай фикрни юбилей кунлари матбуотда эълон қилинган (бизнинг танловда қатнашмаган) бошқа бир қатор мақолалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Хусусан, НамДУ филология факультети талабаси Ҳуснора Турсунованинг "Юрак қирғоғидан тошган ҳислар" мақоласини<sup>44</sup> мисол қилиб кўрсатса бўлади. Мақоланинг "лирик қаҳрамони" (агар шундай таъбир мақолага нисбатан жоиз бўлса) ҳар баҳор оташ қалб шоирга мактуб битиб, уни "вақт қанотига боғлаб" жўнатади. Унинг халқчил услубда битилган ва устоз шоирга бўлган эҳтиром, эътироф ва муҳаббат ҳисларига тўлиб тошган номаси кўйидагича бошланади: *"Уйқудаги қизга дарддош бўлган дилдор шоирга, ёрининг қошига капалақдек қўнмоқчи бўлган ошиққа, Ватан мадҳини турли оҳангга солиб тараннум этган муғаннийга ижодингиз гулидан бол сўраётган бир қизингиздан ҳурмат қуёшининг тафтини олган алангали салом..."*

<sup>43</sup> Уша манба, 7-б.

<sup>44</sup> "Наманган садоси", 25.04.14.

Хусноранинг "лирик қаҳрамон"и учун шоир тирик, бинобарин, ўзига бевосита муурожаат қиляпти.

## § 2. ТАРЖИМАЛАРДА

Мазкур параграф бошида, ўқувчиларимизга малол келмасин, яна Наманган давлат университетидаги " Заветная лира – Муқаддас лира" ёшлар адабий клуби (ҳозирги "Лирик лаҳзалар")ни тилга олишга тўғри келади. Гап шундаки, **Муҳаммад Юсуфдан таржима ишларини жонлантиришга ҳам, маълум даражада, шу клуб сабабчи бўлди.** Унинг ташаббуси билан шоир ижодига бағишлаб ўтказиб келинаётган анъанавий танловлардан бирининг (2013 йил), шартларига кўра, иштирокчилар ўзларининг ижод намуналаридан ташқари, М.Юсуф шеърларидан ҳам декламация қилишлари зарур эди. Бундан биз атоқли шоир ижодини янада чуқурроқ идрок этиш билан бир пайтда ёшларда бадиий ўқиш маҳоратини ҳам ошириш мақсадини кўзлаган эдик.

Танловда ўзбекча, русча, инглизча шеърлар янгради. Эътиборлиси шунда эдики, бир қатор устозлар шогирдлари учун атайлаб Муҳаммад Юсуф шеърларидан рус ва инглиз тилларига таржима қилиб беришди. Бу деган сўз, шоир асарларини бошқа тилларга ўгиришдек муҳим, масъулиятли ҳам савобли ишга оз бўлса-да қўл уриш, ҳисса қўшишдир. Муҳаммад Юсуфдан таржималар деярли йўқлигини ҳисобга олсак, бу бошлаган ишимиздан фахрлансак арзийди.

Танловда иштирок этган таржималардан баъзилари "Наманганская правда" газетасининг махсус саҳифасида (2013, 27 апрель), чунончи, "Ёшлик" номли шеърнинг русча ва инглизча (таржимон – А. Иплина) ва "Кристина" ҳамда "Иқроп" номли шеърларнинг Р. Казакбаева томонидан амалга оширилган русча таржималари эълон қилинди.

Тажрибали филолог-ўқитувчи, яқинда чоп этилган "Грозные каникулы" ("Даҳшатли таътил") номли икки жилдли педагогик

қисса муаллифи Роза Казакбаева таржималари мукамаллиги, айтиш мумкин, эркинликка интилиши билан ўқувчи эътиборини тортади. Жумладан, "Кристина"нинг русчаси ҳар томонлама аслиятга жуда мос бўлса, жаҳон адабиётидаги азалий муаммо – "Шоир ва шеърят" мавзусига бағишланган "Иқроор" ("Признание")да анчагина эркинлик кўзга ташланади. Таржимон, аслиятнинг асосий ғоясига путур етказмаган ҳолда, асар мавзуини давом этдирганини ва ҳатто Муҳаммад Юсуф билан дадил баҳслашишганини кўрамай.

Аслиятдан фарқли ўлароқ, "Иқроор"нинг таржимаси "Признание" икки қисмдан иборат. Муҳаммад Юсуфнинг шеъри унинг биринчи қисмида тугайди, десак ҳам бўлади; аслиятдагидек, лирик қаҳрамоннинг қатъий қарори: Энди шеър ёзмайман! Тунда ёзсам ҳам, "тонгда ўтга ташлайман!" ("Я всё сожгу!") - хитоби билан якунланади. Иккинчи қисм "Послестишие" ("Шеърдан сўнг") деб аталиб, аввалги инкоридан пушаймон бўлган лирик қаҳрамон шаккоклиқ учун Ҳаётдан кечирим ва, айтиш мумкин, ўзидан мадад тилайди. Тандир алангасида жизғанак бўлиб инграётган шеърларига, худди фарзандларига ачингандек, қайғуради ва бундан буён ўз истеъдодига хиёнат қилмасликка сўз беради.

Айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуфнинг чўғдек ловуллаган, изтиробли сатрлари таржимонни ҳам бу ҳақда ўз фикри билан дадил ўртоқлашишга ундаган. Буни таржимадаги ҳаммуаллифликнинг ёрқин мисоли деса бўлади. Буюк рус таржимони В. Жуковский бежиз айтмаган: "Насрда таржимон – қул, шеърятда эса – рақиб," – деб.

Р.Казакбаева Муҳаммад Юсуфдан таржималарни давом эттирди ва шу кунгача яна йигирмага яқин шеърлар русчага ўғирилди, улардан бир қисми эълон қилинди.<sup>45</sup> Таржималар сирасида Муҳаммад Юсуф лирикасининг юксак намуналаридан бири – "Лолақизғалдоқ" ҳам бор. Бу асарнинг оригинали ўзбек

<sup>45</sup> "Наманганская правда", 2014, 11 январь; "Ферганская правда", 2014, 5 июня; "Звезда Востока", 2014, № 2; 2015, № 2). Таржималар билан мазкур китоб нивосида танишинг.



шеърляти мухлисларининг севимли асарига айланиб кетгани каби, таржимаси ҳам русийзабон ихлосмандларнинг эътиборига тушиб улгурди, чунки таржимон ҳаёт “лаззатларини” тўйиб симирган шоирнинг ўта лирик оҳангда ифода этилган ички кечинмаларини, ташвишларини, қалб тафтини аслиятга мос равишда, таъсирчан қилиб ифодалай олган. Демак, мутаржим ҳам, ўз навбатида, лирик қаҳрамон ҳиссиётини жуда яхши туйган, деса бўлади.

Тўғри, таржимон баъзи ўринларда (масалан, қофия тизимини қайта тиклаш, мажозий тимсолларни ўгиришда) аслиятдан чекинади, сўзма-сўзликдан қочади. Шеърлят, шу жумладан, таржима шеър ҳам, қафасда яшолмайди-да. Шундай бўлса-да, аждод ва авлодларга нибатан, чунончи, суюкли ёри ва фарзандларга бўлган меҳр, айна пайтда, қалб изтиробини тўла сатрлар, шеърга ижтимоий оҳанг касб этаётган шоирнинг лафзи русчада ўз мантиқий эквивалентини топган. Бу ўринда, менимча, “Лолақизғалдоқ”нинг учинчи – бешинчи бандлари, айниқса, эътиборга лойиқ.

Учинчи бандда ва яна тўртинчи банд бошида учиб кетаётган қушларни айвонга чиқиб кузатолмаганидан афсусланаётган хаста шоирнинг қалб изтиробини тасвирланади. Шу ўринда айтиш лозимки, кузак пайти кўкда учиб кетаётган қушлар – бу истиора. Мазкур образ Муҳаммад Юсуфнинг бошқа шеърларида ҳам кўзга ташланади, “Турналар” шеърини эса ҳатто лирик кечинмаларнинг асосий предмети сифатида олинган: *“Иссиқ-иссиқ юртлар излаб, ўтаётир турналар”*; *“Ҳолидан бўлмаё оғоҳ. // Қилдик гуноҳ, қилдик гуноҳ, // Қалбию қаноти музлаб, // Кетаётир турналар”*. Бу шеър ниҳоясида турналар образининг юзидан мажозий пардани шоир ўзи кўтариб, деган-ку: *Қуш эмас, хуллас калом, // Бири бобом, бири момом. // Жонлари жаннатни кўзлаб. // Кетаётир турналар”*. Айтиш мумкинки, “Лолақизғалдоқ”да ҳам лирик қаҳрамон аждодлар олдида қарздорлик ҳиссидан ўртанади. Бундайин мунгли мисраларни қайта тиклаш учун таржимон рус тили хазинасидан ярашиқли

дурларни топа олган. Бунга, қуйидаги сатрларни қиёслаб, ишонч ҳосил қилиш мумкин:

<i>Уйда ётибман-у</i>	<i>Хоть прикован к ложу,</i>
<i>Сезиб турибман,</i>	<i>Вижу сердцем я:</i>
<i>Кўда кетаётир</i>	<i>Птицы возвращаются</i>
<i>Қушлар қайтишиб.</i>	<i>В милые края.</i>
<i>Хайрлар ёғдириб</i>	<i>Немощному барду</i>
<i>Қанотларидан,</i>	<i>Их крылатый взмах.</i>
<i>Хаста шоирига</i>	<i>Тихий крик прощанья</i>
<i>Видо айтишиб.</i>	<i>Замер на губах.</i>
<i>Бор, менинг учун ҳам</i>	<i>Зовы откликаются</i>
<i>Уларга қўл қоқ -</i>	<i>Свежей синевой,</i>
<i>Лола, лолажоним,</i>	<i>Тюльпанчик мой любимый,</i>
<i>Лолақизғалдоқ.</i>	<i>Алый мак степной..</i>

<i>Уларни мен яна</i>	<i>Я, к весне истаяв,</i>
<i>Кўраманми-а,</i>	<i>Не увижу стаи,</i>
<i>Айвондан одамдек</i>	<i>Мне не выйти на айван,</i>
<i>Кузатолмадим...</i>	<i>Проводить их караван...</i>

Этибор берсак, бу таржимада сўзма-сўзлик деярли йўқ. Шунга қарамай, мангулик йўлидагиларни кузатаётган, ўзи ҳам ўша томон юзланиб турган лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ўқувчи қалбини бир дам титратадиган мана бу сатрларда яққол ифодасини топган: "Тихий крик прощанья //Замер на губах,// Зовы откликаются// Свежей синевой. "

Муҳаммад Юсуфнинг бир қараганда оддий, жўн ёзилган мисраларида беназир ташбеҳлар ялт этиб кўзга ташланади. Бинобарин, унинг асари таржимаси тўғрисида фикр юритганда ҳам, табиий равишда, ана шу поэтик иборалар аслида қандай туғилганлиги-ю уларни ўзга тилга воситасида қандай ифодаланалаётганига этибор берсан, киши. Ташбеҳлар орасида халқ тили хазинасидан олингани ҳам бор, айти пайтда, муҳаммадюсуфча яратилганлари дарров кўзга ташланади.

Мана, масалан, "Лолақизғалдоқ"да учраган халқ хазинасибон ибора: "Ёмон кунлар бир кун // Яхши бўлар-у // Ёмон одам яхши // Бўлмас ҳеч қачон". Ушбу параллелизм таржимада ҳам аслиятга монанд, халқ мақоллари шаклида берилган: "Все невзгоды в одночасье // Схлынут, как вода – // Нечистивцу лучше // Не стать никогда." Яна бир гўзал иборани кўрамиз: "Энди осмон йироқ, // Энди ер юмшоқ"; таржимаси: "Теперь небо далеко, // Лишь в земле покой." Ута ноқулай, ўнғайсиз ҳолатдан қандай чиқишини, бошини қаёққа ўришини билмай, мураса қилишга мажбур бўлган киши тилида учрайдиган бу матал шоир лафзида шаклию маъноси билан ўзгариб, янги маъно касб этган: бу ерда руҳан эзилган, жони қийналган лирик қаҳрамон олдинда уни юмшоқ ер кутаётганлигини ҳис этаётганлиги ифодаланган. Менимча, бу фикр таржимада яна ҳам яққолроқ кўринади: "Лишь в земле покой."

Яна иккита мисол:

1) "Аёл қалбинг билан// Сув кеч, олов кеч"; русчаси: "Ты сильным женским сердцем//Пройдёшь огонь и воду". Таржимада гўё ортиқча кўринаётган "сильным" эпитетини олиб ташлагудек бўлсак, Мухаммад Юсуфдаги асл маъно ("аёл қалби") йўқолган бўлар эди. Демак, таржимон аслият замирида яшириниб ётган маънони ("Аёл қалби" – кучли, чидамли, матонатли, дегани) англаган ва уни матнга қўшимча сифатловчи сўз киритиш билан ифодалаган.

2) "Ажабланма агар//Эрта тонгда//Сени ўпиб, ўшни// қучоқлаб ўлсам!.." Асар сўнгида мазкур шеър Шавкат Раҳмонга бағишланганлигини яна бир бор эслатиб турувчи ушбу сатрлар таржимада қўйидагича берилган: "Я завтра отдам тебе поцелуй, // И землю-мать обниму. // Не удивляйся, если ресниц // Больше не подниму." Бизнингча, шеърда "ўш" фақатгина шаҳар номи эмас, айни пайтда бу – ватан, момо ер. Бинобарин, "ўшни қучоқлаб" иборасини таржимада "землю-мать обниму" деб ифодаланиши тўғри.

Лекин "Лолақизғалдоқ"нинг таржимаси камчиликлардан холи деб ҳам бўлмайди, албатта. Чунончи, шеърнинг охириги

бандида ўқиймиз: *"Жон сўнги бошпана// Топаркан онгда// У юрак остида// Дердим мен бўлсам"*. Бу сўзларда санъаткорона содда битилган таъсирчан лирик асар ниҳоясида келиб чиқиши табиий бўлган фалсафий фикрлардан бирини уқиб турибмиз. Аммо, афсус, таржимада ушбу поэтик образнинг тафти маълум қадар сўнган: *"Ищет покая тело больное, // Но это смертный покой. // Сердце ударит последний раз, // И жизнь улетит стрелой."* Бу жумлалар эътиборни, диққатни тортмайди.

Яна бир мисол: "Лолоқизалдоқ"нинг охириги икки бандида лирик қаҳрамон бирданига Шавкат Раҳмон тили билан гапира бошлайди (Юқорида лирик қаҳрамон образи Муҳаммад Юсуф шахсига эквивалент эди) ва шоирга инсон сифатида таъриф беради: *"Кўкси тиниқ бола, // Ҳалол бола у"*. Русчада эса ўқиймиз: *"Душой чистой наделён, // Как поэт он непревзойдён."* Нима дейиш мумкин бу ўринда? Бундай фикр "Лолоқизалдоқ" матнида йўқлигини таъкидлабгина қолмай, (аслиятда поэтик маҳорат тўғрисида гап йўқ) бу хилдаги мақтанчоқлик табиатан камтарин бўлган Муҳаммад Юсуфга хос бўлмаганлигини эслашимизга тўғри келади. Бинобарин, биз юқорида мисол тариқасида келтирган "ижобий" эркинликлардан фарқли ўлароқ, охириги шоир образига маълум даражада путур етказган. Шундай бўлса-да, қўшимча қилмоқчимизки, "Как поэт он непревзойдён" сатри – бу Муҳаммад Юсуф шеъриятига ошифта кўнгилли таржимон ҳурматининг ифодаси бўлса керак.

Умуман олганда эса, бизнинг кўзимизга ташланган бу жузъий камчиликлар Р. Казакбева таржималаридан ҳосил бўлган илиқ тасаввурга соя ташламайди. Бу таржималар, шубҳасиз, таҳсинга лойиқ; уларни, ҳеч иккиланмай, аслият қадрини сақлаган таржималар, деб баҳолаш мумкин.

### § 3. ТАСВИРИЙ САНЪАТДА

Ҳассос шоир тимсоли бошқа санъат вакиллари ҳам бефарқ қолдирмайди. Дадил айтиш мумкинки, биз билган ва билмаган талантлар Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига талайгина

асарлар бағишламоқдалар. Чунончи, “Наманган садоси” газетасида эълон қилинган (09.05.13) Ҳамида Эргашеванинг “Шоирни хотирлаб” номли мақоласида косонсойлик Ёқубхон Турсунхонов томонидан ишланган Муҳаммад Юсуф портрети шоир ўқиган мактаб музейига тортиқ қилинганлиги ҳақида маълумот бор. Худди шу газетда чоп этилган бошқа бир мақолада<sup>46</sup> Наманган шаҳридаги 7-мактабда фаолият кўрсатувчи “Сеҳрли мўйқалам” тўғараги қатнашчилари Муҳаммад Юсуфга бағишланган тадбир давомида, бевосита томошабинлар рўпарисида шоир асарлари асосида расмлар (иллюстрация) чизишгани ҳақида ҳикоя қилинади. Мана ўша мақоладан парча:

“Мактаб зали меҳмонлар, ўқитувчилар, ўқувчилар билан тўла. Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган тадбир ўтпти. Шеърлар, шоир ҳаёти ва ижодига боғлиқ воқеалар, хотиралар, сахна кўринишлари, шоир шеърлари билан айтилган кўшиқлар ижроси, гўзал рақс... Томошабинлар рўпарасига ўрнатилган 5 та столда эса ўқувчилар рангли бўёқ ва қаламлар билан тадбир бошида ўзлари танлаган Муҳаммад Юсуф шеърлари асосида расм чизишпти.

Ниҳоят, тадбир тугади. Навбат “Сеҳрли мўйқалам” тўғараги аъзоларининг тақдимотига келди.

Бир ўқувчи “Лолақизғалдоқ” шеъри асосида расм чизибди. Қип-қизил лолақизғалдоқлар шу қадар чиройли тасвирланганки, худди тирик дейсиз.

Иккинчи ўқувчи “Онамга хат” шеъри асосида чизган расмда онага хат ёзиб ўтирган ўғил тасвирини ўхшатишга ҳаракат қилган.

“Тошкент” шеъри асосида учинчи ўқувчи чизган сурат эса пойтахтимиз манзарасини кўз олдингизда яққол гавдалантиради”.

Ташаббускор педагог М. Отабоев раҳбарлигидаги “Сеҳрли мўйқалам” тўғараги фаолиятига бағишланган мақоладан

<sup>46</sup> Ҳузай Раимжон қизи. Мўйқалам мўжизаси. //Наманган садоси, 2013, 16 август.

олинган ушбу парча Муҳаммад Юсуф шеърини бошқа санъат ишқибозларининг ҳам диққат-эътиборида эканлигидан дарак бериб турибди.

Аввалроқ айтиб ўтганимиздек, НамДУ қошидаги “Лирик лаҳзалар” ёш ижодкорлар клуби ташаббуси билан шоирнинг 60 йиллигига атаб ўтказилган очиқ танловда ҳам вилоятимизнинг бир қатор мактаб, лицей ва коллежларидан ёш талантлар севимли шоирларига бағишланган рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика асарлари билан қатнашишди. Синчков жюри улардан учтасини тақдирлашга сазовор деб топди: Наманган шаҳар санъат коллежи 2-босқич талабаси Малика Мирзаханованинг “Улуғимсан, Ватаним” (Муҳаммад Юсуф портрети), Чортоқ педагогика коллежи ўқувчиси Ҳайитмирза Ёқубжонов тақдим этган “Муҳаммад Юсуф” ва “Шоир” деб номланган бюстлар ва НамДУ қошидаги 2-Академик лицей ўқувчиси Марям Дадамирзаеванинг “Муҳаммад Юсуфни соғиндик бизлар” номли картинаси.<sup>47</sup> Биринчи ўринни эгаллаган асар тўғрисида айтиш жоизки, бу тасвирий санъатимизда шоир Муҳаммад Юсуф ҳақидаги кўп учрайдиган сюжет: куз манзараси, азим дарахт ёнида шоир боши маъюс эгилган ҳолатда тасвирланади. Ушбу тасвир шоирга бағишланиб матбуотда эълон қилинган материалларнинг кўпини беъади (замонавий ахборот технологияси имкониятлари чексиз); уларда сезилиб-сезилмаган фарқлар ҳам кўзга ташланади. М. Мирзаханованинг Муҳаммад Юсуфи, бошқаларникидан ўйчанроқ кўринади. Лекин, Маликанинг ушбу “сайёр” сюжетдаги ўзига хослиги бу билан эмас, балки асарнинг номи билан намоён: “Улуғимсан, Ватаним”. Демак, айтиш мумкинки, ёш рассом шоирни эмас, унинг Ватан, халқ тақдири, тарихи тўғрисида чуқур ўйга толган лирик қаҳрамони суратини чизган.

Ҳайкалтарошлик намуналари тўғрисида: уларнинг муаллифи санъатнинг ушбу ўзига хос мураккабликка эга бўлган турида ишланган икки асарида севимли шоир тимсолини икки

<sup>47</sup> “Лирик лаҳзалар -1(6)”. Наманган, 2015. 117-б.

кўринишда, агар шундай таъбир жоиз бўлса, тасвирлаб беришга уринган; чунончи “Муҳаммад Юсуф”да – улуғвор салобат етакчи фикр бўлса, “Шоир”да – лирик ҳолат, шоирона кайфият устунлиги кўзга ташланади.

“Муҳаммад Юсуфни соғиндик бизлар” ўзининг енгил лирик оҳанги билан томошабин эътиборини тортади. Картинада баҳор палласи табиат қўйнида, ариқ бўйидаги кўкаламзор нафосатини туйиб, орзу-хаёлга берилиб ўтирган қизлар тасвирланган. Балки, рангтасвир техникаси нуқтаи назаридан ушбу асар мукамал эмасдир, аммо ёшлик кайфиятини тасвирлашдаги самимият эътирофга лойиқ.

Таниқли рассом Наманган давлат университети доценти Алижон Турдалиев Муҳаммад Юсуф мавзусида жиддий ва изчил ишлаётган ижодкорлардан. Юқорида тилга олинган “Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд ориятли муҳаббат” номли эссега мусаввир ишлаган шоир портретини киритган эдим. Бу муаллифнинг ушбу мавзудаги биринчи асари эди. Китобхонлар эътиборига тушган эсседан республикамизнинг баъзи нашрларида парчалар кўчириб босилди. Эътиборлиси шундаки, ўша парчалар таркибида Алижон Турдалиев ишлаган портрет икки бор учрайди: “Водий гавҳари” (04/25-2013) журналида ва М.Юсуф юбилейи муносабати билан чоп этилган “Меҳр қолур, муҳаббат қолур” (Тошкент, “Мумтоз соз”, 2014) китобида. Лекин, афсуски, ҳар икковисида ҳам негадир рассом номи кўрсатилмаган; “Меҳр қолур, муҳаббат қолур”да ҳатто манба номи ҳам кўрсатилмаган. Булардан ташқари, А. Турдалиев ишлаган суратни биз “Олтин даврим” газетасида ҳам учратдик: бунда ҳам, албатта, манбага ишора йўқ. Бу ҳолат журналистика, ноширлик аъваларига зид иш. Шундай бўлса-да, портретни бошқа нашрларга кўчириб босилиши биз учун (А. Турдалиевга мазкур портретни яратган рассом, менга эса ўша суратни биринчи бор ўз китобим орқали эълон қилган муаллиф сифатида) қувонарли ҳол.



*Муҳаммад Юсуф.*

*Наманганлик мусаввир Алижон Турдалиев ишлаган портрет.*

А. Турдалиев Муҳаммад Юсуф мавзусида туркум асар яратиш ниятида бўлиб, бу борада кейинги йилларда изчиллик билан иш олиб борди ва шоирнинг 60 йиллик юбилейи нишонланаётган кезларда рассом ўз режасини ниҳоясига етказди. Бу асарлар санъатшунослар эътиборини тортди:

“Муҳаммад Юсуф сиймосини расмда – рангтасвирда чизиш, унинг сувратида сийратини ҳам тасвирлай олиш рассомдан катта билим ва маҳорат билан бирга туғма истеъдод ҳам талаб этади. Зотан, оддийликда юксак, соддаликда суюқ, салоҳати-ю, фаолияти халқчиллик билан йўғрилган шоирнинг сийратини



тасвирлаш ҳамма рассомнинг ҳам қўлидан келавермайди”, - деб бошлайди ўзининг “Сийратнинг суврати” номли мақоласини (“Наманган ҳақиқати”, 26.04.14) санъатшунослик фанлари номзоди Алижон Азизов. Мақолада мусаввирнинг “Уйга чўмган шоир”, (2007) “Қизғалдоқлар диёри”, “2013”, “Табиат фарзанди”, “Ўсмирлик” (2014) ва бошқа асарлари таҳлил қилинаркан, шоирнинг она юртга, табиатга меҳри, унга интилиши, инсон ҳаёти табиат билан уйғунлашганда маъно ўзгачалиги таъкидланади; “Шоирнинг олами” номли график асарига эса Муҳаммад Юсуфнинг ички туғёнга қоришиқ дардан сиймоси тасвирланган. “Сувратлар рассомнинг ранглардаги куйи. Уни кўз билан кўриб, қалб билан ҳис этиш ҳар бир кишининг ўз сўзи, ўз баҳосини айтишига имкон беради, — деган фикр билан тугалланади А. Азизовнинг мақоласи.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуфнинг Буюк ўзи тасвирий санъат ҳаваскорларига-ю усталарига илҳом жағишлаётгани наманганлик рассомлар ижодий фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз тасавуридаги Муҳаммад Юсуфини, унинг ижоди билан боғлиқ туйғуларини ўз санъатларида баҳоли қудрат намоёиш қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Буюк Сўз ҳамма вақт ҳам бошқаларга маёқ бўлиб келган.

## ХУЛОСАЛАР

Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганиш, унинг курсдошлари ҳамда наманганлик адиблар хотиралари, Наманган қалам аҳли шоирга бағишлаган асарлар билан танишиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Муҳаммад Юсуф мисолида истеъдод ҳодисаси Яратгандан эканлигига яна бир марта амин бўламиз. Чунончи, ушбу тадқиқотимизда маълум даражада бизни қизиқтирган Муҳаммад Юсуфнинг ишқий лирикаси кўп ҳолларда илоҳийликка молик эканлиги кўриниб туради. Айни пайтда, оилавий тарбия, ижтимоий муҳит, ҳаёт сўқмоқларида учраб турадиган майиший ўнқир-чўнқирлар, ишқий бурилмалар ўша истеъдодни рўёбга чиқишига сабаб бўлишини эътироф этишга асос бор.

2. Биз топиб умумлаштирган хотиралардан бўлажа шоирнинг қуйидаги етакчи хислатлари кўринади: хушфёъл, очик кўнгил, шўх, ҳазилкаш, гапга чечан, айни пайтда мулоҳазали, доноларча фикр юритадиган, ўта ориятли, яхши дўст. Унинг баъзи доно гапларини ҳануз эслаб юришади.

3. Муҳаммад Юсуфнинг болалигидан намоён бўла бошлаган бошқалар ҳақида қайғуриш одати унга табиатан хос бўлган хислат эканлигини кўрдик. Беғубор қалбли, барчага эзгулик тилагувчи, барчанинг дардини олишга интилган киши ўзининг ҳаёти, кўпинча, осон кечмайди. Барчанинг ғамини қилиш – бу жамият ташвишида куюниш, жамият қайғуси эса – бу инсоният тақдири ҳақида бош қотиришдир. Бўлган тарихда шундай донишмандлар, алломалар, арбоблар. Гап бу ерда моддиётдагина эмас. Улар руҳан эзилади. Елкасида зарбоб бўлса-да, эл ғамида қадди букилганларни билади тарих. Бу – буюклик қисмати бўлса керак ёхуд халқ дардидаги буюклик.

5. Хотиралардан Муҳаммаджон, айни пайтда, балки биринчи навбатдадир, мусиқага ҳам ишқи бўлганлигини англаймиз. Бўлажак шоир ёшлик чоғларидаёқ икки санъат – адабиёт ва мусиқа эгизлигини яхши тушунган, бадий сўз мусиқийлигига етарли эътибор берган. Кейинчалик унинг шеърлари

композиторлар ва қўшиқчилар орасида тасодифан шундай катта эътиборга сазовор бўлгани йўқ.

6. Юсупов Муҳаммаджон ёшлигида, Наманганда яшаган пайтда ҳам анча-мунча шеърлар ёзиб турарди, ўртоқларига мувашшаҳлар бағишларди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг ўн етти ёшдаги шеърий машқлари билан орадан 4-5 йил ўтгандаги асарларини қиёслаганда, жуда катта тафовут кўзга ташланади. Бу шоирнинг “маҳорат мактаби” қисқа вақт ичида содир бўлганлигидан дарак. Бир маромда; сокин йўлда, поғонами-поғона кечадиган эволюция натижасида бундай асарлар вужудга келиши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Бунинг учун йигитча қалбини ларзага, тўғёнга келтирган, уни ҳақиқий “шоир” қилиб қўядиган ҳодиса рўй бериши керак эди. Эркин орзулар, нозик ва қайноқ муҳаббат туйғулари бундай ҳиссиётларга ёт бўлган совуқ қояга урилиб, чил-парчин бўлиши керак эди...

7. Муҳаммад Юсуфнинг кўплаб ишқий шеърларида ёшлик товининг тафти баралла сезилиб туради, “ширин азоб” билан ҳузурланиб юриш бир умрга лирик қаҳрамон характеридан айириб бўлмайдиган хислатга айланиб кетганлигини кўрамай.

Шоирнинг фалсафийликка даҳлдор ишқий лирикасида муҳаббат ҳодисаси инсон учун ўзини англаш воситаси деб таърифланади. Бинобарин, ҳақиқий ишқий лирика ўқувчи учун юксак Ҳақиқатни англаш йўлидаги кўприк.

8. Муҳаммад Юсуфнинг адабий меросида турмуш ўртоғига, қизларига меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган шеърлар талайгина. Уларни ўқиган китобхонда гўзал инсоний туйғулар пайдо бўлади; энг муҳими – лирик қаҳрамоннинг қалбини яна ҳам чуқурроқ идрок эта бошлаймиз.

9. Муҳаммад Юсуф лирикасида меҳриёҳлик, муҳаббат мавзулари кўпинча бошқа муҳим ахлоқий масалалар билан қўшилиб кетади ва бу нарса унинг шеъриятига алоҳида ижтимоий долзарблик касб этиб турганлигини кўрамай.

10. Муҳаммад Юсуф назмида меҳр ва муҳаббат мавзуси нафақат салмоғи билан, балки маънавий бетакрорлиги ва

жозибали бадий кўрки билан ҳам ўқувчини ўзига маҳлиё этади. Чунончи, шоир муҳаббат таърифида қўллаган кўплаб бетакрор мажозлар, ташбеҳлар миллий поэтикамизни бебаҳо гавҳарлар билан бойитди, дейишга тўла асос бор. Бундай гавҳарлар миллионлар қалбидан аллақачон жой олди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, бу бадийлик ниҳоятда самимийлиги, соддалиги билан гўзал. "Ёмон кунлар бир кун яхши бўлар-у, ёмон одам яхши бўлмас ҳеч қачон", "Кимга қаср етмас, кимга мол-дунё, менга эса ҲАВО етмайди холос"; "Тириклар мудроқда, ўликлар уйғоқ"; "Энди осмон йироқ, энди ер юшоқ"; "Жисм ўз улфати - жондан тонмоқда. Бечора жон энди қаерга борсин."; "Жон сўнгги бошпана топаркан онгда, у юрак остида дердим мен бўлсам" каби нодир ҳикматлар, Муҳаммад Юсуф ҳикматлари, халқ ижтимоий тафаккурини бойитишига, унга нафосат бағишлашига шубҳа йўқ.

Муҳаммад Юсуф халқ мақолларини шундай қайта ишлайдики, бунинг натижасида маъно ўзгариши она тупроқ бағридан топилган олмос моҳир устанинг мўъжизакор қўлида бриллиантга айлангандек гап.

11. Муҳаммад Юсуфнинг Наманган билан ришталари талабалик йил саҳифаси, қариндош-уруғчилик алоқалари билангина чегараланмади. Етуклик даврида у бир қатор наманганлик адиблар билан ижодий, дўстона муносабатларда бўлганини кўрдик, ижодий ҳамкорлик, ғоявий муштараклик мисоллари кўзга ташланди. Буни **Наманган илҳомлари деса бўлади.**

12. Муҳаммад Юсуфнинг ижоди адибларимиз, айниқса, ўрта ва ёш авлод ижодкорларга катта таъсир кўрсатган ва бу ҳодиса давомли. Биз буни Муҳаммад Юсуфга бағишланган шеър ва мақолаларда яққол кўрдик. Шоир ижоди кўплаб қалам соҳибларига андоза бўлди, уни устоз билиб, эргашишади. Айниқса, адл, диёнат ва бошқа ахлоқий мавзуларда Муҳаммад Юсуф изидан бориш сезиларли.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуфга бағишланаётган шеърлар-у мақолалар, бу шунчаки

ихлосманднинг шоирга бўлган муҳаббат ихори эмас, бу - соддалиги билан юксак бўлган поэзияни англашга интилиш ифодаси; шоир очган чашманинг ҳаётбахш сувидан қониб ичиш ва бундан бошқаларни-да баҳраманд этишга уринишдир; бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак **бу – Муҳаммад Юсуфнинг Наманган адабий муҳитига таъсири**. Муҳаммад Юсуф адабий мероси кўплаб ижодкорлар учун (нафақат адабиётда, шеъриятда) мисоли маёқ хизмат қилмоқда.

Ёшларимиз ижодиётида, у хоҳ назм бўлсин, хоҳ мақола, устоз фалсафасини, тафаккурини англашга интилиш билан бирга, эшитганларига, бевосита шоир шеъриятдан уққанларига суяниб, ўз тасаввурларидаги Муҳаммад Юсуф тимсолини чизишга интилиш бор.

Муҳаммад Юсуф ҳаваскор шоирлар учун албатта ўтиш лозим бўлган катта мактаб. Ёшлар устод асарларини ўқиб-эганишади, унинг мавзуларини давом эттириб шеър машқ илади, услубидан фойдаланиб қалам чархлайди. Пайти келиб, устоз санъатидан ҳайратларини, эътирофларини шеър билан ифодалай бошлашади. Бунини биз тақлидчиликка йўймаслигимиз керак, бу шеър санъатини эгаллаш йўлидаги муҳим одим.

13. Шоирнинг ҳаёти ва шеърияти билан қизиққан ва бу ҳақда ёзаётган қаламқашлар (айниқса ёшлар) ушбу беназир ижод билан танишиш баробарига халқ тафаккуридаги меҳригиёҳни туйиб, бундан маънавий озиқланиб, муҳим ҳақиқатни англаб бораётганликлари кўриниб туради.

14. Муҳаммад Юсуфнинг Наманган адибларига нисбатан билдирган эстетик қарашлари – бу фақатгина наманганлик ижодкорларга берилган баҳо эмас, бунда адабиёт тақдири ҳақида қайғураётган шоирнинг, умуман, ўзбек миллий адабий жараёнида учраб турадиган баъзи ноҳуш ҳодисаларга муносабати сезилиб турибди. Айни пайтда, унинг фикрлари шоирнинг инсоний қиёфасига оид чизгилар ҳамдир.

15. Муҳаммад Юсуф ҳақида мақола ёзаётганларнинг кўпчилигини педагоглар ташкил этади. Уларнинг таҳлилий мақолалари, ҳатто ўқув юртларида, маҳаллаларда шоир

ижодига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар ҳақидаги хабарларидан ҳам кўзланаётган асосий мақсад ёш авлодни шоир тараннум этган юксак ғоялар руҳида тарбиялашдир.

Таъкидлаш лозимки, мақолалар ихлосманднинг шунчаки шоирга бўлган дил сўзлари эмас, бу - шоир ижодини ўрганиб-англаш. Биз учратган ҳар бир талқин – бу шоир очган чашманинг ҳаётбахш сувидан қониб ичишга интилиш ва бундан бошқаларни-да баҳраманд этишга ҳаракат.

Мақолаларда Муҳаммад Юсуф шеърятини профессионал даражада таҳлил қилишга ҳаракат сезилади: чунончи, шоир ижодининг халқчиллиги, бадиятининг ўзига хослиги, XX аср адабий жараёнида тутган ўрни ҳақида асосли ва аниқ фикрлар мавжуд: Жумладан, у салафлардан фарқли ўлароқ, китобхон билан оддий халқ тилида сўйлаша олиш талантига эга бўлганлиги, шу боис миллионлар қалбидан бошқаларга нисбатан чуқурроқ ўрин олишга муваффақ бўлганлиги, давр талабини замондошларига нисбатан теран ҳис этгани ҳақида ишончли хулосалар қилишади.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтиш зарур, мақолаларда Муҳаммад Юсуф матнларига баъзан, афсуски, эҳтиётсизлик билан қўл уришлар кўзга ташланади.

16. Изланишларимиз давомида биз амин бўлдик-ки, халқимизда, хусусан, наманганлик шеърят мухлислари орасида Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига қизиқиш турли шаклларда намоён бўлмоқда: кимдир шоир унга бағишлаган шеърни тумор каби сақлаб келмоқда, кимдир шоирнинг қалб кўридан пайдо бўлган мисраларни халқ мақолларидай такрор ва такрор қироат қилса, кимдир ўқув юртларида тадбир уюштиради, шоирни тарғиб қилади, кимдир ҳар йили автобус ёллаб ёшларни шоир туғилган гўшага зиёратга олиб боради, кимдир шоирга бағишланган шеърларни ва хотираларни тўплайди ва, ниҳоят, бизда Муҳаммад Юсуфни чет тилларига таржима қилиш ҳам бошланди. **Таржималарнинг бошланиши – бу умидли ҳодиса, бу ҳассос шоиримиз**

**ижодини жаҳон миқёсига олиб чиқишнинг ишончли йўлларида биттаси.**

17. Ва ниҳоят, охириги хулоса: Мазкур китобда, аслида, Наманган адиблари ижодиётининг Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ қирралари ўз аксини топди; биз уларни таҳлил қилиб, баҳоли қудрат баҳо бердик. Айтиш мумкинки, биз таҳлил қилган ижод намуналари – бу буюк шоир мавзуларини баҳоли қудрат давом эттиришга уриниш, шоир билан ўзига хос мунозара, мушоира.

Ҳамюртларимиз шеърлари – бу севимли шоирини йўқотган халқ қайғусини ифодаловчи кўповозли марсия. Бундаги ўкинч ва соғинч туйғулари фонида Ватанга муҳаббат, Ор, Диёнат, Оқибат каби юксак ахлоқий мавзуларда жозибали мисраларни ўқиётган бетакрор Муҳаммад Юсуф образи гавдаланган.

Муҳаммад Юсуфга бағишланган шеърларнинг эътиборли, ғизикарли жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, улар кўп қолларда шингил тадқиқотга ўхшаб кетади, мумтоз адабиётшуносликнинг ноёб намуналарини эслатади; уларни назарий-лирик миниатюра, деса ҳам бўлади. Бунда ажойиб ташбеҳлар ёрдамида ифодаланган шоир ижодига нисбатан баҳолар учрайди.

1986 йил 10 август

Қодиржон Носировнинг «Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари» китобидаги баҳо баҳоли қудрат баҳо бердик. Айтиш мумкинки, биз таҳлил қилган ижод намуналари – бу буюк шоир мавзуларини баҳоли қудрат давом эттиришга уриниш, шоир билан ўзига хос мунозара, мушоира.

## БИБЛИОГРАФИЯ

### I. АЛОҲИДА НАШРЛАР

1. Каримов, И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов, И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов, И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
4. Адабиёт. Урта умумтаълим мактаблари учун дарслик-мажмуа. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014.
5. Алимбеков, А. Латиф шеърият. Муҳаммад Юсуф ижодий портретига чизгилар. – Тошкент: Адиб, 2014.
6. Лирик лаҳзалар-1(6). Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60-йиллигига бағишлаб ўтказилган очиқ танлов ғолиблари асарларидан тузилган Альманах. Наманган, 2015.
7. Мирвалиев, С. Ўзбек адиблари. – Тошкент: Фан, 1993.
8. Муҳаммад Юсуф ижодининг бадиий такомилли. Илмий анжуман материаллари. – Андижон: 2014.
9. Меҳр қолур, муҳаббат қолур. Муҳаммад Юсуф ҳақида мақола, ёдномалар, суҳбат ва шеърлар. Тузувчи – Б. Андижоний. – Тошкент: MUMTOZ SOʻZ, 2014.
10. Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида. – Тошкент: Адиб, 2014.
11. Муҳаммад Юсуф сабоқлари. Шоир сиймосига чизгилар. Тузувчи – Шукур Қурбон. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2012.
12. Носиров, Қ. Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат. “Наманган” нашриёти, 2012.
13. Содиқова, Т. Қуёшларим, ойларим. – Тошкент: DAVR PRESS, 2011.
14. Шоир қиссаси. Муаллиф-тўловчи – С.Ҳошимова. – “Наманган” нашриёти, 2012.



15. Шоир ҳақида ҳаётий ҳақиқатлар. Ёдномалар, хотиралар. Тузувчилар: У. Жабборов, Н. Ҳошимов. - "Фарғона" нашриёти, 2014.

16. Ҳозирги ўзбек шеърияти ва замонавий ўқитиш методикаси. Мақолалар тўплами. Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган. Масъул муҳаррир – доцент М. Собирова. – Наманган: 2014.

## II. МАҚОЛАЛАР, СУҲБАТЛАР

1. Абдуллаева, Н. Назира ас-Салом: "Ҳасратларинг меникига айланди, ёр, сен кетиб...". // Суҳбатдош, 2003, 12 февраль.

2. Абдуғаффорова, Д. Муҳаммад Юсуфни ёд айлаб. / "Лирик лаҳзалар-1(6)", Альманах, - Наманган, 2015.

3. Азизов, А. Сийратнинг суврати. // «Наманган ҳақиқати», 26.04.14.

4. Аҳмадалиев, А. Орият ҳақида кўшиқ. // «Mahorat maktabi», 26.04.13.

5. Бувамирзаева, Г. Ёрилмаган юрак юракми. // «Наманган ҳақиқати» // 27.04.14.

6. Бувамирзаева, Г. Эл эъзози. // «Наманган ҳақиқати», 22.01.14.

7. Вали, М. Сўз барҳаёт, сўз мангу яшар. // «Ertakchi-REPETITOR», 16-30.04.11.

8. Дадабоев, А. Кўлэмалар ёнмайди. // «Ertakchi-REPETITOR», 2014, 1-15 май.

9. Дехқонов, Н. Муҳаммад Юсуфнинг опаси. // "Мураббий", 1998, №25.

10. Дехқонов, Н. Муҳаммад Юсуфнинг опаси. // "Халқ иродаси", 19.04.2004.

11. Дехқонов, Н. Ҳам адабий, ҳам журналистик тадқиқот. // «Наманган ҳақиқати», 07.07.12.

12. Йўлдошева, О. Муҳаммад Юсуф Наманганда. // "Наманган садоси". 27.07.12.

13. Кимсанбоев, М. Стихи поэта в переводе на русский язык. // "Ферганская правда", 05.08.14.
14. Мажнунова, Р. Шеърятга ошиқ фермер. // «Наманган ҳақиқати», 15.07. 11.
15. Мамажанова, Г. Муҳаммад Юсуф ижодида она мавзуси. // «Наманган садоси», 07.03.14.
16. Мамажонова, Г. Ўзимизнинг Муҳаммад Юсуф. // «Наманган садоси», 14.02.14.
17. Мамажонова, Г. (Гўзал Раимжон қизи). Мўйқалам мўжизаси. //»Наманган садоси», 16. 08. 2013.
18. Мамараимова, К. Ватан ишқидан яралган шеърят. // «Наманган садоси», 18.04.14.
19. Маъсуд, А. Муҳаммад Юсуф бир куни...// "Олтин қалам", 2007, №№13-17.
20. Мирзаева, М. Меҳр қолур, муҳаббат қолур. // «Наманган садоси», 28.03.14.
21. Мирзолимов, Р. Менинг борар жойим ўшал Намангон. // «Наманган ҳақиқати», 27.04.13.
22. Мирзахалов, Б. Жизнь поэта оборвалась на взлёте. // "Наманганская правда", 19.04.14.
23. Мирзахалов, Б. Подобно яркой звезде // "Наманганская правда", 2014, №17.
24. Мирзахалов, Б. Шеърларидан илҳомланиб. // «Наманган садоси», 18.04.14.
25. Нишонов, Ш. Шеър – орзуларимнинг чўққиси эмас. Муҳаммад Юсуф билан суҳбат. // "Маърифат", 29.02.2000.
26. Орипов, А. Бетакрор шоир. Сўзбоши. / Улуғимсан, Ватаним. – Тошкент, Шарк, 2004.
27. Пўлатова, С. Муҳаммад Юсуф. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.
28. Решетников, И. Живо поэтическое слово в наш век интернета! // "Наманганская правда", 2013, №17.
29. Собиров, М. Бодомзордаги суҳбатлар. // "Олтин даврим", 15.04.14.

30. Саидумарова, Ф. Муҳаммад Юсуф воспеваёт родину-маҳаллю с любовью. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.
31. Саидумарова, З. Муҳаммад Юсуф – мой любимый поэт. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.
32. Саййид, С. Ортада қолган из. // "Олтин қалам", 2006, № 8-9.
33. Саййид, С. Бу дунёда ўчмас чироғим. // «Наманган садоси», 24.01.14.
34. Саксонбаева Ҳ.Д. Жизнь и творчество Муҳаммада Юсуфа. // "Наманганская правда", 2014, №17.
35. Саломов, Ш. Асрлардан сўйлар дўмбира. // ЎзАС, 14.11.14.
36. Сатторов, И. Она табиат куйчиси. // "Шифокор ва ҳаёт". 20.03.14.
37. Турғунова, Г. Мехр қолур, муҳаббат қолур. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.
38. Сулаймонов, М., Ғойиббоева Э. Шарқ аелининг васфи. // «Наманган ҳақиқати», 26.04.14.
39. Турсунова, Ҳ. Юрак қирғоғидан тошган ҳислар. // «Наманган садоси», 25.04.14.
40. Умид, А. Шоирнинг илк муҳаббати. Назира ас-Салом билан суҳбат. // "Бекажон", 23.10.08.
41. Уматов, Р. Укагинамни бошқа кўрганим йўк. // «Наманган ҳақиқати», 26.09.2001.
42. Холмирзаев, О. Бизнинг Муҳаммад Юсуф. // «Mahorat maktabi», 07.08.12.
43. Ҳусайнов, А. Эркнинг эрка элчиси. // «Ertakchi-REPETITOR», 1-15.04.14.
44. Эргашева, Ҳ. Шоирни хотирлаб. // «Наманган садоси», 09.05.13.
45. Юсуф, Муҳаммад. Шоирлар ғалати одам бўлади. // "Олтин қалам". Нишона сони.
46. Ўз муҳбиримиз, Булбулини унутмас чаман. // "Давр", 16.05.2008.

47. Фаниева, Н., Мирзаҳакимова М. Муҳаммад Юсуфнинг янги шеъри. // «Ertakchi-REPETITOR», 2007, №7.

48. Фаниева, Н. Мехр қолур, муҳаббат қолур. / Лирик лаҳзалар-1, 2015.

49. Ҳакимова, Л. Халқ бўл, элим. // «Наманган ҳақиқати», 12.03.14.

50. Халилова, С. Юраклар тўридан жой олган шоир. / Лирик лаҳзалар-1(6), 2015.

51. Худайбердиева, Ҳ. Бир арслони ўтди ўзбекнинг. // "Олтин қалам", Нишона сони.

52. Шарафиддинов, О. Сўз боши. / Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент, 2005.

### III. БАДИИЙ АСАРЛАР

1. Аббосова, М. Армонбозор юрагим. // «Наманган ҳақиқати», 27.04.13.

2. Аббос, Н. Қизғонмагин кўкингдан. // "И.М."<sup>48</sup>

3. Абдулҳаева, М. Ўткан кунлар – ўтган кундир. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган: 2015.

4. Абдусаматов, М. Биз бахтли бўламиз. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.

5. Аҳмаджонов, Ё. Студентлик бетакрор фасл. / Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат. / - "Наманган" нашриёти, 2012.

6. Аҳмаджонов, Ё. Ёшлиқда шўх бўлган болалар. / Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат. - "Наманган" нашриёти, 2012.

7. Аҳмаджонов, У. Оқибат. / Зебосан. – Наманган, 1992.

8. Беназир. Назира. // «Наманган ҳақиқати», 26.04.14.

9. Вали, М. Дард гули. "И.М."

10. Дармон, Ё. Дили кийикваш сиймо. // "И.М."

11. Аҳмаджонов, Ё. Ифтихор. // «Наманган ҳақиқати», 26.04.14.

<sup>48</sup>Иброҳим Маҳмамов бизга ҳақиқат қилган шеърларини "И.М." деб белгиладик.

12. Камолов, А. Шеърят осмонидаги юлдузим. // "И.М."
13. Мамасидиқова, Н. Оху йиғлар. // "И.М."
14. Мансур, З. Ёшлар мадҳияси. // «Mahorat maktabi», 2014, 17-18 сон.
15. Мирзо, Б. Ёлгон эмас... // "И.М."
16. Мирзо, Б. Отадан аввал ўлган болалар. / Маккоранинг қисмати. - "Наманган" нашриёти, 2010.
17. Мирзаолимов, Р. Соғинчлар туғени қийнайди. // «Наманган ҳақиқати», 27-04.13.
18. Мирзаолимов, Р. Ёдимга тушади // «Наманган ҳақиқати», 27-04.13.
19. Мамараимова К. Шоир кетди, қирларда... // «Наманган садоси», 18.04.14.
20. Муҳаммад, Н. Само бағридаги юлдуз. // "И.М."
21. Носиров О. Жаноза. // «Наманган садоси», 14.12.95.
22. Орипов, А. Илк севги. / А.Орипов. Онажон. – Тошкент: Фафур Ғулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
23. Орифжонова, Ш. Дилларда шоир ёди. // Бегойим, 08.05.14.
24. Раҳимжонова, З. Туркман қиз. / Лирик лаҳзалар-1(6), - Наманган: 20015.
25. Тўрабоев, Т. Марҳамат. Муҳаммад Юсуф хотирасига. // «Ertakchi-REPETITOR», 1-5. 05.14.
26. Тўраев, Т. Муҳаммад жим ухлайди. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.
27. Тўраев, Т. Муҳаббат. / Лирик лаҳзалар-1(6). – Наманган, 2015.
28. Эрманбетова, Ш. Довуччадан қолган хисларим. Шеърлар. "И.М."
29. Юсуф, Муҳаммад. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2005.
30. Юсуф, Муҳаммад. Тюльпанчик мой любимый, алый мак степной. Перевод Р. Казакбаевой. // Наманганская правда, 11.01. 2014; Звезда Востока, 2014, №2.
31. Юсуф, Муҳаммад. Признание. Перевод Р.Казакбаевой. // Наманганская правда, 27.04.13; Звезда Востока, 2014, №2.

32. Юсуф, Муҳаммад. Кристина. Перевод Р. Казакбаевой. // Наманганская правда, 27.04.13.
33. Юсуф, Муҳаммад. Узбекистан. Перевод Р. Казакбаевой. // Ферганская правда, 05. 06. 14.
34. Юсуф, Муҳаммад. Молодость. Перевод А. Иплиной. // Наманганская правда, 27.04.13.
35. Юсуф, Муҳаммад. Youth. Перевод на английский язык А. Иплиной. // Наманганская правда, 27.04.13.
36. Юсуф, Муҳаммад. Наманган. // «Ertakchi-REPETITOR», 16-31. 05. 2007; Қ.Носиров. Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат.// "Наманган" нашриёти, 2012.
37. Ўлмасова, З. Муҳаммад Юсуф ўлмаган. // "И.М."
38. Ҳотамова, Р. Дийдор қиёматдадир. // "И.М."

#### **IV. Мавзу бўйича муаллиф томонидан эълон қилинган ишлар.**

1. "Майли-да, кимгадир ёқса, ёқмаса". // «Наманган ҳақиқати», 30.07.08.
2. Муҳаммад Юсуфнинг номаълум шеъри. // "Болалар дунёси", 16-31.08.08.
3. Муҳаммад Юсуфнинг болалик дафтари. // "Таълим ва тафаккур", 2009, №3.
4. Шоирнинг бир ҳазил гапи. // "Камолот", 2009, №№ 7-8.
5. Қадрдонлар. // "Ҳайрат", 26.02. 09.
6. Турналарнинг икки таржимаси. // "Жаҳон адабиёти", 2011, №9.
7. Турналарнинг турли талқини. // ЎзАС, 16.03. 2012.
8. Адабиёт адабга ўргатаверади. // ЎзАС, 02.11.12.
9. Обновление древней традиции. / "Алишер Навоий ижодини ўрганишда мактабларнинг ўрни" мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари. – Самарканд, 2012.
10. Муҳаммад Юсуф Наманганда ёхуд ориятли муҳаббат. – "Наманган" нашриёти, 2012.

11. Перелёт "Журавлей" через века. // "Наманганская правда", 2012, №7.

12. Наши переводы. / Тил ва таржима муаммолари, 7-китоб. – Наманган. 2013.

13. "Булбулларни йиғлаб уйғотган укам". // Vodiy Gavhari, 04/25-2013.

14. "Наманган"ми ё "Намангон"? / Филология масалалари. Илмий тўғлам. – Наманган, 2013.

15. Қизғалдоқ. // «Наманган ҳақиқати», 09.04.14.

16. Муҳаммад Юсуф – Муҳаббат куйчиси. // "Акс садо", 1-15.14.

17. Муҳаббат куйчиси. // «Наманган садоси», 11.04.14.

18. Муҳаммад Юсуф в наманганских переводах. // "Наманганская правда", 2014, №15;

19. Муҳаммад Юсуф в наманганских переводах. // ЦентрАзия <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1397332800>

20. Аслияти сақланган таржималар. //ЎзАС, 14.03.14.;

21. Аслияти сақланган таржималар. / "Меҳр қолур, муҳаббат қолур". – Тошкент: MUMTOZ SOʻZ, 2014.

22. Алмазы и бриллианты оригинала и их перевод. / Материалы Республиканской конференции "Маданиятлар ва илмий-техник алоқаларда таржиманинг ўрни ҳамда роли". – Наманган, 2014.

23. "Муқаддас лира"да аслият қадрини туширмаган таржималар.// «Mahorat maktabi», 11.04.14.

24. "Лирик лаҳзалар" ороми. // «Ertakchi-REPETITOR», 1-15.05.14.

25. "Лирик лаҳзалар" – Муҳаммад Юсуфга. / "Лирик лаҳзалар-1(6)". – Наманган, 2015.

26. Муҳаммад Юсуфга ёшлар назираси. // "Камолот", 29.09.2014.

27. Шинавандалиқ санъати. // 1) "Қишлоқ оқшомлари", 24.09.20015; 2) "Ibrat", 24.09.2015.

28. Барҳаёт шеърят. // 1) «Mahorat maktabi», 21.08.2015; 2) Акс садо, 1-30.10.2015.

## МУҲАММАД ЮСУФ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

**Ёқубжон АҲМАДЖОНОВ**

ИФТИХОР

Қадим замондан шоир ё ботир  
Дунёга танитар ўз маконини.  
Овулда туғилган Расул Ҳамзатов  
Маълум, машҳур қилди Доғистонини.

Ардоқ бағишлади бошқа бир шоир  
Қишлоғин лола-ю ялпизларига,  
Қирда оҳу каби ўйноқлаб, чопиб  
Юрган Марҳаматнинг ҳур қизларига.

Муҳаммад Юсуфни ўйлаган пайтда,  
Кўксимни тоғ қилар фахру ифтихор –  
Навоий бош бўлган улуғ бир сафда  
Менинг марҳаматлик шоир укам бор...  
(“Наманган ҳақиқати”, 26.04.14)

**Боқий МИРЗО**

ЁЛҒОН ЭМАС...

*У қон йиғлаб турар ҳар сафар...  
Муҳаммад Юсуф.*

Самарқандни ўйлаганда уйқум қочар,  
Бошим узра фаришталар йиғлаб учар,  
Нечун ахир, бир оҳ менга бағрин очар,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..



Чирқирайди боболарнинг арвоҳлари,  
Шоҳизинда, Гўри Амир ҳамроҳлари,  
Харобаси шоҳларимнинг гуноҳлари,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..

Биз қандайин авлод, ахир, ўйлолмасак,  
Боболари қурганини асролмасак,  
Ҳеч бўлмаса, тўти бўлиб сайролмасак,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..

Бибихоним ноласига қарамаймиз,  
Омошадан бошқасига ярамаймиз,  
На нечун авлодларни саралаймиз,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..

Темур бобо, фотиҳ бобо, улкан бобо,  
Суяклари, қабри талон бўлган бобо,  
Хазинаси ёв тинчини бузган бобо,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..

Сирлашолдик бизлар нечта юлдуз билан?  
Ишимиз йўқ ҳатто кеча-кундуз билан,  
Ҳеч ким жавоб беролмагач бир сўз билан,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..

Регистону Шоҳизинда гўмбазлари,  
Харобаси – шоҳларимнинг аразлари,  
Дилни ўртар Муҳаммаднинг фаразлари,  
Улуғбекнинг йиғлагани ёлғон эмас!..  
1989 й. "И.М."

## Ёқуб ДАРМОН

### ДИЛИ КИЙИКВАШ СИЙМО

Чиранчиқ бу дунё қурбати ҳамон  
 Чиндан-да бахтиёр этмоққа етмас  
 Бирон бир ҳақиқий шоирни... Ёлғон,  
 Муҳаммад Юсуф ҳам масрур кетганмас...

Шоир, гулдастага фарқ бўлдинг минг бор,  
 Лутфу мадад кўрдинг юрт сарбонидан,  
 Гарчанд илҳомингга кўксинг келди тор,  
 Гарчанд жой ололдинг Чўлпон ёнидан, -

Армон оғриғисиз яшадингми ҳеч,  
 Менга ҳавас қилинг, дея олдингми?  
 Энг жўмард сатрингни мисоли қилич,  
 Мавҳумот бўйнига тўлғаб солдингми?

Кўпинча сен дили кийикваш сиймо,  
 Холий тоғ-тошларга қараб талпиндинг.  
 Зотан тирғиларди ғоратгар бало,  
 Кўзлаб гавҳарларин ноёб қалбингнинг.

Сезардинг, не хатар отгуси қармоқ,  
 Кулфат-ку ҳаммабоп бўлиб қолмоқ ҳам.  
 (Тўй узра қуёшни илмакча бор гоҳ,  
 Бир унут қабрга ёқиб келмоқ шаъм).

Энг қийин иш эди қалбни асрамоқ,  
 Асрамоқ шарт эди чашми зилолни.  
 Асрамоқ шарт эди виждонингни оқ,  
 Фарибга шафқатни – олий аъмолни.

Ана сен... Мухлисга тўла сарой,  
Хоҳласанг, минг елка-тахтиравонинг,  
Маъюссан... киришга ақча тополмай  
Турган бир ўсмирга ачишиб жонинг:

Шундай бўлмаса гар кўнгил-гулшанга  
Бир тола зарпечак илашар ногоҳ.  
Бепарво бўлсанг бас, битта ўшанга  
Ҳадемай минг бири бошлайди ясоқ...

Оқибат қаламдан қочар фаришта,  
Пўстак кўнгил билан битилгай шеърлар.  
Сен буни билардинг, билиб ҳамиша  
Бир қўрғон излардинг дилга, бехатар.

Нажот қалъасини излардинг сен ҳам,  
Бундай қалъа борму дилга очунда?!  
Лекин асралмоғи даркорлар маҳкам,  
Гўзал эди сенда, кўп эди чиндан.

Асрасам дер эдинг ўзбек дўпписин  
Бошни баланд тутиб киймоқ гаштини.  
Асрасам дер эдинг адолат ҳиссин,  
Ўзликка тоқатни, дарвеш ишқини.

Асрасам дер эдинг бир сўз, бир гаплик  
Боболардан мерос кенг феъл-тийнатни.  
Бирликка фидолик, ёвларга алплик,  
Маҳаллийчиликка қарши нафратни.

Барчасин асрадинг, бунга дадил, бас,  
Ёниб ёзганларинг то сўнги чарчоқ:  
Нақадар халқона, нақадар атлас,  
Нақадар дардқаш-у нақадар яшноқ...

Андижон фарзанди, Ургутга кув,  
Тошкентда юксалган эй буюк содда,  
Сенинг қазойинг ҳам маънога бой-ов,  
Бориб жон топширдинг Эллиққалъада...

25.08.2001. "И.М"

## Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ

### ЎДИМГА ТУШДИ

Норинни кезганда баҳорда,  
Сув тўлиб оққанда анҳорда,  
Сайраса жўр қушлар наҳорда,  
Ўдимга тушади Муҳаммад Юсуф.

Соҳилда очилса қизғалдоқ,  
Боғларга сочилса оқ бодрок,  
Яшилга бурканса қорли тоғ,  
Ўдимга тушади Муҳаммад Юсуф.

Боладек бош қўйсам онамга,  
Ўлфатлар тўлсаю хонамга,  
Соғинчлар руҳ бериб жоламга,  
Ўдимга тушади Муҳаммад Юсуф.

Шеърхонлик даврада бошланса,  
Байт-барак ўртага ташланса,  
Кемтиклик кўнгилни ғашласа,  
Ўдимга тушади Муҳаммад Юсуф.

("Наманган ҳақиқати", 27.04.13)

## Муҳаммад ВАЛИ

### ДАРД ГУЛИ

*Муҳаммад Юсуфни эслаб...*

Шоир халқи шеър деганга қул бўлади,  
Қулни урсанг, эрк туғилар қул дардидан.  
Сўзни ўпсанг, ҳар бир ҳарфи гул бўлади,  
Гулни урсанг, шеър туғилар гул дардидан.

Дард дегани дoston эмас, осмон эмас,  
Осмонларда юлдуз тутмоқ осон эмас,  
Осон йўлнинг қамчиси бор, қамчиси бор,  
Бу қамчилар похол эмас, сомон эмас.

Сомон десам, чин сомонни хаёл қилманг,  
Бу сомонлар ўпқон бўлар, жар бўлади.  
"Жар"лик "илм"ин, биродарлар, саёз билманг,  
Бу "илм" лар сопқон бўлар, зар бўлади.

Қул бўлурму, гул бўлурму Муҳаммадлар?!  
Айтишади: униси ҳам, буниси ҳам...  
Кўп эрурми, о, бахтиёр муҳаббатлар,  
Айтишади: бу дунёда шуниси кам.

Шикастаҳол шеър насими елаверар...  
Хабар олиб қалбнинг пинҳон ерларидан,

Райҳон ҳиди, олма ҳиди келаверар,  
Кўзга суртсам, одошимнинг шеърларидан.  
"И.М."

## Темур ТҮРАБОЕВ

Маъноларнинг мужассами мактабдир,  
Мойилликнинг мойиллиги – мохият.  
Матонатнинг матонати матлабдир,  
Машғулоти машхурликка марҳамат.

Машхурлик-ку машаққатдан машаққат,  
Машаққатни менсимаган Машрабдир.  
Машрабона мажнунсифат Муҳаммад,  
Муҳаммаднинг муаллими мактабдир.

Муҳаммади меҳрлиди муқаррар,  
Мусаффодан мусаффорок манглайи.  
Маконига муҳаббати мунаввар,  
Марҳаматдан марҳаматроқ матлаби.

Момақаймоқ – Марҳаматнинг муждаси,  
Мунаққашнинг мунаққаши – маҳорат.  
Мойчечаклар – Муҳаммаднинг музаси,  
Моҳирона мажмуаси – муҳаббат.

Майсадан-ку масрурлиги мастона,  
Муҳаммаднинг муқаррами Муҳаммад.  
Мардларни-ку майдонидир мардона,  
Марҳаматнинг марҳамати Муҳаммад.  
"Ertakchi-repetitor", 1-15 май 2014.

## Носир АББОС

## ҚИЗҒОНМАГИН КЎКИНГДАН

Ҳаёт жаннат тутган қора чимматми,  
 Тирикликдек ўлим ҳам бир неъматми,  
 Дунё, нархинг сўзимдан ҳам қимматми,  
 Айланайин, минг кемтигу бутингдан,  
 Кўкламойим, қизғонмагин кўкингдан.

Қани қиров босган қалбга қаловим,  
 Қизғалдоғи дил исинган оловим,  
 Жайрон ўтган, оқ тулпорли яйловим,  
 Ялпизингга ини эди тутинган,  
 Кўкламойим, қизғонмагин кўкингдан.

Ишқ ипидан эшиб тиккан дорини,  
 Қалқон этди юртга меҳр торини,  
 Излаб кетмиш кўнглидаги ёрини,  
 Бунда кўйиб кўйнидаги борини,  
 "Кўз бўлгин", деб биздан такрор ўтинган,  
 Кўкламойим, қизғонмагин кўкингдан.

Соғинч қуши қайта учиб келгайдир,  
 Тафтинг қўмсаб, меҳринг қучиб келгайдир,  
 "Ҳавзи кавсар" бўйларида хушлашиб,  
 Ҳурлар билан гулоб ичиб келгайдир.  
 Таъминг туйиб, кўзин юмиб ютинган,  
 Кўкламойим, қизғонмагин кўкингдан.

Муҳаббатнинг чин далли девонаси,  
 Эл кўнглининг нолавор таронаси.  
 Кўкка учган асл тупроқ боласи,  
 Айтмасин-да келса, "нечук куй тинган?",  
 Кўкламойим, қизғонмагин кўкингдан.  
 "И.М."

**Шоҳсанам ЭРМАНБЕТОВА**

**СОЙ БҮЙИДА ЙИҒЛАЙДИ ЯЛПИЗ**

Яна баҳор қайтди шошмасдан,  
Яна баттар йиғлайди осмон.  
Қалдирғочлар қиқирлаши кам,  
Нега хомуш тортмоқда замон?!

Нурлар ёғмиш – ҳарорати йўқ,  
Йўқ булбуллар куйин маъноси.  
Ҳидларини кимга сочаркин  
Гулгун райҳон – гуллар раъноси.

Йиғлаб қаро бўлди кўзларим,  
Ўксиб-ўксиб йиғлар муҳаббат.  
Шундоққина эгиз бу сўзлар,  
Муҳаббатга ўхшар Муҳаммад.

Яна баҳор қайтди шошмасдан,  
Кўёш нурин яна тиглайди.  
Билдирмайин тонглар отмасдан,  
Сув бўйида ялпиз йиғлайди.  
"И.М."



МУҲАММАД ЮСУФ МОНОЛОГИ

Ўтириб қоламан сиқилсам,  
Сиқилиб қоламан ўтирсам.  
Ичимда лиммо-лим дард билан,  
Йиқилиб қоламан сиқилсам.

Куйларда дардимни кўряпман,  
Йўқликда сабримни кўряпман.  
Тоғларга кетсам-ку – зўр чора,  
Ерларда сабримни бияпман.

Оёғим ерда, бош осмонда,  
Кўнглингиз бир бебош ёмонда,  
Абадий бўларди севгимиз,  
Ҳамма айб гумонда, гумонда.

Бахт билан қабрга кетяпман,  
Шаҳд билан қабрга кетяпман,  
Бўйсунмас кўнглини кўндириб,  
Аҳд билан қабрга кетяпман,

Ва ҳатто қабрга етмасдан,  
Йиқилиб қоламан сиқилсам...

(Ушбу шеър қўлёзмаси менда сақланаяпти - Қ. Н.)

**Абдурахмон КАМОЛОВ**

**ШЕЪРИЯТ ОСМОНИДА ЁНГАН ЮЛДУЗИМ**

Армонларга тўлиб юрак алам йиғлар,  
Кеча-кундуз қоғоз бирла қалам йиғлар.  
Қабрингизга кузатиб қизғалдоғини,  
Ҳажрингизда маъюс тортган далам йиғлар.

Ўзбегим ўғлони, Муҳаммад Юсуф,  
Шеърият чўлпони, Муҳаммад Юсуф.

Кўкламойим илинар кўкидан узиб,  
Бинафшалар соғинар кўзини сузиб,  
Ялпизу райҳонлардан сизни сўроқлаб,  
Меҳрибон капалаклар юрибди кезиб.

Ўзбегим ўғлони, Муҳаммад Юсуф,  
Шеърият чўлпони, Муҳаммад Юсуф

Бобур руҳи боғингиздан , оҳ, ўтдимми?  
Рух тўтиси танангизни тарк этдимми?  
“Туғилмаган қўшиқларим сиздан узр” деб,  
Узр тўла қўшиқлар ҳам бирга кетдимми?

Ўзбегим ўғлони, Муҳаммад Юсуф,  
Шеърият чўлпони, Муҳаммад Юсуф

Шеърият осмонида ёнган юлдузим,  
Келолмайман ҳалиям ўзимга ўзим,  
Давраларда ўрнингиз турар билиниб,  
Энахон онамизга тилайман тўзим,

Нурга тўлсин, илоҳим, ётган ерингиз,  
Авлодларга меросдир энди шеърингиз.

Ўзбегим ўғлони, Мухаммад Юсуф,  
Шеърият чўлпони, Мухаммад Юсуф  
"И.М."

## **Нуриддин МУҲАММАД**

### **САМО БАҒРИДАГИ ЮЛДУЗ**

Юлдузлар қўп эди осмон тоқида,  
Бир юлдуз порларди маъюс, жилвакор.  
Яшнади самонинг кенг қучоғида  
Қирқ етти аёзу қирқ етти баҳор.

Само бағридаги ўшал юлдузни  
Ҳеч кимга билдирмай Яратган олди.  
Мухаммад Юсуфнинг пок муҳаббати  
Милён юракларда қуёшдай қолди.  
"И.М."

## Зулфизар ЎЛМАСОВА

### МУҲАММАД ЮСУФ ЎЛМАГАН

Райҳонда-да ширин бўй кўрмаган,  
Ўз юртидан азиз жой кўрмаган,  
Қизлари бўй етиб тўй кўрмаган,  
Муҳаммад Юсуф ўлмаган.

Унутиш осонмас асло сизни,  
Қолдириб кетдингиз доғда бизни,  
Қайдан топиб ёзардингиз сўзни?!  
Муҳаммад Юсуф ўлмаган.

Тўйиб кетдингизми дунёлардан,  
Қочиб кетдингизми ғавғолардан,  
Юрак қийналдим савдолардан,  
Муҳаммад Юсуф ўлмаган.

Шеърингиз йўқ кўнгилга кирмаган,  
Такрор ўқиб ҳеч кўнгилга тегмаган.  
Шеърингиз тирик, демек, сиз ўлмаган -  
Муҳаммад Юсуф ўлмаган.

"И.М."

**Сайёра БОЙМИРЗАЕВА**

**ҲУЗУРБАХШ ЧАШМА**

Аста-секин оқшом тортди пардасин,  
Борлиқ сукунатда, олам олар тин.  
Ҳамма уйқуда-ю фақат мен бедор,  
Менга тинчлик бермас хаёллар эркин.

Қўлимдан етаклар тарих қатига,  
Муҳаммад Юсуф, деб келар бир садо.  
Биз бахтли бўламиз, Худо хоҳласа,  
Деб азим тоғлардан келар бир нидо.

Нечун бу дунёдан эрта кетдингиз?  
Шеърларингиз эди ҳузурбахш чашма.  
Чиндан шоирмисан шоир эдингиз,  
Нега юрмадингиз юртимда яшнаб?

Бу дунёдан эрта кетдингиз, устоз,  
Наҳот торлик қилди сизга бу олам?  
Гарчи биз-ла бирга бўлмасангиз ҳам,  
Шеърингиз дилларда яшайди ҳар дам.

"И.М."

**Нилуфар МАМАСИДИҚОВА**

**ОҲУ ЙИГЛАР**

Оқиб турган умр дарёси  
Бирдан тинди, ногаҳон тинди.  
Келди ўлим ноҳуш садоси,  
Ўшал куни дил боғи ёнди.  
Муҳаммадга тор бўлди дунё,  
Шоирига зор бўлди дунё.

Оху йиғлар тоғлар бошида,  
Капалаклар учолмай қолди.  
Булут бўзлар тоғлар қошида,  
Момақалдироқ уввос солди.  
Муҳаммадга тор бўлди дунё,  
Шоирига зор бўлди дунё.

Ох, дедилар, армонда қолиб  
Кўз ёши дарё мухлислар.  
Юрт мотамда, хаёлга толиб,  
Қалдирғочлар кимнидир излар.  
Муҳаммадга тор бўлди дунё,  
Шоирига зор бўлди дунё.

"И.М."

**Рислиғой ҲОТАМОВА**

Титрамагин, қизғалдок, йиғламагин, бинафша,  
Ялпиз, бунча маъюссан, миттигина юракча.

Қара, дардкаш қидириб, йиғлаяпти муҳаббат.  
Сендан баттар мўлтираб, титраяпти муҳаббат.

Сен соғинган юракларни соғинганлар анчадир,  
Бир аламим ғижжақда, бир ҳасратим найдадир.

Билиб туриб сўрайман, энди қачон қайтадир,  
Дийдор ибодатдадир, дийдор қиёматдадир.

Гарчи дардга тўладир, ўхшамади кўзларим  
Ўхшамади изҳорим, ўхшамади сўзларим.

Такрори йўқ меҳрнинг, жилови йўқ сеҳрнинг  
Соҳибини мен ҳажр саҳросидан изладим.

Шеър ўқиб бир ёқимли кулмас Мухаммад Юсуф,  
Ялпиз ухла, бўлмаса келмас Мухаммад Юсуф.  
"И.М."

**Мавлон АБДУСАМАТОВ**

**“МАЙЛИ-ДА, КИМГАДИР ЁҚСА, ЁҚМАСА...”**

*назира*

“Майли-да, кимгадир ёқса, ёқмаса,  
Уларга кўшилиб йиғлашармидик.  
Биз бахтли бўламиз, Худо хоҳласа,  
Худо хоҳламаса, учрашармидик?”

...Айт, жоним, кўнглингда нелар туғёна,

Кўзинг кароғида нелар яширин?

Қара, гулзорларда баҳор, тантана,

Қара, яшамоқлик нақадар ширин!

Муштдек юрагингни осмонларга тут –

Ҳар юлдуз сен учун бир шодлик бўлар.

Ташвишларни унут, қайғуни унут,

Сен кулсанг – сен учун оламлар кулар.

Ўкинма, бағрингни ҳижрон тигласа –

Ҳижронсиз севгини қадрлармидик?

Биз бахтга етамиз, Худо хоҳласа,

Худо хоҳламаса, учрашармидик?

Тунларни тонгларга улаган сабринг

Бир онлик ҳижронни енгади, ишон!

Мен учун ҳар недан қадрдон қадринг

Мангу юрагимда яшар ҳар қачон!

Кел, жоним, висолнинг гулбоғларида

Атир ифоридан бирга қонамиз.

Юрак хумор бўлган бу чоғларида

Ишқнинг оташидан бахтдан ёнамиз!



Гар дилда муҳаббат ёниб турмаса,  
Ошиқлик номига ярашармидик?  
Биз бахтга етамиз, Худо хоҳласа,  
Худо хоҳламаса, учрашармидик?

(Альманах "Лирик лаҳзалар – 1(6)", Наманган, 2015.)

## Хуршида НИШОНОВА

### МУҲАММАД ЮСУФГА

Жайронман-у, жайронлигим ёлғон бўлди,  
Оғамсиз-у, висолингиз армон бўлди.  
Қароғимда ёшим аччиқ айрон бўлди,  
Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

Ялпизларнинг яноғидан ўпгим келди,  
Ялангоёқ тупроқларда чопгим келди.  
Кўклам Сизни тушларимдан топгим келди.  
Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

Оҳанг қани, қани оҳанг, дейди назми,  
Сархушгинам, йиғлоқиман ишқ базми.  
Гар соғинсам юпанч бўлиб келасизми?  
Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

Жайронман-у, жайронлигим ёлғон бўлди,  
Оғамсиз-у, висолингиз армон бўлди.  
Қароғимда ёшим аччиқ айрон бўлди,  
Жайрон бўлиб кўзларимда ёш қолмади.

(“Қамолот”, 15-30.04.08)

**Зарнигор РАҲИМЖОНОВА** АВАҲУТХУДА ЗА БИУТРАМ

ТУРКМАН ҚИЗ *назира*

Айланасиз, шарқни кезиб айланасиз, тў - «қадимий нахтў»  
Танлаб-танлаб ўзбек қизга бойланасиз. «нахтў» ёташмоқ  
Айтгандингиз, сулувларни тил уқмас деб, «нахтў» ёташмоқ  
Энди бизга сўз топишга шайланасиз. «нахтў» ёташмоқ

Айланасиз, шарқни кезиб айланасиз, тў - «қадимий нахтў»  
Барчин мисол ўзбек қизга уйланасиз. «нахтў» ёташмоқ  
Бир боқишда юракларга ўт ёқади, «нахтў» ёташмоқ  
Узун-узун сочларига гул тақади. «нахтў» ёташмоқ

Ой ҳуснидан жилва олиб тўлғанади, «нахтў» ёташмоқ  
Кечалари аллалари куйланади. «нахтў» ёташмоқ  
Айланасиз, шарқни кезиб айланасиз, «нахтў» ёташмоқ  
Ойгул мисол ўзбек қизга уйланасиз. «нахтў» ёташмоқ

Ишончингиз оқласа-да туркман қизлар, «нахтў» ёташмоқ  
Ҳар соҳада беллашувга тайёр бизлар. «нахтў» ёташмоқ  
Муҳаммаддан ранжиган эй, ўзбек қизлар, «нахтў» ёташмоқ  
Энди бизга тенглашолмас туркман қизлар. «нахтў» ёташмоқ

Айланасиз, шарқни кезиб айланасиз, «нахтў» ёташмоқ  
Лайли мисол ўзбек қизга уйланасиз. «нахтў» ёташмоқ  
Бугун кўринг ўзбегимнинг қизларини, «нахтў» ёташмоқ  
Тўлин ойдек соҳибжамол юзларини. «нахтў» ёташмоқ

(Альманах "Лирик лаҳзалар – 1(6)", Наманган, 15.)

«нахтў» ёташмоқ  
«нахтў» ёташмоқ  
«нахтў» ёташмоқ  
«нахтў» ёташмоқ

**Мафтуна АБДУЛҲАЕВА**

АВОНОЖИМНАҲАҲ ҚОҶИИҚЕ

**ЎТКАН КУНЛАР – ЎТГАН КУНДИР**

«Ўткан кунлар» - ўтган кунмас,  
 Пешонага битган кун.  
 Мени ерлар ютиб кетди,  
 Бек Тошканга кетган кун.

«Ўткан кунлар» - ўтган кунмас,  
 Пешонага битган кун.  
 Зайнаб чойни узатган кун,  
 Бек қўлидан тутган кун.

«Ўткан кунлар» - ўтмишлари  
 Жон-жонимга ўтган кун.  
 Кундошли уй – бардошли уй,  
 Заҳарларни ютган кун.

Муҳаббатим ажалимга  
 Қўш қўл билан тутган кун.  
 Ўтган кун – бу Отабекка  
 Зайнабхонни битган кун.

«Ўткан кунлар» - бегим шўрлик  
 Аросатга ботган кун.  
 Зайнаб қурғур, рашк дастидан,  
 Заҳар сувни тутган кун.

«Ўткан кунлар» - мен сотқиннинг  
 Марғилондан кетган кун.  
 Зайнаб бахтга етган кундир,  
 Мен дунёдан ўтган кун.

«Ўткан кунлар» - ўтган кундир,  
Халқ балчиққа ботган кун.  
Пешонага битган кундир,  
Чўлпонга тош отган кун.

Ўзбегингни, ўзлигингни-  
Ўзингни йўқотган кун.  
Қодирийдан кечган кундир,  
Қодирийни сотган кун.

(Альманах "Лирик лаҳзалар – 1(6)", Наманган, 2015.)

## Бобурмирза МИРЗАҲАЛОВ

### ҲАВАС

Нур сочар муҳаббат учқуни тунлар,  
Илҳом бахш этади нурафшон тонглар.  
Бахтга сармаст бўлиб фарахбахш кунлар,  
Шеърларимни ўқийман, у эса тинглар.  
Муҳаммад Юсуфнинг тилақларини,  
Мен ҳам шиор қилиб олганман бугун,  
Ёдда сақлаб, бўлган иқрорларимни  
Қалбимга ният деб солганман бугун.  
Ҳавас ила боқиб мозийимизга,  
Байтларга жо этай юртим суратин.  
Билмаганлар келсин маузейимизга,  
Дунё ҳайратлансин кўриб савлатин.

(“Наманган садоси”, 18.04.14.)

**Кенжахон МАМАРАИМОВА**

Шоир кетди, қирларда  
Кизғалдоқлар йиғлади.  
Муҳаммаднинг ўлимидан  
Бағри доғлар йиғлади.

Дала, даштда ялпизлар,  
Боғда райҳон йиғлади.  
Шоир севган бутун олам,  
Тоғда жайрон йиғлади.

Назира ас-Саломнинг  
Кўзларига дунё тор.  
Муҳаммадни суйганларнинг  
Кўз ёшлари шашқатор.

Андижоннинг эрка ўгли  
Тош шаҳардан қайти-я,  
Турсунбиби Андижоний  
Дардин кимга айти-я?  
"Қорамайиз" укасини  
Энди қайдан топади?  
Гуллари, булбулларни  
Ким энди уйғотади?

Туркман даштида бўзлаб  
Узун кўйлак киз қолди.  
Ҳофизларга қўшиқ бўлган  
Қанча-қанча сўз қолди.

«...»  
«...»  
«...»

«...»  
«...»  
«...»

«...»  
«...»

Марғилоннинг йўлларига  
Бош қўйиб Кумуш қолди.  
Фарзандлар отага зор  
Ҳайрон, лол турмуш қолди.

Кўзи тўла ёш билан  
Тоғларда Жайрон қолди.  
Муҳаммад айрилиб,  
Шаҳри Андижон қолди.

Муҳаммад орзу қилган  
Ҳаё қолди, Ор қолди.  
Эрта кетган ўғлин қўмсаб,  
Эл қолди, диёр қолди.

Алпомишга алла айтган  
Момолари соғинар.  
Ҳофизларга қўшиқ бўлган  
Наволари соғинар.

Бинафша ер остидан  
Боққанида эслаймиз.  
Унутмаймиз ёмғир-қор  
Ёққанида эслаймиз.

Тақдир ишига чора йўқ,  
Минг бора қилсак таассуф,  
Эл ҳамиша дуодадир –  
Жаннати Муҳаммад Юсуф!

(“Наманган садоси”, 18.04.14).

**Моҳларойим МАҲАМАДАЛИЕВА**

**ШОИР ХОТИРАСИГА**

Ҳамон азиздирсиз, ҳамон буюксиз,  
 Оташқалб эл учун мудом суюксиз,  
 Асл ватанпарвар, юртга куюксиз.  
 Фидойи инсонсиз, Муҳаммад Юсуф.

Шеърларингиз содда мисли боладек,  
 Жуда ҳам беғубор гўё лоладек,  
 Юракдан таралган ўтли ноладек,  
 Ҳазрати шоирсиз, Муҳаммад Юсуф.

Сиз тинчлик нидоси, эркнинг нидоси,  
 Сиз ўлимни эмас, дарднинг адоси,  
 Йигирманчи асрнинг мунгли садоси,  
 Шеърият куйчиси, Муҳаммад Юсуф.

Мана, порлаяпти хурлик қуёши,  
 Сизни хотирлашар халқ кекса-ёши,  
 Сиздан фахрланар юртим, юртдошим,  
 Дилларда мангусиз, Муҳаммад Юсуф!

(“Бегойим”, 08.05.14)

(А1.40.81, “нодаб натавбаи”)

НОМА

**Шоҳсанам АБДУЛЛАЕВА**

НОМА

(Ишқибон Юсуфга)

**МУҲАММАД ЮСУФГА**

Қаранг, қабрингизда лола унубди,  
Майин майсалар ҳам чиқибди ўсиб.  
Сизсизликка, охир жайрон ҳам кўнибди,  
Армонга айланган, Муҳаммад Юсуф.

Ҳар баҳорда қиру адир сайр этиб,  
Гўзал қизга атаб байт битиб,  
Маъшуқа ишқида минг ғамга ботиб,  
Армонга айланган, Муҳаммад Юсуф.

Яна баҳор келди айланиб,  
Бойчечак йиғлайди алёрлар айтиб.  
Кўришолмаймизми сиз билан қайтиб,  
Армонга айланган, Муҳаммад Юсуф?!

(“Экспресс инфо”, 24.04.14).

**Турсуной ОРТИҚОВА**

Сизни таниш теракнинг бўйларидан изладим,  
Қизғалдоқнинг, ялпизнинг ўйларидан изладим.  
Ҳофизларнинг янграган куйларидан изладим,  
Қалбларни ўзиники қилиб олган шоирим.  
Капалаклар зор йиғлаб қабристондан қайтдилар,  
Қалдирғочлар мотамда ғамдан қўшиқ айтдилар,  
Тилларда мангу ўша “мадҳия”лар айтдилар,  
Дардларни ўзиники қилиб олган шоирим.

(“Камолот”, 15-30.04.08)

(“Экспресс инфо”, 08.02.14)



## Илҳомжон МАВЛОНОВ

АРМОН

(Муҳаммад Юсуф тилидан)

Кузга етмай тўкилган бир япроқман,  
 Қизғалдоққа хазон каби ҳамроҳман.  
 Юрмасам ҳам фоний дунё бағрида,  
 Она-юртим, сен-ла доим биргаман.

Ушалмади дилимдаги кўп армон,  
 Тўйларингга қатнашолмай мен ҳайрон.  
 Ёзган шеърим учиб борсин сен томон,  
 Тинч ётишига қўймас ахир бу ҳижрон.

Борса келмас юртга бўлдим равона,  
 Сенгадурман ҳалигача парвона.  
 Она юртим, доим бўлгин тўйхона,  
 Қойил қолсин сенга дунё минг бора.

Тўёлмадим она ватан ҳуснига,  
 Кўз тегмасин, халқим, сенинг йўлингга.  
 Нима қилай, сизмай қолдим бағрингга,  
 Муҳаббатинг нур сочади қабримга.

Бугун нону тузингга сен рози бўл,  
 Тугаб қолди юрмоқ учун энди йўл.  
 Юрак урмай танам совиб қолса ҳам,  
 Ёзишдан ҳеч тўхтамайди кучли қўл.

Ўзбек халқим, бу сўзимни ёдда тут,  
 Оғир ботса, сўзларимни ичга ют.  
 Ҳар замонда Муҳаммадни эсда тут,  
 Мендек шоир бир кун не-дер, уни кут!

(“Экспресс инфо.”, 06.02.14)

2015

**Гулмира ТУРГУНОВА**

НАМАНГАН

Кўклам далаларга сепини ёйди,  
Дилларни дилларга айлади пайванд.  
Фасли баҳор қайта келади, аммо  
Қайтиб келмас яна ўша Муҳаммад.

Қайтиб келди кузда кетган оққушлар,  
Қалдирғочлар яна эшик қоқмишлар,  
Табиатжон яна кўкلامойни олқишлар –  
Фақат Муҳаммад йўқ, содда Муҳаммад!

Қизғалдоқ кутади, тоғлари ҳайрон,  
Йиғлайди охулар, йиғлайди жайрон,

Ифорин сочишдан қизганар райҳон  
Чунки Муҳаммад йўқ, содда Муҳаммад!

Кимга тиргак бўлар энди ялпизи?  
Оёқ учларида юрмайди қизи.

Кўнгил уйи бўшаб қолди ёлғизи,  
Ахир Муҳаммад йўқ, ахир Муҳаммад!

Ёрига бойликмас, шеър ҳадя этган,  
Кўксини ёндирсада дардин беркитган,  
Қизларини тўйларини кўрмай кетган

Хаста Муҳаммад йўқ, хаста Муҳаммад!

(Альманах "Лирик лаҳзалар – 1(6)", Наманган, 2015.)

**Беназир**

**НАЗИРА**

**АВОНУТНИҲУТ**

Шоир борки, ўтар замони,  
 Бўш қолмайди китоб жавони,  
 Шоирларнинг булбул забони,  
 Юракларда Мухаммад қолур.  
 Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Осмонларни жойлаб кўзига,  
 Юлдузларни жойлаб сўзига,  
 Бизларни ром айлаб ўзига,  
 Юракларда Мухаммад қолур,  
 Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Офтобдан ҳам илиғимсан деб,  
 Синглим каби мунглиғимсан деб,  
 Улуғлардан улуғимсан деб,  
 Юракларда Мухаммад қолур,  
 Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Ўтар қанча кузлар, баҳорлар,  
 Халқ кўксига қуёшдай порлар,  
 Халқини халқ бўлишга чорлар,  
 Юракларда Мухаммад қолур,  
 Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Тоғлардай пурвиқор шоирлар,  
 Тупроқдай хокисор шоирлар,  
 Келар турнақатор шоирлар,  
 Юракларда Мухаммад қолур,  
 Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

*("Наманган ҳақиқати", 26.04.14)*

**Меҳриноз Аббосова**

**АРМОН БОЗОР ЮРАГИМ**

Армон бозор юрагим,  
Кўҳна бозор юрагим.  
Қизгалдоқзор юрагим,  
Муҳаммад Юсуф қани?

Кўзида йўқ ёлғонлар,  
Хайронларга хайронлар,  
Нега жимсиз, жайронлар?  
Муҳаммад Юсуф қани?

Дилларни эзиб сўрай,  
Ҳарёнда тўзиб сўрай,  
Дунёни бўзиб сўрай,  
Муҳаммад Юсуф қани?

Кўнгилпарвар сингиллар,  
Сингилпарвар кўнгиллар,  
Дард нелигин ким билар,  
Муҳаммад Юсуф қани?

Ўрин йўқ бу саволга,  
Келди жавоб фурсати.  
Ҳамма бараварига  
Юрагини кўрсатди.

Уйғонсин гўдак ҳислар,  
Муҳаббатлар улғайсин.  
Ҳар ўзбекнинг кўксига  
Муҳаммадлар улғайсин!

Муҳаммад Юсуф қани

Армон бозор юрагим,  
Кўҳна бозор юрагим.  
Қизгалдоқзор юрагим,  
Муҳаммад Юсуф қани?

Кўзида йўқ ёлғонлар,  
Хайронларга хайронлар,  
Нега жимсиз, жайронлар?  
Муҳаммад Юсуф қани?

Дилларни эзиб сўрай,  
Ҳарёнда тўзиб сўрай,  
Дунёни бўзиб сўрай,  
Муҳаммад Юсуф қани?

Кўнгилпарвар сингиллар,  
Сингилпарвар кўнгиллар,  
Дард нелигин ким билар,  
Муҳаммад Юсуф қани?

Ўрин йўқ бу саволга,  
Келди жавоб фурсати.  
Ҳамма бараварига  
Юрагини кўрсатди.

Уйғонсин гўдак ҳислар,  
Муҳаббатлар улғайсин.  
Ҳар ўзбекнинг кўксига  
Муҳаммадлар улғайсин!

(“Наманган ҳақиқати”, 27.04.13)

### Шоира ОРИФЖОНОВА

Шеърларингиз суйиб ўқийман,  
Азиз билиб ҳар бир сўзингиз.  
Китобингиз варақласам гар,  
Сўзлагандай гўё ўзингиз.

Лек қалбимда орзулар чексиз,  
Муҳаббат бор она-Ватанга.  
Онам берган оқ сут ила,  
Меҳр сингган бу жон-у танга.

Чорлар мени ижод гулшани,  
Мен онамга қиз эмас ўғил.

Қаламни чархлар бир нидо,  
Она юртга жонни фидо қил.

Ле ўғиллар қилмаган ишни,  
Қилиб юзим ёруғ қилайин.  
Ўқиб ўрганиб Ўзбекистонга,  
Энг фидойи фарзанд бўлайин.

Ахир шоир Муҳаммад Юсуф  
Суйган шу юрт тупроқ, тошини.  
Шунинг учун она-Ватани  
Байрам қилар 60 ёшини.

60 ёшки нима бўпти,  
Сиз яшайсиз минг йил, юз аср.  
Шеърларида қалби яшаган,  
Она юртга ўғилсиз асл.

(“Бегойим”, 8.05.14)

**Тўхтамирза ТўРАЕВ**

**МУҲАММАД ЖИМ УХЛАЙДИ**

*назира*

Осмон олис, осмон жим,  
Соғинган дил йиғлайди.  
Қабрининг бир четида  
Муҳаммад жим ухлайди.

Осмондан келди нидо,  
Элга бўлди жон фидо.  
Эркалар уни Худо,  
Муҳаммад жим ухлайди.

Ризқни берар ҳовучлаб,  
Умрни берар қаричлаб.  
Ерга кўксин бағишлаб,  
Муҳаммад жим ухлайди.

Шеърга солмас аламин,  
Қўйди қўлдан қаламин.  
Қон йиғлатиб санамин,  
Муҳаммад жим ухлайди.

Шоир, юзинг кўролма,  
Кўрсам бўлди қабрингни.  
Тирикликда йўқ эъзоз,  
Сездик кейин қадрингни.

Осмон олис, осмон жим,  
Юлдузлар жуфт терилган.  
Муҳаммади бор Ўзбек,  
Кўкрак тўлиб керилган.

**МУҲАББАТ**  
назира

Муҳаббат, эй гўзал изтироб,  
Эй кўхна дард, эй кўхна туйғу,  
Кўкрагимга қўлингни тираб,  
Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку.

Муҳаббат, бу қандай туйғу?  
Гоҳи шодлик, гоҳи қайғу.  
Кўзларимга бермай уйқу,  
Оромимни олиб қўйдинг-ку.

Не қилардим сенга талпиниб,  
Муҳаббатга юзим артиниб  
Яшаяпман энди тортиниб,  
Кўзларимни боғлаб қўйдинг-ку.

Юрак севиб, сенга қул бўлди,  
Ғам-қайғуим роса мўл бўлди.  
Ёшим оқиб, юзим ҳўл бўлди.  
Оҳ, бу жонни қийнаб қўйдинг-ку.

Ахтараман сени ўзимдан,  
Муҳаббат деб айтган сўзимдан.  
Сарсон кездим қанча изингдан,  
Кўзларимни боғлаб қўйдинг-ку.

Ҳаётдан борми умидинг,  
Ваъда бериб, дарров унутдинг.  
Ўзинг билгандек ҳукм юритдинг,  
Кўнгилни чертиб, ўйнар бўлдинг-ку.

Мени-ку девона айладинг,  
Чорладинг – борсам, ҳайдадинг.  
Фақат бир ўзингни ўйладинг,  
Қалбда битмас яра бўлдинг-ку.

Муҳаббат – нозик бир хилқат,  
Баъзан ёлғон, баъзан ҳақиқат.  
Машҳур эдинг эртакда бир пайт,  
Эртак бўлиб, қолиб кетдинг-ку.

Муҳаббат – буюк туйғу,  
Муҳаббат – бу дард-қайғу,  
Муҳаббат – бу эрка оху,  
Муҳаббат – ширин оғу.

Севсанг-у, севмаса, кун бўлар қоронғу.

(Тўхтамирза Тўраев. "Муҳаббатнома", "Наманган нашриёти",

2015, 12-6.)



## МУҲАММАД ЮСУФДАН

### Роза КАЗАКБАЕВА ТАРЖИМАЛАРИ

<p>УЗБЕКИСТОН</p> <p>О, ота маконим, Онажон ўлкам, Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга. Сендай меҳрибон йўқ, Сенингдек кўркам, Римни алишмасман бедапоянга.</p> <p>Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар, Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар. Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб, Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.</p> <p>Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин Ё худбинман ё бир содда касман мен: Парижнинг энг гўзал ресторанларин, Битта тандирингга алишмасман мен.</p> <p>На гапга кўнайин, На тил билайин, Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат. Уч қунда соғинсам, нима қилайин?... Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.</p> <p>Билдимки, баридан улуғим ўзинг, Билдимки, яқини шу тупроқ менга. Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг Араб оҳусидан азизроқ менга.</p> <p>Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм, Сенсиз бир он қолсам раҳим келади. Сени билганларга қиламан таъзим, Сени билмасларга раҳим келади.</p>	<p>УЗБЕКИСТАН</p> <p>О, милая отчина! О, дивная страна! Ты, Родина, на радость нам дана. Любимая, навеки я твой сын, Поэтом стал в тени твоих вершин. Я наше клеверное поле не отдам За Колизей, Биг Бен и Нотр Дам.</p> <p>Ты цветёшь между рек, средь могучих гор, Красотою твоей не насытитъ взор. Сколько судеб видал, сколько разных стран – Я тобой лишь горжусь, мой Узбекистан.</p> <p>Видел в дальних странах множество красот, Может, я придиричив, может, слишком прост, Но отдам парижский лучший ресторан За тандыр во дворе, за родной ширман.</p> <p>Там всё чуждо вокруг, и язык не мой, Слова мне не сказать, будто я немой,</p> <p>Из зениц сон ушёл, из души покой. И трёх дней не прошло, а хочу домой.</p> <p>Вечно будешь ты жить, а с тобой и я Стану вешней травой для тебя, земля. Буду ждать в Бахмале ягнат в апреле – Мне они куда милей арабской газели.</p> <p>Каждый день с тобою – праздник для меня. Я приветствую всех, знающих тебя, Трудно жить без Родины даже краткий миг – Жаль мне тех, кто край мой сразу не постиг.</p>
<p>ИҚРОР</p> <p>Шоирлик мен учун асло орзумас, Шу ҳам иш бўлдимни йигит бошимга. Ҳамма шоир зотин йиғса – арзимас Онамни соғиниб тўккан ёшимга.</p> <p>Ана, улар қилар булбулларга дўк: «Эй қуш, бу боғларнинг мен булбулиман!»... Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ, Мен ёруғ дунёда кўнглим қулиман.</p> <p>Аммо юрагимни қийнар бир азоб,</p>	<p>ПРИЗНАНИЕ</p> <p>Судьба, зачем меня ты сделала поэтом? Да разве для мужчины мука эта... И легион поэтов – скажем им в глаза, Дешевле для меня, чем мамина слеза.</p> <p>Я – поэтический изгой. Сознаюсь, Что я с лирической братией не знаком. У них в стихах сады и соловьи, цветочки. Довольно... Я дошёл до точки!</p> <p>Хотя в моей душе ржавеет суховей, Единственный в саду я – соловей.</p>

Кўй десам кўймайди, тутқазар қалам,  
Мен кетмон сўрасам – тутади рубоб,  
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмонга қарасам кўринар тупроқ,  
Майсага термулиб ойни кўраман.  
Бу қандай кўргилик, билмайман, ўртоқ,  
Мен қачон далада бугдой ўраман!..

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдим эркак бошимга.  
Ҳамма шоир зотин йиғса - арзимас  
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар салқин хиёбонларда  
Энтикиб ёзишар келажакка хат.  
Окибат ҳақида ҳайқиришар ва  
Абдулла Орифни қилишар ғийбат...

Бўлди.  
Шеър ёзмайман.  
Мен энди одам,  
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.  
Кўнглимга ачиниб агар ёзсам ҳам,  
Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман!

В моих стихах нет благозвучья, право.  
Но сердца боль – строфе оправа.

Судьба, ведь я прошу кетмень, а ты даёшь перо  
На сельский труд мне лучше дай добро.  
Где, ниве поклоняюсь, я буду жать пшеницу,  
Сбирая колос в жёсткую десницу!

Нормальные поэты вон – в тенёчке  
Для будущего лепят строчку к строчке.  
И, Абдулло Орипова ругая,  
Пекут стишочки под журчанья сая.

Судьба, позволь мне стать обычным человеком,  
Оптимистично топая в ногу с веком.  
В моих стихах ведь даже смысла нет...  
Твой дар – мираж. Я не поэт.

Судьба, смотри: сверкая, жизнь гремит,  
Ключочет, радужные волны мчит.  
Мои стихи пред нею – безделушка.  
В ночном лесу погасшая гнилушка.

В моих стихах и доли жизни нет.  
Кому нужна трава, луна, любовь...Я не поэт.  
И поэтический свой дар я отвергаю.  
Писать стихи (и прозу) прекращаю.

И если ночью на одно мгновенье  
Ко мне нагрянет вчуже вдохновенье,  
То днём ни строчки я не сберегу.  
Я всё предаю огню! Я всё сожгу!

ПОСЛЕСТИШИЕ К "ПРИЗНАНИЮ"

Детобуйца я. В печи все строфы сжёг. О горе  
мне...  
Стихи мои, стена и прощая,  
Отринутые, корчатся в огне.  
Сиротский из тандыра выгреб прах. Развеять в  
буре?  
Или осыпать глупую главу?  
Я жизнь мою: подай спасительную руку,  
Позволь мне удержаться на главу.  
Стою один, как перст, я, бесталанный,  
И в омуте бездушия тону.  
Судьба, верни мой дар! И до захода солнца  
Клянусь, мои стихи тебе верну!

МАТЕМАТИКА ДАРСИ

Математика кўйни тўла сир бўлади,  
Бирга бирни кўпайтирса – бир бўлади.  
Деразадан мўралайди олма шохи,  
Уфжда булут – эртага ёмғир бўлади...

Математика, ёмғирларда чопгим келур,

МАТЕМАТИКА

Математика, твой путь вечной тайной будет,  
Ведь единожды один – то один и будет.  
Вон, в окно глядит на нас ветка яблони.  
Облака на небесах – завтра дождь будет.

Математика, мне с ливнем прыгать хочется,

Жумбогинга мен ҳам жавоб тоггим келур.  
Деразадан мўралайди бодом шохи,  
Боққа чикиб кўнғизларни ўлгим келур.

Математика, мен ҳам ўйга ботгим келур,  
Ўйлаб-ўйлаб... Ўзинга тош отгум келур.  
Сен самолёт кашф этасан, менинг эса  
Ялпиз билан ачомлашиб ётгум келур.

Математика – ой бўлади, йил бўлади,  
Танки танка кўпайтирса – кул бўлади...  
Дунё қачон бўстон бўлар, гул бўлади?  
Адабиёт, ўйлайвериб, сил бўлади!

Математика – лов-лов ёниб турган чўғсан,  
Сендан нима ясашларин билган йўксан.  
Деразадан мўралайди гилос шохи,  
У кўндоғинг, ўзинг милтиқ, ўксан...

Математика, қўйнинг тўла сир бўлади.  
Бирга бирни кўпайтирса – бир бўлади.  
Қовурғамнинг тағида бир қумри йиғлар,  
Досқадан мени айирсанг – ШЕЪР бўлади!

Быстро формулы решать также хочется.  
А миндаля веточка мне в окно глядит,  
Всех жуков поцеловать в саду хочется.

Математика, язык твой понять хочется,  
Камень бросить в тебя очень хочется.  
Тебе – в небе самолёт, а моя мечта –  
Мне в обнимку с мятою прикорнуть хочется.

Математика, месяц прочь – новый год будет,  
Танк на танк умножить – мёртвый пепел будет.  
И когда наш шар земной весь в садах будет?  
Коль поэтом станешь – вот мученье будет!

Математика, огнём символы пылают.  
Ты не знаешь сама, как тебя пытаются.  
Зря черешни веточка мне в окно глядит  
Срубят ствол на приклад, пули отливают.

Математика, твой путь вечной тайной будет,  
Ведь единожды один – то один и будет.  
Под ребром под моим горлинка рыдает  
Отойду от доски – сразу СТИХ будет.

ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ

*Шавкат Раҳмон хотирасига*

Мендан нима қолар:  
Икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб,  
Бир уюм тупроқ,  
Одамлар ортимдан  
Нима деса дер,  
Мен сени ўйлайман  
Ўзимдан кўпроқ –  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Мен кетсам, ёмондан,  
Йироқ бўл, оху,  
Чунки сен чиройли,  
Кўркли бир жувон.  
Ёмон кунлар бир кун  
Яхши бўлар-у,  
Ёмон одам яхши  
Бўлмас ҳеч қачон...  
Яша чегарада  
Тургандек огоҳ  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Уйда ётибман-у,  
Сезиб турибман,  
Қўқда кетаётир  
Қушлар қайтишиб.  
Хайрлар ёғдириб  
Қанотларидан,  
Хаста шоирига  
Видо айтишиб.

ТЮЛЬПАНЧИК МОЙ ЛЮБИМЫЙ,

АЛЫЙ МАК СТЕПНОЙ

*Памяти Шавката Рахмона*

Что, уйдя, оставлю?  
Томик небольшой,  
Книжек пару сундуков,  
Холмик земляной.  
Мне вослед что скажут –  
Только звук пустой,  
Ну а ты, родная,  
Что будет с тобой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной?

Как уйду, сторонись  
Ты плохих людей,  
Их, красавица моя,  
Избегай когтей.  
Все невзгоды в одночасье  
Схлынут, как вода –  
Нечестивцу лучше  
Не стать никогда.  
Ты держись подальше  
От толпы людской,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Хоть прикован к ложу,  
Вижу сердцем я:  
Птицы возвращаются  
В милые края.  
Немощному барду  
Их крылатый взмах.  
Тихий крик прощанья

Бор, менинг учун ҳам  
Уларга қул қок —  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Уларни мен яна  
Қуранганим-а,  
Айвондан одамдек  
Кузатолмадим.  
Куз. Тўйлар бошланди.  
Юрагим пора —  
Битта кизимни ҳам  
Узатолмадим...  
Демак, тақдир экан  
Тўй кўрмай ўлоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Бирок, кўнглим сезар,  
Мендан кейин ҳам,  
Бир кун бу ховлига  
Одам тулади.  
Ҳали тўйлар қилиб,  
Чарқайсан, эркем,  
Менинг кизларим  
Энг бахтли бўлади.  
Келинлар қуйлаги  
Рухимдан оппоқ —  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Гулим, яқинроқ кел,  
Қара, не савдо,  
Бу ажиб ишларни  
Дил лавҳига ёз:  
Кимга қаср етмас,  
Кимга мол-дунё,  
Менга эса ҲАВО  
Етмайди холос.  
Тириклар мудроқда,  
Уликлар уйғок —  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Кўксим қуйиб борар,  
Кўкрак ёнмоқда,  
Айтинг дўхтирларга,  
Еришса ёрсин!  
Жисм ўз улфати —  
Жондан тонмоқда.  
Бечора жон энди  
Қаерга борсин.  
Энди осмон йироқ,  
Энди ер юншоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Буки ҳаёт дерлар,

Замер на губах.  
Зовы откликаются  
Свежей синевой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Я к весне истаю,  
Не увижу стаю,  
Мне не выйти на айван  
Проводить их караван.  
Осень. Пора свадеб.  
Я в сердце разорвал —  
Ни одну дочурку  
Замуж не отдал.  
Знать, не видеть свадьбы  
Предписано судьбой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Сердцем я предвижу,  
Что после меня  
Двор наш улыбнется  
Свадебным гостям.  
Ты ещё устанешь  
Праздники справлять,  
Ещё жизнь подарит  
Счастье дочерям.  
Чист наряд невесты —  
Чист, как я душой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Сядь, цветок, поближе,  
Уйти не спеши,  
Чудеса земные  
В сердце запиши.  
Кому участок нужен,  
Кому банкнот мешок,  
Мне же нужен ВОЗДУХ,  
ВОЗДУХ нужен впрок.  
Живые полны дремой,  
Бдит мёртвый, как живой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Грудь моя стареет,  
Сердце пылает...  
Скажите докторам —  
Пусть его вскрывают!  
Телу истлевать в земле,  
Сердце вмиг завянет,  
А бедняга-душа,  
Что с нею станет?  
Теперь небо далеко,  
Лишь в земле покой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Унутма асло,  
Бир кун очиласан,  
Бир кун сўласан.  
Қалбимда-ку фақат  
Сен эдинг танҳо,  
Қабрим устида ҳам  
Узинг бўласан  
Сен бизнинг севгидан  
Хотира – байроқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.

Аёл калбинг билан  
Сув кеч, олов кеч,  
Ғам келса бошингдан  
Хушинг учмасин.  
Худодан сўрадим:  
Мендан кейин ҳеч,  
Номард кинсаларга  
Ишинг тушмасин.  
Уларнинг қўлида  
Ҳамиша тузук,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.

Ишинг тушса, иним  
Мухаммадга бор,  
Шоирлар ичиди  
Ишонганим шу.  
Бироз ичишини  
Айтмаса агар,  
Кўкси тиниқ бола,  
Ҳалол бола у.  
Фақат сал соддароқ,  
фақат сал ешроқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.

Жом сунги бошпана  
Топаркан онгда  
У юрак остида  
Дердим мен бўлсам.  
Ажабланма агар  
Эртага тонгда  
Сени ўлиб, Ушни  
Кучоқлаб ўлсам!..  
Утинчим – тепамда  
Ийғлама узок,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.

ТУРҒУНЛИК

Ҳатто кеч кўзда ҳам тугади кўсақ,  
Серҳосил Ўзбекистон далалари.  
Далага чиқишар кўтариб этак,  
Биринчи синф болалари...

На земле жизнь такова,  
Не забудь мои слова:  
Время есть цветенью,  
Время есть забвенью.  
В моем сердце всегда  
Ты, любовь, была.  
Над могилою моей  
Будешь ты одна.  
Чувства нашего во мгле  
Быть тебе зарей,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Ты сильным женским сердцем  
Пройдешь огонь и воду.  
А коль беда случится,  
Ты духа не теряй.  
Умру я с просьбой к Богу:  
Чтобы после меня  
Тебя в пути тернистом  
Не встретил некогдай.  
Ведь руки их – ловушки,  
Полны злобной тьмой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Ну, а если что-то надо,  
Обратишься к Мухаммаду.  
Я из всех поэтов  
Верю лишь ему:  
Стих он сердцем проверяет.  
Хоть, бывает, выпивает,  
Душой чистой наделен,  
Как поэт непрезойден.  
Только он молодой,  
Только слишком простой,  
Тюльпанчик мой любимый,  
Алый мак степной.

Ищет покоя тело больное,  
Но это смертный покой.  
Сердце ударит последний раз,  
И жизнь улетит стрелой.  
Я завтра отдам тебе поцелуй,  
И землю-мать обниму.  
Не удивляйся, если ресниц  
Больше не подниму.  
Только прошу –  
Не плачь надо мной,  
Тюльпанчик сиротливый,  
Алый мак степной.

ЗАСТОЙ

Хоть осталась позади поздняя осень,  
На полях кусака ещё много очень.  
На работу бредут – фартуки в ручонках,  
Первоклассники – мальчишки и девочки.

<p>Зур келса гўдак хир беллашур, Катталар билан теги беллашур, Буйи гўзадан паст, чиллашир Биринчи синф болалари.</p> <p>Совуқ дейсизми? Ҳа, қаҳратон! Қўлчалар қўйида қоттан нон, Аммо нима қилсин, пахта шон, Биринчи синф болалари.</p> <p>Бари жимжималар - қоғозда, "Зангори кема"лар - қоғозда, Пахта теришади аезда, Биринчи синф болалари.</p> <p>Пахта терар ийглаб бахти кулганлар, Омади кулганлар, аҳди кулганлар, Пуфак боболарин Қаҳрамон қилганлар — Биринчи синф болалари.</p> <p>Фоқат бир илтимос, муаллимлари, Бурнин артиб турса бўлгани. Иштонин кўтариб қўйишса бас, шу — Пахтани плани тўлгани!</p>	<p>«Хлопковый фронт»... Малыш, ты на войне, Трудись со взрослым наравне. Руки больные покрыты коростой, Первоклассник ниже куста ростом.</p> <p>— Не слишком лют мороз? — Холодно немножко. В замерзшей ладошке черствая лепешка... Поймите вполне: хлопок нужен стране! На бомбы и на рубашки. Вкальзайте, первоклашки!</p> <p>Год от года сборы повышают «Голубые корабли» на бумажке. Это хлопок на морозе собирают Дети-первоклашки.</p> <p>Собирают, счастливые, плача. Да сопутствует всем удача... Толстопузые стали Героями — им отдали силенки Первоклассники — мальчишки и девчонки.</p> <p>Даешь план поскорей! Все ж прошу учителей: Подотрите ребятам носики, Подтяните им, малым, штанишки.</p>
<p style="text-align: center;"><b>РАЙҲОН</b></p> <p>Райҳон, айланай, райҳонингдан сенинг, Ойқабоқ гўзалим, жонингдан сенинг. Кулиб кўкларингдан тушмайсан, қара, Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг.</p> <p>Етти иқлим аро етсаки изинг, Тупроққа тўхилгай тутдай хуш исинг. Гулга тегса гулхан пайдо қиладур, Сувга тегса сувни ёндирар юзинг.</p> <p>Хурлардан хур ўзинг, хуршиди тобон, Ўзинг Райҳонсану вужудинг райҳон. Бу ёруғ дунёда сендан сулув йўқ, Мендан бечора йўқ, мендан нотаовон.</p> <p>Сен Арши аълода жаннатий чашма, Мен ерда ёнаман томчинга ташна, Кўкларга қўлини тутган қўлингман, Зилолим, уволим тутгай, адашма...</p> <p>Райҳон, айланай, райҳонингдан сенинг, Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг. Кулиб кўкларингдан тушмайсан сен-да, Менга-да жой йўқ осмонингдан сенинг.</p>	<p style="text-align: center;"><b>РАЙҲОН</b> <i>Подражание Мухаммаду Юсуфу</i></p> <p>Мой красавец, мой душонка, Я люблю тебя с пеленок. В каждом дворике растешь, Аромат вселенский льешь.</p> <p>Не жалеешь аромата — Яблоки, айва и мята Запах твой чудесный пьют, Нам талику отдают.</p> <p>То зеленый, то пурпурный, Смотришь ты на мир лазурный. Стройный, мужественный, славный, В царстве Флоры самый главный!</p> <p>Твои милые цветочки — Драгоценные глазочки. Ты — волшебное создание, Волплощаешь мироздание.</p> <p>От морозов до морозов Ты цветешь с подругой-розой. Многосильный, как узбек — Символ наш из века в век.</p> <p>Эй, священный базилик, В мой последний страшный миг Дай узреть твой строгий лик,</p>

	<p>Дай достойно умереть,          Ни о чём не пожалеть...          Как уйду, я, путник грешный,          В неизвестный свет безбрежный,          Тихо прошепчу РАЙ-ХОН,          Знаю, буду я прощён.</p>
<p><b>Меҳрим қаттиқ бўлди</b>          Қаҳрим қаттиқ бўлди,          Насихатни эса олмадим.          Ҳарифим суюнди, дўстим қуюнди,          Мен ўз билганимдан қолмадим.</p> <p>Осойиш ўтмади бирор бир қуним,          Талашиб-тортишиб толмадим.          "Оғирроқ бўл, иним, сипороқ бўл, иним..."          Мен ўз билганимдан қолмадим.</p> <p>Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,          Суйдим сира қулмай омадим.          "Шоҳона яшардик сўзимга кирса..."          Мен ўз билганимдан қолмадим.</p> <p>Қувроқ бўл дейишиди, ёлғон ҳам керак,          Жиндек ҳушонад ҳам...          Қулоқ солмадим          Оқни оппоқ қўрдим, қорани қора,          Мен ўз билганимдан қолмадим.</p> <p>Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,          Дўстларим...дўстларим, бахтли боламан:          Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,          Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида          Яллизга суюниб ўлиб қоламан!</p>	<p><b>ЖЕСТОКОСЕРДИЕ</b></p> <p>Я был жестокосерден,          Я был немилосерден.          Ничьих советов я не принимал.          Друг за меня переживал,          А недруг громко ликовал.          Я всё равно себе не изменял.</p> <p>Хоть тишины и мира я желал –          Всё ж каждый день устраивал скандал.          «Спокойнее будьте, сдержанней...»          Я всё равно себе не изменял.</p> <p>Полюбились девушка-неровня.          Подольститься я не пожелал.          «А вернулся б – жили бы по-царски...»          Я всё равно себе не изменял.</p> <p>Шептали мне: «Хитрее будь, проворней...»          Под эту дудку так и не спясал.          В ущерб себе что белое, то – белым,          Что чёрное, то чёрным называл,          И никогда себе не изменял.</p> <p>Но сердце чувствует отчётливо и ясно –          Друзья, я счастлив, всё прекрасно:          В Ташкенте лучших я поэтов превзойду!          Или домой вернусь, позором смятый,          И там, обняв пушистый стебель мяты,          Смирненно у ручья на небо отойду!</p>
<p style="text-align: center;"><b>СОҒИНДИМ</b></p> <p>Тошқанда...тоғларни соғиндим,          Яшил ўтлоқларни соғиндим.          Сув бўйига чордона қўрган          Моноқаймоқларни соғиндим</p> <p>Кечагинда ёмғирда ивиб,          Юрар эдим капалак қувиб,          Шудрингларга юзини ювиб...          Болалик чоғларни соғиндим,</p> <p>Тошқанда тонг шундай бошланар:          Қулоқ йиртар баланд пошналар,          Ўзим ташна, менга ташналар –          Ялангоёқларни соғиндим,</p> <p>Яшириб не қилдим сизлардан,          Лола ёноқ, ҳиллол юзлардан,          Тўйдим тиллабармоқ қизлардан,</p>	<p style="text-align: center;"><b>СКУЧАЮ</b></p> <p>Живу в Ташкенте – по горам скучаю,          По разнотравью лугов скучаю.          По одуванчику – доверчивому другу –          Среди коробок каменных скучаю.</p> <p>Под ливнем бегал я ещё вчера,          И пел, лицо рососо умывая.          Лукавых бабочек ловила детвора...          По детству моему давно скучаю.</p> <p>В Ташкенте лишь заря встаёт          Стук каблуков высоких уши рвёт,          Скучаю по скучающим по мне –          По босоногим я друзьям скучаю!</p> <p>Ушёл я от тебя, мак алей, чистотеликий,          Известности, как счастья, ожидая.          Вокруг на нежных пальцах злата блики...</p>

<p>Кўли қадоқларни соғиндим, Билганимни билганча билдим, Йўқдан борин бинолар қилдим, Шаҳар кенг деб, зинолар қилдим Узоқ-узоқларни соғиндим,</p> <p>Алдовга қолдим ўрганиб, Кўрқиб қолдим кўнгли бергани, Келгани йўқ Сени кўргани – Зилол булоқларни соғиндим.</p>	<p>Я ж по мезолистым рукам скучаю. Что мной не узнано досель, узнал, В огромном городе беспечно согрешая, В мечтах дворцы и замки воздвигал – Теперь по дальним далам я скучаю.</p> <p>Чуть в городе обманщиком не стал, Жил, сердца теплоты не отдавая, И так давно Тебя не навещал – Сейчас по чистым родникам скучаю</p>
<p style="text-align: center;"><b>ЖИЙДА ТАГИДА</b></p> <p>Сой бўйи. Тун. Куз. Бир йигит, бир қиз. Шивир-шивирлар Жийда тагида.</p> <p>Таҳоратқаш чол, Уйга қайтди лол. Дилда санчиклар – Жийда тагида. –Қайдасан , кампир? Адо бўлдинг, тур! Номусинг йиғлар Жийда тагида.</p> <p>Кўр, ўзинг ҳам юр, Ўпишәетир, Уйинг куйгурлар Жийда тагида...</p> <p>Кейин не бўлди? Кейин ўй бўлди. Кейин тўй бўлди, Колмади сирлар Жийда тагида.</p>	<p style="text-align: center;"><b>ПОД ДЖИДОЙ</b></p> <p>Берег сая. Осень. Ночь. С другом милым чья-то дочь... Шёпот тихий, озорной Под джидой.</p> <p>С молитвы дед домой Прилился чуть живой – И в сердце – как иглой – Под джидой!</p> <p>– Старая, где ты? Позор и стыд какой! Милуется дочь с парнем – Под джидой!</p> <p>Вставай, сама пойдй. Лобзуются, поди... Сгори твой дом лихой Под джидой!</p> <p>А что же молодые? Был весёлый той, Живут своей семьёй... И нет теперь секретов Под джидой.</p>
<p style="text-align: center;"><b>МУДДАО</b></p> <p>Кузда гўзал бизнинг Фарғона, Қиёси йўқ жаннат масқандир. Уймизми соғиндим, она, Боғимизда беҳи пишқандир...</p> <p>Елар елдек қирда беарқон Туёқлари чақноқ қулунлар. Сойда танга сочардир ҳамон Ўғил сўраб сулув келинлар.</p> <p>Сиз-чи, юрибсизми гимирлаб, Кўнглингизда гаройиб ҳислар, Олдингиздан ўтса қикирлаб Сочига қўл тегмаган қизлар.</p> <p>Мен ҳам ўша-ўшаман, нодон, Гоҳ панд бериб, гоҳида панд еб. Машҳур қил, деб сўраб Худодан</p>	<p style="text-align: center;"><b>ЖЕЛАНИЕ</b></p> <p>Как осенью прекрасна Фергана – Кишлак родной всегда подобье рая. Ах, мама, как по дому я скучаю! В садах, наверное, айва уж поспевают...</p> <p>По холмам смешные жеребята Мчатся вихрем, искры высекая. И монетки дарят волнам сая Молодухи, сыновей желая.</p> <p>И о чём ты думаешь, вздыхая, С трепетом поэта вспоминая, Когда девы, мимо пробегая, Тебя приветствуют, улыбками сверкая?</p> <p>А я по-прежнему бродяга бренный, Несомый ветром, как песчинка во Вселенной. Известности у Бога попросил,</p>



<p>Тиламабман бахтли Булай деб.</p> <p>Кузда гузал бизнинг Фарғона, Қиёси йўқ жаннат Ватандир, Хатим тамом. Айтгандек, она, Зеби эрга тегиб кетгандир?!</p>	<p>А счастья попросить забыл.</p> <p>Как осенью прекрасна Фергана! Подобье рая – милая страна... Письмо закончил. Время вышло. А Зеби, поди, замуж вышла?</p>
<p style="text-align: center;"><b>ДҮППИ</b></p> <p>Дүппи киймай кўйди одамлар, Бир шоир, бир носирдан бошқа Сочлар силлик, Силлик қадамлар, У оғирлик қиялти бошга...</p> <p>Рост дүппилар, Елғон дүппилар, Киноларда қолгон дүппилар. Чуст дүппилар, Аногон дүппилар, Мунчоқдек Марьялон дүппилар.</p> <p>Дүппи киймай кўйди одамлар, Бир шоир, бир носирдан ўзга, Мен ҳам сизга бердим саволлар, Шляпанми бостириб кузга.</p> <p>Дүппи киймай кўйди одамлар, Кўнгиш эса кўрмоқ тусайди. Маданият гуллаган дамлар. Каллага эътибор сусайди.</p> <p>Дүппи киймай кўйди одамлар, На ўйда ва на кучада. Миртемирлар, Гафур Фуломлар Ечкан дүппи қолди тоқчада...</p> <p>Бу қандайин кўргулик савдо, Дүппи киймай кўйди халойиқ. Бошга лойиқ дүппи йўқдир е – Бош қолнади дүппига лойиқ.</p>	<p style="text-align: center;"><b>ТЮБЕТЕЙКА</b></p> <p>Лишь у поэтов и приверженцев традиций Наш головной убор не сдал ещё позиций. При вкрадчивых шагах, Приглаженных власах, Неловко тюбетейке на главах.</p> <p>И тисненные – в три копейки, И из Чуста тюбетеечки, Переливчатые андижанские, И жемчужные маргиланские, Неотъемлемые, многоценные Вы в кино остались, незабвенные.</p> <p>Но почему лишь у приверженцев традиций и поэтов На головах такая вот краса? Задаю вопрос я, сам при этом, Шляпу нахлобучив по глаза.</p> <p>Родной убор теперь – история, литература, Хоть тюбетейка всем нам по сердцам... Вокруг бурлит кипение культуры, Зато вниманья меньше к головам.</p> <p>Лежат на полке тюбетейки Миртемира и Гуляма, Мы забываем их беспечно и упрямо. Но тюбетейка в душу смотрит нам в упор... В узорах – всепрощающий укор.</p> <p>Поменьше б наших сделок недостойных. Без тюбетеек много сел и городов. Иль тюбетеек нет теперь пристойных, Или, достойных тюбетеек, нет голов.</p>
<p style="text-align: center;"><b>ХИРМОНДАГИ БОЛА</b></p> <p>Бундай қарамагин, чақалок. Мен ҳалол одамман ҳар ҳолда. Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам Беланчагим шу букри толда.</p> <p>Ерилган қўлларга термулиб юриб, Шу ялпиз далада мен ҳам буй етдим, Кейин шеър йўқлади тушинга кириб, Кейин ўзим йўқлаб Тошкентга кетдим.</p> <p>На Ойбек бор эди, На Гафур Фулом. Миртемир йўқ эди, Усмон Носир ҳам...</p>	<p style="text-align: center;"><b>МАЛЬЧОНКЕ С ПОЛЕВОГО СТАНА</b></p> <p>Так смотреть, малыш, совсем негоже – Чистый, честный человек я все же, И меня качали в зыбке терпеливо Давней осенью под этой кривой ивой.</p> <p>На бескрайних полях повзрослел я тоже, Видел я столько рук с треснувшею кожей... Строки вдруг наплывать начали во сне, Из-за них пришлось Ташкент навестить и мне.</p> <p>Не застал там Ойбека, Не было Миртемира. Нет Гафура Гуляма, Нет Усмана Насыра.</p>

<p>Навоний сатрига термулиб юриб, Туйдим жамолини бу кўҳна элим, Кейин сен изладинг тушимга кириб, Кейин ўзим излаб ёнинга келдим...</p> <p>Бундай қарамагин. Бундай қарамагин. Сен худди ўзимсан, хирмондаги бола. Менинг майли шодон, менинг майли гамгин Энг гўзал сўзимдан, хирмондаги бола!</p> <p>Мен келдим шул шаффоф сўзимни топиб. Мен билдим, юракдан Ватанни севмоқ – Беланчак осилган толларни ўлиб, Чақалоқ кўзига ҳалол термулмоқ.</p>	<p>Однако Навон под звуки ная Открыл мне красоту родного края. Но взгляд твой пристальный всё наблюдал за мною, Что хочешь ты? Скажи, я пред тобой!</p> <p>Не смотри так, мальчонка с хирмана. Ты – я. Стихи свои – боль сердца – посвящаю, И путь тернистый, но прекрасный предрекаю, Тебе, двойник мой, с полевого стана.</p> <p>И любит Родину лишь тот чистосердечно. Об этом всему миру я скажу, Кто, приложившись к ивге с колыбелью, В глаза посмотрит смело малышу.</p>
<p><b>“ҚОРА ҚУЁШ” ДОСТОНИДАН</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Умр нима, эй одам?</li> <li>– Умр йўлдор бир қўлоқ.</li> <li>– Армон нима, эй одам?</li> <li>– Армон ҳам бир эҳтиёж.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Омад нима, эй одам?</li> <li>– Айвондаги қалдирғоч.</li> <li>– Орузу нима, эй одам?</li> <li>– Бўлди, менинг қорним оч...</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Ёлгон нима, эй одам?</li> <li>– Ёлгон – ўт ўсмас дала.</li> <li>– Ҳақ нимадир, эй одам?</li> <li>– Ҳақиқат – етим бола...</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Севги нима, эй одам?</li> <li>– Севгига йўқ ҳафсала.</li> <li>– Бахт нимадир, эй одам?</li> <li>– Бахт – бир коса атала...</li> <li>Толкосада атала...</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Толкоса нима, эй одам?</li> <li>– Толкоса ҳаёт, жўра.</li> <li>– Атала нима, эй одам?</li> <li>– Сталин бобонгдан сўра!</li> </ul>	<p><b>ИЗ ПОЭМЫ «ЧЁРНОЕ СОЛНЦЕ»</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Что это – жизнь, эй, человек?</li> <li>– Жизнь – не взлетевшая птица.</li> <li>– Что – сожаление, эй, человек?</li> <li>– На что-нибудь, да сгодится.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Что есть удача, эй, человек?</li> <li>– На айване ласточка весной.</li> <li>– Что есть мечта, эй, человек?</li> <li>– Хватит, у меня живот пустой.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Ты про обман мне скажи, человек.</li> <li>– Поле, где даже сорняк не растёт.</li> <li>– Тогда что же правда, эй, человек?</li> <li>– Страна, плодящая сотни сирот.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Мне про любовь расскажи, человек.</li> <li>– Я никого не смогу полюбить.</li> <li>– Тогда о счастье скажи спозаранку!</li> <li>– Плошку похлёбки бы получить...</li> <li>Баланды большую лоханку...</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Плошка – что это, эй, человек?</li> <li>– Дружок, это жизнь на свете.</li> <li>– Но баланда-то что, эй, человек?</li> <li>– Пусть Сталин тебе ответит!</li> </ul>
<p><b>“37-ЙИЛ ЙИФИСИ”ДАН</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Умр нима, эй, одам?</li> <li>– Умр учиб кетган қуш.</li> <li>– Армон нима, эй, одам?</li> <li>– Армон эсдан чиққан туш.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Омад нима, эй, одам?</li> <li>– Иқсала соғ қўлингдир.</li> <li>– Орузу нима, эй одам?</li> <li>– Орузу юрган йўлингдир.</li> </ul>	<p><b>ИЗ «РЕКВИЕМА 37 ГОДА»</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Что это – жизнь, эй, человек?</li> <li>– Жизнь – улетевшая птица.</li> <li>– Что – сожаление, эй, человек?</li> <li>– Сон в усталых зеницах.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>– Что есть удача, эй, человек?</li> <li>– То – две руки трудовые.</li> <li>– Что есть мечта, эй, человек?</li> <li>– Это грёзы о дальнем пути.</li> </ul>

## Қодиржон НОСИРОВ

<p>- Ёлгон нима, эй одам? - Ёлгон узун эртақдир. - Ҳақ нимадир, эй одам? - Ҳақиқат қон юрақдир.</p> <p>- Қайғу нима, эй одам? - Қайғу ҳам ширин армон. - Бахт нимадир, эй одам? - Бахт бир бурда қора нон.</p> <p>- Қора нон нима, эй одам? - Қора нон – имон, жура, - Имон нима, эй, одам? - "Халқ душмани"дан сўра!...</p>	<p>- Ты про обман мне скажи, человек. - Ложь – долгая сказка поэта. - Тогда что же правда, эй, человек? - Сердце в крови – правда это.</p> <p>- Что есть печаль, эй, человек? - Жалости сладкой игрушка. - Счастье что, эй, человек? - Чёрного хлеба горбушка.</p> <p>- Чёрный, тяжёлый хлеб – это что? - Друг: вера в законы природы. - А вера-то что, скажи, человек? - Спроси у «врагов народа».</p>
<p style="text-align: center;"><b>ГУЗАЛЛАРИМ, ГУЗАЛ АЛДАИСИЗ</b></p> <p>Гузалларим, гузал алдайсиз, Гузал ҳатто –ёлгонингиз ҳам... Гузал – кунгил қолдирноғингиз, Гузал – кунгил олганингиз ҳам.</p> <p>Оланда йўқ сиздек оввора, Бечоралар ичра бечора. Гузал, йўлдан уриб минг бора, Гузал, йўлга солганингиз ҳам.</p> <p>Гузал, бошда сўйиб-сийпалаб, Кунгилнинг бор мулкани талаб, Аваал жонни қийма-қиймалаб, Гузал, сунг уялганингиз ҳам.</p> <p>Бир боқсам ҳуш – мажнунтолдайсиз, Заифу бечораҳолдайсиз. Жоду билан пайт пойлайсиз – Гузалларим, гузал алдайсиз!...</p>	<p style="text-align: center;"><b>КРАСАВИЦЫ</b></p> <p>Красавицы, как удаются вам обманы! Красивы ваша ложь и яркая улыбка... Красиво ставите вы нам капканы, Красивы ваши очи – сердцу пытка.</p> <p>Собою вы гордитесь, недотроги, А счастье есть? Пусть скажет кто-нибудь... Красиво вы сбиваете с дороги, Красиво возвращаете на путь.</p> <p>Красавицы, как вы красиво льстите, Души сокровища присвоив без зазрения, Красавицы, как вы красиво мстите, Ушедшую любовь отдав на унижение.</p> <p>Вы иногда, подобно иве, беззащитны, Но видит жертву взгляд ваш ненасытный. Пришло ли время для красивого обмана? Красиво ставите вы нам капканы.</p>


Наманган давлат университети қошидаги “Лирик лаҳзалар” ижодкор ёшлар клуби томонидан Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган очиқ танлов (тасвирий санъат соҳаси бўйича) ғолиблари ва уларнинг асарлари



**Малика Мирзаханова** – Наманган санъат коллежи 2-босқич ўқувчиси. “Улуғимсан, Ватаним” (Муҳаммад Юсуф портрети) асари учун тасвирий санъат номинацияси бўйича 1-даражали диплом билан тақдирланган.



**Ҳайитмирза Ёқубжонов** - Чортоқ педагогика коллежи 2-босқич ўқувчиси; "Муҳаммад Юсуф" ва "Шоир" асарлари учун "Амалий санъат ва ҳайкалтарошлик" номинацияси бўйича 1-даражали диплом билан тақдирланган.



**Марьям Дадамирзаева** - НамДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси; "Муҳаммад Юсуфни соғиндик бизлар" асари учун "Рангтасвир" номинацияси бўйича 3 -даражали диплом билан тақдирланган.

## МУНДАРИЖА

Кўзгу (масъул муҳаррирдан).....	3
Кириш .....	5
<b>I боб. Муҳаммад Юсуф наманганликлар ёдида.....</b>	<b>10</b>
§ 1. Наманган давлат педагогика институтида.....	10
§ 2. Адибларимиз Муҳаммад Юсуф ҳақида.....	29
<b>II боб. Илмий ва бадиий талқинлар.....</b>	<b>50</b>
§1. Бир сюжет изидан .....	50
§2. Наманган назмида Муҳаммад Юсуф образи.....	58
§3. “Ғамдек ширин севинч” туйғулар ифодаси (Муҳаммад Юсуф назмида муҳаббат образи) .....	74
§4. Муҳаммад Юсуф шеърляти журналист ва педагогларимиз талқинида.....	93
<b>III боб. Муҳаммад Юсуф “Лирик лаҳзалар”да.....</b>	<b>113</b>
§ 1. Назира ва мақолаларда.....	113
§ 2. Таржималарда.....	122
§ 3. Тасвирий санъатда.....	127
<b>Хулосалар .....</b>	<b>133</b>
<b>Библиография.....</b>	<b>139</b>
<b>1-илова.....</b>	<b>147</b>
<b>2- илова.....</b>	<b>180</b>
<b>3 –илова.....</b>	<b>191</b>

илмий нашр

**Қодиржон НОСИРОВ**

# **МУҲАММАД ЮСУФ НАМАНГАНЛИКЛАР НИГОҲИДА**

Муҳаррир: **Дилмурод ЖУМАБОЕВ**  
Техник муҳаррир: **Абдулло ЮСУПОВ**  
Мусаҳҳиҳ: **Моҳира ТОЖИБАЕВА**

2016 йил 20 январда теришга берилди  
2016 йил 19 февралда босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84 Ҳажми 12.25 босма табоқ.  
*Tahoma* гарнитурасида терилди.  
Офсет усулида босилди. Буюртма – 122  
Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

**«Наманган» нашриёти**  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй

**Нашриёт лицензия рақами АІ-156**  
2009 йил 14 августда берилган

---

*«Заковат» нашриёт уйи» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 19-уй*





**Асима Неъматова** -Чортоқ педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси; "Муҳаббатим" ва "Туркман қиз" асарлари учун "Амалий санъат ва ҳайкалтарошлик" номинацияси бўйича 1-даражали диплом билан тақдирланган.



Халқаро Пушкин танлови лауреати доцент Қодиржон Носиров 200 га яқин илмий-услубий мақола ҳамда 15 рисола ва қўлланмалар муаллифи. “Сонет ва сонетлар гулчамбари” (2008), “Теория и практика перевода” (2008), “Наманган адабий ҳаётинан лавҳалар” (2009), “Мухаммад Юсуф Наманганда ёхуд Ориятли муҳаббат” (2012) шулар жумласидан. Унинг қисса ва ҳикоялари “Ўғай қалдирғоч” китобига жамланган (2013). Таржималари: Н.Карамзин. “Бахти қаро Лиза”; Честерфилд. “Фарзандга мактублар”; Абул Фараж. “Ғаройиб ҳикоятлар”; М.Кузмин. “Буюк Искандар зафарномаси”, И.Друцэ. “Ўзликка қайтиш”.



ISBN 978-9943-977-93-8



9 789943 977938